# “GISSARNEFTGAZ” ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз айём — мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади!

Қутлуғ айём ҳар бир хонадонга, оилага бахт ва омад, шодлику қувонч, фаровон ҳаёт олиб келсин!

Халқимизга озодлик, ҳурлик келтирган Истиқлол байрами муборак бўлсин!

Тани-сиҳатлик, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги кўп қиррали фаолиятингизда улкан омадлар тилаймиз.








ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
1996 йилнинг январидан нашр этилади

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Индекс: 646882
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-65-99, 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
Босишга топшириш вақти — 18.00
Топширилди — 18.00

Масъул: Алимқул СУЛТОНОВ
Саҳифаловчи: Тўлқин РАУПОВ
Буюртма рақами: 11-734
Газета бепул тарқатилади | А: 1000

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 26 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Индекс: 100129 Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.


*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● МАХСУС РЕКЛАМА-ТИЖОРАТ, БАЙРАМ-ИЛОВА СОНИ ● 2011 йил 30 август ● сешанба ● e-mail: info@press-iq.uz


## *Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!*




## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси

*барча юртдошларимизни буюк ва муқаддас Ватанимиз Истиқлолининг 20 йиллиги билан муборакбод этади!*



# МУСТАҚИЛЛИК БАРЧА

**Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йигирма йили яратиш ва бунёдкорлик руҳида кечди. Бу давр мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтиб, миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимиз пойдеворини қуриш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, она заминимизда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оиланинг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиш борасида қўлга киритилган ютуқлар бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.**

Юртимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилди. Фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик жараёнларни жадаллаштириш, мамлакатни модернизациялашда, қонун устуворлигини таъминлаш ва энг асосийси, инсон қадр-қиммати, шаъни, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари дахлсизлигини кафолатлаш йўлида оламшумул ишлар амалга оширилди. Бу янгиланишларнинг туб моҳиятида Юртбошимиз таъкидлаганидек: **"ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун"** деган тамойил мужассам.

Бугун табаррук юртимизнинг қай гўшасига борманг, янгиланиш ва ўзгаришларни ҳис этасиз. Қишлоғу шаҳарларимиз, маҳалла ҳамда кўчаларимиз тобора обод ва файзли бўлиб бормоқда. Бу ободлик халқимиз қалбига кўчган ўз келажагига ишонч, масъулият туйғуларидан бўлса ажаб эмас. Табиатан яратувчан, изланувчан бўлган халқимизда ободлик кўнгилдан бошланади, деган нақл бор. Маълумки, йигирма йил аввал — мамлакатимиз истиқлолга эришган илк кунлардаёқ халқимиз озод ва обод Ватанда ҳеч кимдан кам бўлмай умргузаронлик қилишни ўзининг энг олий мақсади этиб белгилаганди. Бугунга келиб, бу борада эришилган ютуқларимиз мустақиллик меваси эканини теран ҳис этиб, умид билан истиқболга интилмоқда.

Ўтган давр мобайнида ислоҳотлар жараёни жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олди. Жамият ва давлат бошқарувини модернизациялаш ва янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда энг муҳим эътибор, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилди. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган туб ислоҳотларнинг кўлами кенгайди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимояси устувор аҳамият касб этди. Бу, айниқса, адлия органлари тизимидаги ўзгаришларда яққол намоён бўлди. Тизим фаолияти жамият олдида турган муҳим масалалар нуқтаи назаридан такомиллаштирилди. Инсон ҳуқуқларини, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқармалар ташкил этилди. Қисқа қилиб айтганда, худди ривожланган демократик давлатларда бўлгани каби адлия органларининг жамиятда тутган мавқеини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, халқимизнинг адлия органларига бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Аҳолининг ишончига сазовор бўлиш, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Соҳа ходимлари ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганлигини чуқур ҳис этган ҳолда ишга ёндашмоқдалар. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг 1919 та шикояти, "Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатлардан 579 таси қаноатлантирилди.

Вазирлик ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ташкил этилиши ҳам соҳада ўтказилган ислоҳотлар самарасидир. Судларнинг том маънода мустақиллигини, уларнинг ижро ҳужжатлари бажарилишини сўзсиз таъминлашда мазкур тузилманинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 2 триллион 87,9 миллиард сўмлик 1 миллион 42 мингта ижро ҳужжатининг ижроси тамомланди, мажбурий тартибда 751,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Ўтган йиллар давомида Президентимизнинг қарорлари ва бошқа норматив актлар асосида департамент фаолияти такомиллаштирилиб, унинг ваколатлари, вазифалари кенгайтирилди. Департаментга хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари 1270 нафар штат бирлиги берилди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида Суд департаменти фаолиятининг самарадорлиги ошиб, суд ва бошқа органлар қарорларининг сўзсиз ижро этилишига эришилмоқда. Судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун капитал маблағ ажратиш, судларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ислоҳотларнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасини янада либераллаштириш, фуқаролар манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш адлия ходимларининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Концепцияда адлия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасида фикр ва мулоҳазалар билдирилган эди. Жумладан, давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш вазифаси қўйилган эди. Вазирлик тизимида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармасининг ташкил этилиши Концепцияда белгилаб берилган вазифаларнинг нафақат ижроси, балки ислоҳотлар жараёнида вазирликнинг масъулиятини янада оширишда жиддий қадам бўлди.

Маълумки, Адлия вазирлиги фаолияти қонун ижодкорлиги, унинг ижросини таъминлаш чораларини кўришни қамраб олади ва шу аснода у ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари билан бевосита ҳамкорликда ишлайди. Вазирликнинг қонун чиқарувчи ҳокимият билан ҳамкорлиги **"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"**ги Қонуннинг 7-моддасида ифодаланган. Унга кўра, Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида қонун ижодкорлиги масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда мазкур фаолиятни услубий жиҳатдан йўналтириб туради. Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига биноан ва ўз ташаббуси билан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритиш, қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш вазирликнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Бу вазифалар ўтган давр мобайнида муваффақиятли бажариб келинмоқда. Хусусан, Адлия вазирлиги мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги соҳасида ўзига юклатилган вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 15 та кодекс, 400 дан ортиқ қонун, 5000 га яқин ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Президентининг бир ярим мингдан ортиқ Фармон ва қарорлари, икки ярим минга яқин идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида бевосита қатнашди ва уларнинг бир қанча лойиҳаларини тайёрлашда ишчи гуруҳларига раҳбарлик қилди.

Жумладан, ҳукуматимизнинг 1993 йил 20 майдаги фармойишига кўра Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, унга раҳбарлик қилиш Адлия вазирлигига юкланган эди. Мазкур кодекслар 1994-1997 йиллар давомида қабул қилинди. Улар ўз мазмун-моҳиятига кўра собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган, тоталитар режимга хизмат қилган кодекслардан бутунлай фарқ қилиб, бозор иқтисодиётига ҳамда ҳуқуқий демократик давлат принципларига асосланганди. Адлия вазирлиги юқоридаги кодекслар билан бир қаторда **"Ижара тўғрисида"**ги, **"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"**ги, **"Мулкчилик тўғрисида"**ги қонунларни ва шу каби бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этди.

Вазирлик томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (янги таҳрири), **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"** (янги таҳрири), **"Маъмурий тартиботлар тўғрисида"**ги, **"Архив иши тўғрисида"**ги, **"Суд экспертизаси тўғрисида"**ги, **"Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"**ги каби қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Президентимизнинг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари тайёрланди.

Шу билан бирга, вазирлик мутахассислари Ер кодекси, **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги, **"Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"**ги, **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги, **"Деҳқон хўжалиги тўғрисида"**ги ва бошқа кўплаб қонунларнинг қабул қилинишида фаол қатнашди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатда ҳар йилга алоҳида ном бериб, бутун куч ва ресурсларни маълум бир соҳа ривожига жалб этиш, шу орқали ислоҳот дастурларида белгиланган, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унинг манфаатига хизмат қиладиган муҳитни барпо этиш эзгу анъанага айланди. Шу муносабат билан соҳа ходимлари қабул қилинадиган давлат дастурларини тайёрлаш ва уларнинг ижро этилишини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Хорижий ҳамкорлар билан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий алоқалар йил сайин ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашда Адлия вазирлигининг зиммасида ҳам катта масъулият бор. Вазирликнинг халқаро-ҳуқуқий соҳадаги фаолияти ҳақида гапирганда, биргина 2011 йилнинг 1-ярим йиллигида 165 та халқаро шартнома лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ **"Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир"** деган эди. Бинобарин, Адлия вазирлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш масаласига жиддий эътибор бериб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига доир бир қатор демократик ислоҳотлар амалга оширилди. Ҳукуматимизнинг 2003 йил 27 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан вазирлик тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди.

Адлия органлари ўз зим-




"ҚОРАҚАЛПОҚДОНМАҲСУЛОТЛАРИ"
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

эзгу ниятлар йўлида
дадил қадам ташлаётган
юртимиз аҳлини
Истиқлолимизнинг 20
йиллик тўйи билан чин
дилдан қутлайди!
Юртимизни тинчлик,
осойишталик,
фаровонлик,
хонадонларимизни
нурафшонлик,
кўнгилларни
қувонч ва шодлик
тарк этмасин.
Ватанимиз тинч,
халқимиз тотув, бахт-
саодатли, дастурхони
доимо тўкин, ризқи
бутун бўлсин!



Озодлик ва
ҳурликнинг
20 йиллик
тўйи муборак
бўлсин! Оилангиздан
қут-барака, бахт ва
севинч аримасин.
Мустақиллигимизни
мустаҳкамлаш
йўлида фидойилик
билан қилаётган
меҳнатларингиз
нашидасини суриш
доимо насиб этсин.
Аллоҳ юртимизни
абадий омонликда
асрасин.

"ЕВРОСНАР"
МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

**“МИКРОКРЕДИТБАНК”**

**очиқ акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилояти филиали жамоаси**

**бағри кенг, дастурхони очиқ Ўзбекистон халқини, унинг иззат-икромига бевосита гувоҳ бўлаётган хорижлик меҳмонларни ўзининг маъно-мазмуни ва фалсафаси ила ҳаётимизга жо бўлган МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ хурсандчиликлари билан табриклайди! Дилларга шижоат ва тетиклик бахш этадиган байрам шукуҳи ҳар биримизни меҳнат зафарларига чорласин. Юртимиз тинчлиги, оилаларимиз осойишталиги, кўнгиллар хотиржамлиги ҳеч қачон бузилмасин.**

MIKROKREDITBANK

**“OQSAROY TEXTIL” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**эзгу ниятлар йўлида дадил қадам ташлаётган юртимиз аҳлини Истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйи билан чин дилдан қутлайди! Мустақиллик, озодлик, ҳурлик байрами муборак бўлсин!**

*Оғир замон ўтди, Ватан бўлди ҳур,*
*Халқим ўз бахтингга ҳушёр бўлиб тур.*
*Бағрингда улғаяр митти келажак,*
*Муқаддас озодлик — бешикдаги нур.*

**“REMEDY” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**



**буюк эзгу ниятлар йўлида давлатимиз қудратига қудрат қўшаётган Ўзбекистон халқини ва юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларни Мустақиллигимизнинг 20 йиллик қутлуғ тўйи билан муборакбод этади. Бизнинг жамоа билан ҳамкорликни йўлга қўйган барча юртдошларимизга омад ёр бўлсин.**
**Қутлуғ айём ҳар бир хонадонга қут-барака, яхшиликлар ато этсин. Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровон ҳаёт, юртимизга тинчлик ва камолот тилаймиз.**
**Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**
**Шодлик ва қувонч, байрам кайфияти қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин, азиз юртдошлар ва пок ниятли хорижлик меҳмонлар!**




# ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИДИР

масидаги вазифаларни бажариш асносида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият кўрсатиб келаётган миллий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб бормоқда. Жумладан, 2005 йилнинг 28 сентябрь куни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Адлия вазирлиги ўртасида “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги меморандум имзоланди.

2008 йил 27 октябрь куни эса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, мазкур соҳада фаолият юритувчи идораларнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш мақсадида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги ўртасида “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги келишув имзоланиб, бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 февралдаги фармойиши билан “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи” ташкил этилиб, Адлия вазири мазкур гуруҳ раҳбари этиб белгиланган.

Мазкур вазифани бажариш мақсадида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси доимий равишда таҳлил этиб келинмоқда. Давлат органлари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилишига оид мурожаатларини ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиш, ҳар бир аризанинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда мониторинг ўтказилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг мавқеини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб этиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингани мутасадди органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари қатори Адлия вазирлиги зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Бу борада қабул қилинган давлат дастури асосида адлия органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Тадбиркорларнинг муаммоларидан ўз вақтида хабардор бўлиш ва уларни тезда ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида ҳудудий адлия органлари томонидан ҳокимликлар, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда ойига камида икки марта “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида вазирлик, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги адлия бошқармаларида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида “008” “Ишонч телефонлари” ташкил этилган. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ҳолатлар бўйича адлия органларига қилган мурожаатлари алоҳида назоратга олиниб, тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, тадбиркорлик ва бозор муносабатлари ўз моҳиятига кўра, энг аввало, тарафлар ўртасидаги муносабатларга асосланади. Ушбу муносабатлар шартномалар асосида қонунийлаштирилади. Ижтимоий муносабатларни шартнома орқали тартибга солиш чуқур демократик моҳиятга эга бўлиб, бунда у, биринчидан, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини, ўзаро манфаатдорлик ва манфаатлар мувозанатини, ҳуқуқ ва мажбуриятлар узвийлигини таъминлайди. 1998 йил 29 августда қабул қилинган **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги Қонунга асосан адлия органларига шартнома тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, хўжалик шартномаларини бажариш жараёнларини назорат этиш вазифаси юклатилган.

Ушбу вазифани бажариш мақсадида вазирлик органлари томонидан шартномаларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилиши назорат қилиниб, аниқланган камчиликларнинг қисқа муддатда бартараф этилиши таъминланмоқда, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, мажбуриятларнинг бажарилиши устидан мониторинг олиб борилмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг 1-ярим йиллигида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида 442 мингдан ортиқ шартноманинг тузилишида адлия органлари томонидан ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида нотариат институтини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўтган йиллар давомида ушбу соҳанинг норматив-ҳуқуқий базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти шакллантирилди.

1996 йил 26 декабрда **“Нотариат тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши нотариат соҳасини ислоҳ қилишда алоҳида аҳамият касб этди. Нотариуснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда нотариал ҳаракатлар доираси кенгайтирилиб, уларни амалга ошириш тартиби такомиллаштирилди.

Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги **“Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”**ги Фармони нотариал идораларнинг самарали тармоғи тузилишига ва моддий-техник базаси мустаҳкамланишига олиб келди.

Юқоридаги Фармонни амалиётга татбиқ қилиш мақсадида 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шунингдек, Адлия вазирлигининг тегишли ҳужжатлари қабул қилинди.

Нотариат институтини такомиллаштиришдаги асосий талаблардан бири нотариуслар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатилиши учун шарт-шароит яратишдан иборатдир. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 сентябрдаги фармойиши билан Давлат нотариал органлари ва нотариал архивларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Истиқлол йилларида республикамизда оилага алоҳида эътибор қаратила бошлади. Шу муносабат билан оила муносабатларини тартибга солувчи ва ФҲДЁ органлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари қайта кўриб чиқилди.

Оила кодексида илк бор никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва бошқа қатор муҳим қоидалар акс этди.

Кейинги йилларда ФҲДЁ органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”, “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома” ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2010 йил 14 сентябрдаги **“Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонунга асосан Оила кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартишлар киритилди.

Ҳозир мамлакатимизда 236 та ФҲДЁ органи фаолият кўрсатмоқда.

Вазирлик томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини туркумлаш бўйича қилинган ишлар ҳам эътиборга молик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги **“Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорига кўра 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш жорий этилди ва ушбу вазифа Адлия вазирлигига юклатилди.

Бундан ташқари, ушбу қарорга биноан “Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида”-ги Низом тасдиқланган бўлиб, унга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби юритиб келинмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги кунга қадар 5000 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинган. Хусусан, 2011 йилнинг 1-ярим йиллигида ҳисобга олинган бундай ҳужжатлар сони 333 тани ташкил этди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нусхаларига мингга яқин ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги белгилар киритилди.

Маълумки, инсон ҳаётида ахборотнинг ўрни беқиёс. Давлатлар, миллатлар ўртасидаги интеграция жараёнлари, инсонлар ўртасидаги алоқалар кенгайиб, тезлашиб бораётган ҳозирги даврда ахборот олиш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Халқимизнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан “LexUz” ҳуқуқий ахборот қидириш тизими ишлаб чиқилди. Бугунги кунга келиб, ҚҚММ базасига 22764 тадан ортиқ ўзбек ва рус тилларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киритилди.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатура институтининг алоҳида ўрни бор. Судларда тортишув тамойилини вужудга келтириш, тергов ва суриштирув даврида ҳимояланиш кафолатларини мустаҳкамлаш, шартномавий-ҳуқуқий, фуқаролик муносабатларида ишончли юридик хизмат билан таъминлашда адвокатура муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **“Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонига асосан тизим фаолияти янада такомиллаштирилди. Натижада адвокатуранинг жамиятдаги мавқеи кўтарилди. Суд ва бошқа ҳуқуқий жараёнларда унинг иштироки фаоллашиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яна бир самарали механизми вужудга келди. Ҳозир 3318 нафар адвокат фуқароларга юридик ёрдам кўрсатаётгани фикримиз исботидир.

Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, жиноий жазо тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси билан боғлиқ қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари бажарилишини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этиладиган фуқаролик жамияти барпо этилишига хизмат қилади. Ушбу йилда истиқлолнинг йигирма йиллик тантаналарига тайёргарлик кўриш ва байрам тадбирлари “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” деган шиор остида ўтказилмоқда. Юртимизнинг ўтмиши, бугуни ҳамда келажагининг самимий ва ҳаққоний ифодаси бўлган ушбу шиор ҳар гал жаранглаганда, ана шундай юртнинг фарзанди эканимиздан, ана шундай халққа хизмат қилаётганимиздан қанчалик ғурурлансак, бунинг масъулиятини шунчалик чуқурроқ ҳис этамиз. Шундай экан, мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, юртимиз тараққиётини таъминлаш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдек эзгу ишлар асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

**Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири**

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

**ДЕМОКРАТИК ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош мақсадидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан "ўзбек модели" деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси замирида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам экани бугун барча соҳалардаги ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда.**

**Бу жараёнда инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашни мақсад қилган Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила НОРБОЕВА билан бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.**

Мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан ҳисобланган касаба уюшмалари меҳнат аҳли, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, миллий ўзликни англаш, уларда юксак маънавиятни шакллантиришда фуқаролик жамиятининг муҳим кучларидан биридир, — дейди Т.Норбоева. — Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит яратиш, унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқини ҳимоялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш Ўзбекистон касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидандир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** касаба уюшмалари фаолиятини ҳам янгича асосда ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Концепцияда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар тизим фаолиятига босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, қулай ва етарли меҳнат шароитлари билан таъминлаш, соғломлаштириш ишлари сифатини ошириш борасида тизимли иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув имзоланди. Мазкур ҳужжат касаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги жамоа шартномавий муносабатларни ижтимоий шериклик тамойиллари асосида мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Касаба уюшмалари ҳамда ижро ҳокимияти, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик алоқаларини йўлга қўйиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ва маънавий юксалтириш ишларида муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир. Бу жараёнда айрим касаба уюшма ташкилотларини оптималлаштириш тизимни ҳар томонлама мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолиятини кучайтириш — меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ҳар бир ҳудуддаги вилоят, туман ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар касаба уюшма қўмиталарига доимий амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Федерация кенгаши томонидан ўттизга яқин меъёрий ҳужжат қабул қилиниб, барча касаба уюшма ташкилотларига етказилди.

Масалан, санаторийларга йўлланмалар беришнинг янги тартибига кўра, ходим касаба уюшма қўмитаси орқали санаторийга йўлланмани имтиёзли шартларда аввалгидек, 5 йилда бир маротаба эмас, балки ҳар 3 йилда олиши мумкин. Бундан ташқари, бошланғич касаба уюшмаларининг молиявий салоҳияти оширилиши натижасида ҳар йили қўшимча равишда ўн минг нафарга яқин касаба уюшма аъзосини соғломлаштириш имконияти юзага келди.

— **Касаба уюшмалари фаолиятининг негизини ташкил этувчи меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси бугун қай даражада таъминланмоқда?**

— Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида 81 тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида 14 ҳудудий келишув, шунингдек, 509 ҳудудий-тармоқ келишуви амал қилмоқда. Бевосита корхона ва ташкилотларда имзоланган юз мингдан зиёд жамоа шартномалари орқали 5 миллион нафарга яқин кишининг манфаатлари ҳимояга олинган.

Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, ҳар бир жамоа шартномаси ва келишувларнинг мазмун-моҳиятига янгича ёндашув асосида, уларда инсон омилини ифодаловчи бандлар акс этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда юқорида таъкидлаганимиз — Бош келишувнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Жорий йилнинг биринчи ярим йили давомида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 14 минг нафардан зиёд фуқаро ва 16 минг 600 га яқин оилага 7 миллиард 620 миллион сўмдан зиёд ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 16 минг 200 нафардан зиёд кам таъминланган ёш оила вакилларига 1 миллиард 516 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Янги оила қурган 307 нафар ёшларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди ва уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар ажратилди. 2 минг 565 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар тақдим қилинди. Шунингдек, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 3 минг 85 нафар ёш онага 709 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, 497 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтирилиб, ушбу мақсадларга 91 миллион 700 минг сўм маблағ сарфланди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 1 минг 409 нафар талаба учун контракт пулларининг бир қисми қопланди. Бундан ташқари, ёлғиз ва кексаларга дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хонадонларини таъмирлаш, коммунал хизматлар тўлови учун мунтазам ижтимоий ёрдам тадбирлари амалга оширилмоқда.

Нодавлат сектордаги барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиши ҳам Федерация кенгашининг доимий диққат марказида. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида нодавлат сектордаги 782 та корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаси тузилди ва 18 минг 943 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди. Натижада жамоа шартномалари ва келишувлари орқали қатор имтиёз ва қулайликлардан нодавлат сектори ходимлари ҳам фойдаланмоқда.

Касаба уюшмалари Конституциямизга мувофиқ ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш билан бирга, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, бандлик, жамоа шартномалари тузилиши ва бажарилишига кўмаклашиш, жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳам фаол иш олиб бормоқда. Тизимдаги такомиллашув ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга қаратилаётган эътибор, уларга кўрсатилаётган услубий-амалий ёрдам натижасида корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг 90 фоизидан зиёдига иш берувчи ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал, албатта, касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш лозимлиги тўғрисидаги банд киритилишига эришилди. Бу меҳнаткашлар — касаба уюшма аъзоларини ноқонуний ишдан бўшатилишидан ҳимоя қилади.

Буларнинг барчаси касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ўрнатилган ижтимоий шерикликнинг амалий натижасидир.

— **Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.**

— Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари имкониятларини кенгайтириш орқали ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ҳамда самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармойишига мувофиқ **"Ижтимоий шериклик тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи тузилди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент давлат юридик институти олимлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши мутахассисларидан таркиб топган мазкур эксперт гуруҳи томонидан, аввало, мавжуд қонунчилик ўрганилиб, ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган ҳолатлар аниқланди. Ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқий амалиёт тажрибаси таҳлил қилинди.

Ҳозирга қадар мазкур қонун лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилди ҳамда қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги ўрганилиб, ҳуқуқий экспертиза ўтказилди. Муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича икки юздан зиёд таклифлар олинди.

Маълумки, касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ижтимоий шериклик тамойиллари ташкил этади. Чунки, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан айнан ижтимоий шерикликнинг амалда қай даражада ўз ифодасини топаётганига боғлиқдир.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда йиллик чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилди.

**"Ижтимоий шериклик тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, касаба уюшмалари фаолиятини ҳам кучайтириш учун кенг имкониятлар яратади.

— **Меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муносабатларидаги низоларнинг олдини олиш, иш берувчи ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Албатта, юксак ҳуқуқий маданият ҳар қандай қонун бузилишининг олдини олишда энг муҳим омиллардан биридир. Касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ҳам, иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, касаба уюшмаларининг юридик хизматлари фаолияти кучайтирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида, шунингдек, Қорақалпо-








Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

# Юксакликка чорлаган даъват

**МАЪНАВИЯТ, маданият, жамиятшунослик ва қадриятшунослик (аксиология)ка оид китоб ва луғатларда қадрият тушунчасига турлича таъриф берилган. Айримлари бир-бирини тўлдирса, баъзи бирлари бир-бирини инкор этади. Оддий одамлар ота-боболардан қолган урф-одатларни, қараш ва кўникмаларни, ғоя ҳамда тушунчаларни қадрият деб билишади. Бу ҳам тўғри. Бизнингча, нафақат ўтмиш билан боғлиқ моддий ва маънавий ёдгорликларни, балки ҳеч қачон эскирмайдиган, ҳамма замонларда инсониятга хизмат қиладиган ижобий нарсалар ҳам қадрият сифатида эътироф этилади. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида қадрият сўзига мукаммал таъриф берилади: "Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз".**

АЗАЛДАН аждодларимиз миллий ғурури баланд, тарихнинг турли мураккаб даврларида ўз қадр-қимматини қалбида асраб, уни йўқотмаган, Ватан тақдирига туташ қадамларда мудом жасорат кўрсатган.

Кўпгина адабий асарлар, бадиий ва ҳужжатли кинофильмларда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб ёнаётган уйдан чақалоқни олиб чиққан, душман ўқига тик бориб қуролдошларини ўлимдан асраб қолган, чегарани ёвлардан ҳимоя қилишда ўз жонини фидо этган инсонлар жасоратига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Дарҳақиқат, бундай жасурлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобининг "Энг буюк жасорат" деб номланган қисмида юқорида саналган ҳолатларда кўрсатилган қаҳрамонлик намуналарига шундай таъриф беради: **"Кўпчилик қаторида, фақат вазият тақозо этган тақдирда майдонга отилиб чиқиш, қаҳрамонлик кўрсатиш – албатта, бу ҳам осон эмас. Бунинг учун ҳам инсонда катта юрак, ғайрат-шижоат, энг муҳими, ўзига, ўзининг куч-қудратига мустаҳкам ишонч бўлиши керак".**

Юртбошимиз сўзларидаги "фақат вазият тақозо этган тақдирда", деган иборага эътибор қаратайлик. Демак, бу хилдаги қаҳрамонликлар кўпроқ фавқулодда ҳолатларда, кутилмаганда юз беради. Фавқулодда вазиятлар, шукрки, кундалик ҳаётимизда камдан-кам ҳолатда рўй беради. Демакки, бундай қаҳрамонликлар ҳар куни эмас, балки онда-сонда содир бўлади. Юртбошимиз асарда масаланинг худди шу жиҳатига эътибор қаратиб, ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Демак, биз фидойиликни кундалик ҳаётий мезонимизга айлантирсак, том маънода ҳар дақиқада қаҳрамонлик, ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатган бўламиз. Мана шу фидойи кишилар бўлмаса, на жамият, на давлат, на инсоният ривожланади, равнақ топади. Ушбу мезонлардан келиб чиқиб, Юртбошимиз: **"Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз"**, — дейди. Мана шу жасорат эгалари сифатида Президентимиз илм-фан, маданият, озодлик йўлида ўзини аямаган буюк олимлар, мутафаккирлар, саркардалар, давлат ва жамоат арбобларини ва уларнинг фаолиятини ҳурмат билан тилга олади. Шу ўринда Президентимизнинг **"1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик – XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз"**, деган сўзларини фахру ифтихор ила тилга оламиз.

Бугун барча соҳалардаги туб ўзгаришлар, халқ ва мамлакат эришган муваффақиятлар, унинг жаҳондаги обрў-эътиборининг юксалиши, аввало, мустақиллик билан чамбарчас боғлиқдир. Ватанимиз мисолида айтадиган бўлсак, қарийб 130 йил давом этган истибдоддан тўла халос бўлишимиз, дунё харитасида "Ўзбекистон Республикаси" деб аталган суверен давлатнинг пайдо бўлишида, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг эълон қилиниши том маънодаги тарихий ҳодиса, буюк маънавий жасорат бўлди.

Истиқлол йилларида жонажон Ўзбекистонимизни дунё таниди. Унинг байроғи дунёнинг халқаро ташкилотларида ва БМТда мағрур ҳилпираб турибди. Бунга мана 20 йил тўлди. Бу айтишга осон. Халқимиз 20 йил ичида улуғ ва зафарли йўлни босиб ўтди. Мустақиллик йиллари осон кечди, десак, муболаға бўлади. 20 йил ичида Юртбошимиз мамлакатимизни оқилона ва юксак заковат билан бошқарди. Халқимиз билан асрларга татигулик ишларни амалга оширди. Буни дунё эътироф этмоқда. Тинч-осойишта, барқарор ривожланаётган, озод ва обод Ватанимиз равнақи учун буюк аждодларимизга муносиб эзгу ишлар қилинаётгани келажагимиз нурафшон эканини намоён қилмоқда.

**Алижон ОЧИЛОВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

**"ХОРАЗМ ИПАГИ"**
**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ КЎП СОНЛИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — мамлакатимиз Мустақиллигининг тарихий 20 йиллиги шодиёналари билан қизғин муборакбод этади!
Азиз биродарларимизнинг умрлари ипак толалари янглиғ узун ва жозибадор, гўзал ва мустаҳкам бўлишини тилайди.
Ҳурлик айёми халқимизга абадул-абад ҳамроҳ бўлгай.
Бахт ва фаровонлик юртимиз сарҳадларини ҳеч вақт тарк этмасин.
Улуғ айём муборак, азиз ҳамюртлар!

**«АНДИЖОН БИОКИМЁ» ЗАВОДИ ЖАМОАСИ**

барча элдошларимиз ҳамда гўзал диёримизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларни асрий орзуларимиз эркин рўёбга чиққан гўзал кун — 1 сентябрь айёми — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами билан самимий табриклайди!



*Нур ёғилар тинч осмонингда,*
*Соя солмас дилга ховотир.*
*Аждодларга муносиб авлод,*
*Келажакка дадил бораётир.*



**"ШОВОТ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ"**
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

*юртимиз тўкинлиги учун меҳнат қилаётган барча ғаллакорларни ва халқимизни улуғ ва мўътабар байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи билан чин дилдан қутлайди! Хирмонингиз осмон қадар юксак бўлишини истаб қоламиз. Эзгу ишларингизда бахт ва қувонч ёр бўлсин!*

*Ғаллакорларимиз бу йил ҳам юксак дон хирмонини бунёд этишди. Юртбошимиз Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табрикда шундай дейилган: "Бугунги қувончли айёмда сиз, миришкор ғаллакорларимиз, илғор механизатор ва комбайнчиларимизни, мутахассис ва мутасаддилар, бу улкан зафарга муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларни яна бир бор қизғин табриклаб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман". Бу сўзлар минглаб ғаллакорларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.*

*Эришган ғалабаларингизга кўз тегмасин. Юртимиз дастурхонини тўкин қилишдек эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин.*



# “ОЗОДОВА МАРҲАБО” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**азиз ватандошларни ҳамда жаннатмонанд юртимизга ташриф буюрган меҳмонларни асрий орзуимиз ушалган шонли Истиқлолимизнинг 20 йиллик қутлуғ тўйи билан самимий муборакбод этади!**

**Меҳридарё халқимизнинг оилаларига тинчлик-хотиржамлик, дастурхонига қут-барака, амалга ошираётган эзгу ишларига улкан зафарлар тилайди.**




2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”

## Эпли тадбиркор — элга мададкор

**МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорлик, бунёдкорлик, яратувчанликка кенг йўл очиб берилаётганлиги барча жабҳаларда қўлга киритаётган ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда. Айниқса 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги соҳа вакилларига берилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир далили бўлди.**

МАЪЛУМКИ, истиқлол йилларида тадбиркор жамиятнинг етакчи шахсларидан бирига айланди. Мен ҳам ана шундай замондошларим сафида борлигимдан мамнунман, — дейди пскентлик тадбиркор Марҳабо Озодова. У тадбиркорлик фаолиятини 2001 йил “Озодова Марҳабо” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, “Микрокредитбанк”нинг Пскент филиалидан олган 3000000 миллион кредит эвазига касаначиликдан бошлади. Марҳабо опа соҳанинг сир-асрорларини тез ўрганиб тажриба орттирди. Самарали ва сифатли хизматлари туфайли истеъмолчилар ишончини қозонган М.Озодова йилдан-йилга тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб борди.

Бугунги кунда “Озодова Марҳабо” МЧЖ тасарруфида “Лола” ресторани, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадоқлаб, шартнома асосида етказиб бериш ҳамда касаначилик фаолиятларини изга туширди. Қатор йиллар давомида банк ишончини ҳам қозониб келган “Озодова Марҳабо” МЧЖ 2009 йилда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Тошкент вилояти филиалидан икки юз миллион, Халқ банкининг Пскент филиалидан 35.000.000 миллион кредит олган эди, бугун мазкур кредитнинг 70-80 фоизини тўлашга улгурди, бу албатта хусусий тадбиркор Марҳабо Озодованинг тадбиркорлик фаолиятини тўғри йўлга қўйганлигидан далолатдир.

Тадбиркор бугунги жамиятнинг илғор қатламларидан бири экан, демак, у ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида фаоллик кўрсатиши зарур. Буни яхши англаган “Озодова Марҳабо” МЧЖ маҳалла, мактаб, мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорлик фаолиятини ҳам йўлга қўйган.

Бугунги кунда, Марҳабо опа туманда 20 дан зиёд кишини иш билан таъминлади. Энг муҳими, ҳам оила иқтисодига, ҳам юрт иқтисодига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Эпли тадбиркор элга мададкор деб шуни айтадилар-да.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган Марҳабо опадек тадбиркорлар кўплаб топилади, ниятимиз қонун доирасида фаолият юритаётган барча тадбиркорларнинг иш фаолиятига улкан зафарлар тилаб қолишдир. Жорий йилда фаолият турини янада кенгайтиришга, ишчилар сонини орттиришга бел боғлаган тадбиркор М.Озодованинг тадбиркорлик фаолиятига фақат яхши ниятларни тилаб қоламиз.

**Сухроб МИРЗАЕВ**





**Адлия тизими фаолияти: Қорақалпоғистон Республикаси**

# Мулкни бошқа шахсга ўтказиш

## Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар

**ҚОНУН ҳужжатларига биноан нотариал тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни тасдиқлаш нотариуслар ваколатига киради.**

АМАЛДАГИ қонунларга мувофиқ қуйидагилар, албатта, нотариал тарзда тасдиқланиши керак бўлган битимлар сирасидандир: уй-жойни, квартирани (уларнинг бир қисмини) тасарруф этиш (олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя) тўғрисидаги шартномалар, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномалар, автомототранспорт воситаларини ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмларни, уларнинг номерли агрегат ва тиркама, ярим тиркамаларини бошқа шахсга ўтказиш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя қилиш, рента) ва бошқа турдаги битимлар.

Жумладан, автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир. 18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган битимларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автомототранспорт воситалари бундан мустасно.

Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилгандан кейин амалга оширилади. Тақиқ ва хатловнинг йўқлиги ҳақидаги маълумот беш кун муддат давомида амал қилади.

Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимлар тасдиқлангунга қадар нотариуслар томонидан автомоторанспорт воситалари ДЙҲХХ органларида агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига солиштириб кўздан кечирилади ҳамда штамп билан тасдиқланади.

Автомототранспорт воситаси эрнинг ёки хотиннинг умумий биргаликдаги мулки бўлган ҳолларда, эрнинг ва (ёки) хотиннинг автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишга розилиги тўғрисида нотариус ёзма аризасини олади.

Нотариуслар томонларга улар тақдим этаётган битимлар (шартномалар) лойиҳалари мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини тушунтириши ҳамда битимнинг (шартноманинг) мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини текширишлари лозим.

**Клара КАМАЛОВА,**
**Тахиатош шаҳар 51-сонли давлат нотариал идораси нотариуси**

# Фарзанд – хонадон қувончи

## у соғлом оила қўйнида баркамол ўсади

**ФАРЗАНД – ота-онанинг қувончи, уларнинг ҳаёт давомчиси. Ўғил-қизлар жамият ҳамда Ватан учун азиз ва қадрли. Бола туғилган кунидан бошлаб ўз ҳуқуқларига эга бўлади. Шу билан бирга оналикни муҳофаза қилиш талаблари асносида унга олдиндан ғамхўрлик кўрсатиш асослари ҳам бор.**

ФАРЗАНД кўриш ва уни ўзи хоҳлагандек вояга етказиш ота-онанинг бирдан-бир орзуси, албатта. Бу истакларга эришиш, энг аввало, оилада ижтимоий муҳит, ота-онанинг соғлом турмуш кечиришига боғлиқдир. Бинобарин, фарзанднинг носоғлом дунёга келиши оила аъзоларини изтиробга солади. Бундай ҳол кузатилишининг турли сабаблари бўлиши мумкин. Шу боис никоҳга киришувчи йигит-қизлар бўлажак оилада ўз бурч ва ҳуқуқларини тўла англаб олиши, соғлом турмуш тарзини танлашни ўзига қатъий белгилаши, бир сўз билан айтганда, фарзанди соғлом туғилиши учун бор имкониятларни ишга солиш ҳақида жиддий бош қотириши зарур. Шу маънода Нукус тумани ФҲДЁ бўлими қошидаги "Ёш оила қурувчилар мактаби"да никоҳ ёшидаги ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Оилавий ҳаёт сабоқларига оид ўқув тарбия соатларида йигит-қизлар мавзуга доир ҳуқуқий, маънавий, оила ҳаёти учун зарур билимларни ўрганмоқда. Қизларимиз онгида оналик, йигитларда оталик масъулиятини шакллантириш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада яхшилаш ва оилада боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган турли тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ўтказиляпти.

Бундай саъй-ҳаракатлар ўз ҳаётий самараларини бераётгани, туманимиз ёшларининг бу сабоқларга қизиқиши ортиб, оилавий ҳаётга жиддий ёндашаётгани қувонарлидир. Зеро, жамият ҳар бир аъзосининг тарбияси, аввало, оиладан бошланади.

**Инкар ЕРЖАНОВА,**
**Нукус тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

# Ворислик ҳуқуқи

## қонун билан кафолатланади

**ВОРИСЛИК ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида ва мустақил институти бўлиб, жисмоний шахс вафотидан сўнг ёки юридик шахс тугатилганидан кейин вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими саналади.**

ХУСУСИЙ мулк эгаси ўз мулкининг тақдирини ўзи вафот этишдан олдинроқ мерос (ворислик) ҳуқуқи ёрдамида амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида мерос ҳуқуқининг қонун билан кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Ҳар бир шахс бошқа шахслар билан турли муносабатларга киришиши табиий. Бу муносабатлар ўрни келганда маълум бир қонун-қоидалар билан тартибга солинади. Муносабатда турган ҳар бир шахс маълум бир ҳуқуққа эга бўлади ва шу билан бирга, бирор мажбуриятни ҳам зиммасига олади. Бундай ҳуқуқ ва мажбурият, қоида тариқасида, шахс вафот этган тақдирда ҳам ҳуқуқий кучини сақлаб қолади. Бошқача айтганда, шахснинг вафот этиши бундай ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келмайди. Масалан, фуқаронинг жамғарма банкига қўйган омонати бўйича банк уни қўйган шахс вафот этган тақдирда ҳам уни тўлаш мажбуриятидан озод бўлмайди. Омонатни талаб қилиб олиш ҳуқуқи фақат бошқа шахсларга, яъни вафот этган шахс томонидан тайинланган ёки қонунда белгиланган меросхўрларга ўтади.

Мерос ҳуқуқи мерос қолдирувчининг ўз мулкига нисбатан вафотидан кейинги хоҳиш-иродасини, шу билан бирга, унинг ҳаётлик вақтида мерос қолдирилаётган мол-мулкка бўлган муносабатини васиятнома расмийлаштириш йўли билан тартибга солади. Ворислик эса, мерос мулкнинг маълум шахсларга мерос очилгандан кейин ўтиш тартиби бўлиб, қонунда унинг икки йўли аниқ белгилаб қўйилган. Ворислар қонун билан ёки мерос қолдирувчи томонидан васиятномада белгиланади.

Ворисликка доир ҳуқуқий муносабатлар мерос очилган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мероснинг очилиш жойини тўғри аниқлаш қонуннинг ҳуқуқий муносабатга тўғри татбиқ қилинишини таъминлайди.

Фуқаролик кодексининг 1117-моддасида мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи деб белгиланган. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, унинг кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулки бўлмаган тақдирда, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Қонун бўйича ёки васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома кўрсатилган муддат тугамасдан олдин берилиши мумкин.

Давлат нотариал идорасида мерос ишларини ҳисобга олиш китоби юритилади.

**Ниятбой КАИПНАЗАРОВ,**
**Нукус шаҳар 10-сонли давлат нотариал идораси нотариуси**


**"ЮНИВЕР" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*халқимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги шодиёнаси билан табриклайди! Оилангиздан қут-барака, меҳр ва саховат аримасин. Меҳнатингизга унум ва умрингизга умр қўшилаверсин. Қалбингизга ғайрат ва шижоат доимо ҳамроҳ бўлсин!*









# ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

**ЮРТИМИЗ молия хизматлари бозорида ўз етакчи мавқеига эга "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг "Автотранспорт" филиали ўз ваколатлари доирасида мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада омонатлар жалб қилиш ва бунинг ҳисобига кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг муҳим ишлаб чиқариш соҳаларига самарали йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.**

"АСАКА" банк (ОАЖ) "Автотранспорт" филиали тармоғида 3 та минибанк, 3 та махсус касса, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилувчи 14 та шохобча мавжуд бўлиб, хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Мижозларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатувчи йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига намунали молиявий хизматлар кўрсатиш банк жамоасининг бирдан бир мақсадидир.

Филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида махсус "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилди. "Тадбиркорлар хонаси"да банкнинг юқори малакали мутахассислари томонидан кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни қизиқтирган барча масалалар юзасидан тўлақонли тушунтиришлар бериб, мижозларнинг барча муаммолари қисқа муддатларда ҳал қилинмоқда.

"Тадбиркорлар хонаси" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун барча зарурий техник воситалар, кўргазмали стендлар ва меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган.

2011 йилнинг биринчи ярмида филиал асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга, техник ва технологик жиҳозларни модернизация қилишга йўналтирилган кредит сиёсатига қаратди.

Жорий йилнинг 1 август ҳолатига филиал томонидан тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 5 306,2 миллион сўм, Президентимизнинг ПҚ-1047-сонли Қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун жами 6 738,1 миллион сўм миқдорида ва ПҚ-1050-сонли Қарорига асосан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 5 018,0 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу эса корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширибгина қолмай, аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йил бошидан кўпгина ёш оилаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, уй-жой қуриш ёки сотиб олиш, мебель жиҳозлари, узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур буюмлар харид қилиш учун 1 321,5 миллион сўм миқдорида ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Умуман, хизмат маданиятини ошириш ҳисобига мижозлар сафи кенгайиб, уларнинг банкка бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда.

Бугунги ҳаётимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кичик бизнес субъектларига ўтган 7 ой мобайнида 22 868,7 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиб, микромолиялаш борасидаги ажратилган кредит салмоғи 206,7 миллион сўмни ташкил этди.

Пойтахтлик хотин-қизларимиз орасида ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиб, турли соҳаларда хизмат кўрсатаётган, сифатли ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, қўшимча иш ўринлари яратишга ўз ҳиссаларини қўшаётганлар талайгина. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 1 265,6 миллион сўм миқдорида кредит ажратилганлиги эътиборга моликдир.

2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан "Асака" банки томонидан мазкур соҳа вакиллари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида 2011 йилнинг энг яхши лойиҳаси бўйича танлов эълон қилинган эди. Танлов якунларига кўра, "Автотранспорт" филиали мижози "Сафо Тиббиёт" МЧЖ лойиҳаси 3-ўрин билан мукофотланганлиги банк жамоасига янги шижоат ва кўтаринки руҳ бағишлади. Танлов ғолиблари имтиёзли шартларда кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги **"Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонига асосан банклардаги омонатларга қўйилган аҳолининг бўш пул маблағлари ва олинадиган даромадлари барча турдаги солиқлардан озод этилганлиги, маблағларни чекловларсиз тасарруф этиш ҳуқуқининг берилиши каби қулай имконият ва имтиёзларнинг яратилганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида "Асака" банкнинг "Автотранспорт" филиали томонидан ҳозирги кунда аҳоли эътиборига 80 та миллий ва хорижий валютадаги омонат турлари тақдим этилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилишини янада рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида миллий ва хорижий валютадаги 10 та янги омонат тури жорий этилди. Жумладан, сақлаш муддати турлича ва фоиз даромадлари юқори бўлган омонатлар сирасига "Туҳфа", "Яхши ният", "Истиқлол", "Баҳорги-1", "Сармоя", "Тадбиркор", "Даромадли-1", "Самарали", "Хотира", "Файзли-1", "Эҳтиром-2011" каби ва бошқа омонатларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришда банк пластик карточкаларининг аҳамияти жуда муҳим ҳисобланади. Пластик карточкалар банк мижозлари ходимларининг иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, стипендия ва пенсия тўловларини ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар бўйича қарздорликни ўз вақтида тўлаш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ва тезкор амалга ошириш имконини яратади.

Бугунгача филиал томонидан 40 975 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 798 донага кўпайди. Ўрнатилган терминаллар эса 303 тага етди, 3 та банкомат ва 2 та инфокиоск ўрнатилди. 471 та корхона ва ташкилотларда "Иш хақи" лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг сони 471 тага етди. Пластик карточкалар орқали савдо айланмалари миқдори 2 648,5 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 миллион сўмга кўпайди.

Бундан ташқари, филиал томонидан мижозларга берилган савдо терминалларининг қулайлик тарафларидан бири, бу фаолият жойидан узоқлашмаган ҳолда телефон тармоғи орқали инкассация, яъни савдо қилинган маблағларни банкдаги ҳисоб варағига тўғридан-тўғри тушириш имконини беради. Бу эса мижозлар вақтини тежаш каби қулайликларни яратмоқда.

Халқаро пластик карточкалар орқали амалга оширилган транзакциялар миқдори ҳам бир қанчага ошиб, ўтказилган маблағлар миқдори 187 365,81 АҚШ долларини ташкил қилди.

Шунингдек, филиалда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банк маҳсулотлари ҳамда хизматларини кенг ва сифатли кўрсатиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Мижозларга масофадан ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасидаги янги "SMS BANKING" ва "БАНК — МИЖОЗ" дастурий комплекси орқали хизмат турлари кенгайтириб борилмоқда.

Банк мижозларига ҳозирги кун талабига жавоб берадиган "Интернет Банкинг" хизмат тури таклиф этилмоқда. Мазкур хизмат тури банк мижозига ўз уйидан чиқмаган ҳолда, интернет орқали банкда мавжуд бўлган ҳисоб рақамидаги пул маблағларини тасарруф этиш имконини беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, аҳоли бўш пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш бўйича ишларни янада фаол давом эттириш банкнинг доимий диққат марказидаги вазифалардан бири бўлиб қолади.

**Ахборот хизмати бўлими**




**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОРАКЎЛ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

*Сиз азиз юртдошларимизни, мамлакатимизга яхши ниятда ташриф буюриб, байрам қувончимизга шерик бўлаётган хорижлик меҳмонларни Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик шодиёналари билан чин дилдан қутлайди!*

*Жамоамиз хонадонингизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик, яқинларингизга саломатлик тилайди. Юртимиз равнақи йўлидаги улкан ишларингизда омад ёр бўлсин!*




## Адлия тизими фаолияти: Тошкент шаҳри

# ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КУЧ

**БОЗОР иқтисодиёти тадбиркорликка асосланган иқтисодий тизим бўлиб, бундай шароитда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч саналади. Бу эса, ўз навбатида, товар-пул муносабатларининг янада ривожланишига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш орқали бозорнинг товарга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Шу боис, қайси мамлакатда тадбиркорлик фаолияти учун ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган бўлса, шу жойда иқтисодиётнинг ўсиши кузатилади.**

МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимизда бу йўналишда Президентимизнинг кўплаб фармонлари, қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш тамойиллари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёзлар тизими аниқ белгилаб қўйилди. Шу боис тадбиркорлик соҳасини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга таянган ҳолда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан назорат қилувчи органлар ўтказаётган текширишларнинг қонунийлиги устидан назорат олиб борилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонунуий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ярмида тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган 137 та мурожаатдан 32 таси қаноатлантирилди. Шу даврда ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 79 та тақдимнома киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 102 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 3 та ноқонуний қарор ижроси бекор қилинди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга 635 459 337 сўмлик даъво аризаси киритилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган 51 та маъмурий баённома асосида суд идораларининг қарорларига биноан 24 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жумладан, Миробод туманида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркор А.Абдумаликовнинг мурожаати ўрганиб чиқилди.

Унда келтирилишича, А.Абдумаликов архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқишни сўраб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилганлиги, ушбу мурожаат шу куннинг ўзидаёқ Архитектура ва қурилиш бош бошқармасига келиб тушган бўлса-да, архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими ходимлари унга бефарқ қараганлиги, ижрода белгиланган муддатни кечиктирганлигини баён қилган.

Ҳақиқатан мазкур мурожаатдаги важлар асосли эканлиги ўрганишда маълум бўлди. Адлия бошқармаси аралашувидан сўнг тадбиркорнинг талаби қаноатлантирилди. Қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган шахсга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судига кўриб чиқиш учун юборилди.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимояси борасида зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилишига қарамасдан, айрим назорат қилувчи идоралар томонидан уларнинг фаолиятларига ноқонуний аралашувлар кузатилмоқда. Ана шундай ҳолатларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш мақсадида бошқармамиз ходимлари жойларда назорат қилувчи идора ходимлари билан ҳамкорликда амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, қўшимчалар ва тузатишлар юзасидан семинарлар ўтказиб келмоқда.

Яқинда бошқарма ходимлари якка тартибдаги тадбиркор Р.Елушиннинг Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси Олмазор тумани жамияти ходимининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб қилган мурожаати кўриб чиқилди.

Мурожаатда, ушбу жамият ходими тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган Чилонзор туманида жойлашган "ABU — SAHIY" савдо расталарида жойлашган дўконга келиб, савдода бўлган чанг ютгич ҳамда бошқа халқ истеъмоли молларига мувофиқлик сертификатини кўрсатишни талаб қилганлигини маълум қилиб, бу масалада амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Адлия бошқармаси ходимларининг аралашуви билан мазкур қонунбузилиш ҳолатига чек қўйилди. Жамият ходимига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судига қонуний чора кўриш учун юборилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркор Ш.Қудратуллаева "Ўзавтодарётранс" агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ходимлари хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзган аризаси ҳам ўрганиб чиқилди.

Мазкур аризада ёзилганидек, "Ўзавтодарётранс" агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ходимлари томонидан унга тегишли бўлган автотранспорт воситасини тўхтатиб, техпаспорти (техника воситасини қайд этиш гувоҳномаси) олиб қўйилгани аниқланди.

Адлия бошқармаси ходимлари аралашувидан сўнг ноқонуний олиб қўйилган автотранспорт воситасининг техпаспорти (техника воситасини қайд этиш гувоҳномаси) эгасига қайтариб берилди.

"Ўзавтодарётранс" агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимига қонунбузилиш ҳолатини келгусида такрорламаслик юзасидан қаратилган огоҳнома киритилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида адлия бошқармасида жорий этилган "Ишонч телефон"лари мунтазам ишлаб турибди ва тарғиб қилиб келинмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий йилнинг ярмида "Ишонч телефони"га жами 62 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди ҳамда уларни қизиқтирган турли масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да зиммамиздаги масъулиятни янада чуқурроқ англаб, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоғимиз, уларга ҳақиқий таянч бўлмоғимиз лозим.

**Нуъмонжон МУҲАММАДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

# Никоҳ шартномаси

### икки томоннинг ўзаро ихтиёрий келишувига асосланади

**— ТУРМУШ қуриш истаги билан мурожаат қилган ёшларга, ФҲДЁ ходимлари томонидан никоҳ шартномаси тузиш таклифи билдирилади. Айтингчи, никоҳ шартномаси тузиш шартми?**

**Ойгул НАВРЎЗОВА, Тошкент шаҳри**

— НИКОҲ шартномаси Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига 1998 йил 30 апрелда қўшимча сифатида алоҳида боб қилиб киритилди. Никоҳ шартномаси бу никоҳга кирувчи шахсларнинг ўзаро ихтиёрий келишуви бўлиб, эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишув.

Никоҳ шартномаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органларида рўйхатга олингунга қадар, шунингдек, никоҳ давомида эр-хотиннинг ўзаро келишуви билан ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб, кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма равишда тузилиб, нотариал равишда тасдиқланиши лозим.

Давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида ундирилади. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг мавжуд мол-мулкига, келажакда орттириладиган мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг ўзаро келишуви билан исталган вақтда бекор қилиниши ва у қандай шаклда расмийлаштирилган бўлса, худди шу тарзда бекор қилинади.

Шундай экан, юқоридагилардан кўриниб турибдики, никоҳ шартномаси тузиш бу икки тарафнинг ўзаро ихтиёрий келишувига асосланади.

**Дилбар КОСИМОВА,**
**Олмазор туманидаги 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси**


**"AZIAINSURANCE" СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**



**биз билан ҳамкорлик қилаётган корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарларини ва барча ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз айём — Мустақилликнинг 20 йиллик байрами билан қутлайди!**

**Бизнинг компаниямиз Сизлар билан ҳамкорлик қилаётганидан мамнун ва бундан фахрланади.**

**Компания жамоасининг тилаги:**

**Ҳар бир юртдошимизнинг эзгу ниятлари амалга ошсин. Ўзбекистонимиз доимо бахтлар водийси бўлиб қолсин!**





AGROBANK

# ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "АГРОБАНК" ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни муборак айём — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёнаси билан самимий қутлайди ҳамда сифатли, ишончли ва қулай аҳоли омонатларини кафолатлайди.

Тилагимиз: уйларингиздан қут-барака аримасин, ҳар бирингизга бахт-саодат доимий ёр бўлсин!

"Агробанк" ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч ришталари янада мустаҳкамланаверсин!





## ЎЗБЕКИСТОН Республикаси давлат тижорат ХАЛҚ БАНКининг Самарқанд вилояти филиали жамоаси

мамлакатимиз фуқароларини, юртимизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонларни энг улуғ, энг азиз айём — МУСТАҚИЛЛИК байрами билан табриклайди!

Ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамизки, юртимизда иқтисодий ўсиш суръатлари жадал бўй кўрсатмоқда. Буни хорижий экспертлар ҳам тан олмоқдалар ва эътироф этмоқдалар.

Иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва маданий соҳалардаги тараққиёт залвори бундан-да юксак бўлиши йўлида саъй-ҳаракатлар шижоатини оширишда барчангизга куч-қувват тилаймиз. Бу эртанги кунимиз фаровонлигининг, дастурхонларимиз тўкинлигининг беминнат таъминоти бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамда тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Тараққиёт юксакликларига эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар самарасини кўриш барчамизга насиб этсин.

## "ПЕШКУТЕКС" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

сиз азиз юртдошларимизни ва мамлакатимизга ташриф буюриб, бугунги хурсандчилигимизга шерик бўлаётган хорижлик меҳмонларни Истиқлолимизнинг 20 йиллик шодиёнаси билан қутлайди!

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин.

Истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин!



# Илму ҳунар ўргатиб

## кичик мутахассислар тайёрламоқдамиз

**ПЕШКУ САНОАТ, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи 2000 йилда ташкил топди. 900 та ўринга мўлжалланган муассасамизнинг 100 ўринли ётоқхонаси, 250 нафар талабага мўлжалланган ошхона, шинам спорт зали, замонавий ва чет эл андазаларида жиҳозланган ўқув хоналари мавжуд. Мустаҳкам моддий-техник базага эга замонавий ўқув ускуналари билан таъминланган коллежда амалиёт машғулотларини талаб даражасида ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган.**

ЎЗ МУТАХАССИСЛИГИ бўйича корхоналарда иш жойлари ташкил қилиниб, уста-шогирд анъанаси йўлга қўйилди. Аксарият битирувчилар ўзлари амалиёт ўтаган корхоналарга ишга жойлашмоқдалар.

Ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашда ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан узоқ масофалардан қатнаб ўқиётган талабаларнинг йўлкираси арзонлаштирилганидан ота-оналар ҳам мамнун бўлишди.

Коллеж ўқитувчиларининг Бухоро Давлат университети, Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти олимлари билан ҳамкорликда турли илмий изланишлар олиб бораётгани эътиборга молик. 64514 та китоб фондига эга кутубхона илмий, бадиий электрон манбаалар билан бойитиляпти.

Колежда **"Транспортларда ташиш ва ҳаракатни бошқариш", "Автотранспортларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш", "Пайванд ишлаб чиқариш конструкцияси"** каби йўналишларда кичик мутахассислар тайёрланмоқда.

Жорий йилда ҳудудий эҳтиёжлардан келиб чиқиб Бухоро алоқа ахборот агентлиги ҳомийлигида **"Узатиш тизимларини монтаж қилиш техниги"** ва **"Почта алоқаси хизматларини ташкил этиш"** каби янги йўналишларга ўқувчилар қабул қилинди. Ушбу йўналишларда лаборатория хоналари ва ўқув амалиёт жойлари ташкил этилди. Тикувчилик ишлаб чиқариш цехи узлуксиз фаолият юритмоқда. Билим даргоҳида иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига муносиб совға сифатида Корея Республикаси кредити асосида пайванд цехлари ишга туширилди.

Яратилган имкониятлар ўз самарасини бераяпти, буни бир қатор ижобий ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Талабалар ўртасида ўтказилган "Энг яхши тикувчи", "Энг яхши пайвандчи", "Энг яхши ҳайдовчи" кўрик-танловларида коллежимиз талабалари совринли 2- ва 3-ўринларни қўлга киритдилар. Қўл жанги бўйича Осиё ўйинлари ғолиби бўлган 2 нафар ўқувчимиз навбатдаги мусобақаларга ҳозирлик кўрмоқда.

Фахрли устоз ўқитувчиларимиз ёш мутахассисларга ўз билим ва тажрибаларини ўргатиб келмоқдалар. Айни пайтда ўқитувчилар ўз ўқув ва лаборатория хоналарини замонавий жиҳозлаб, янги ўқув йилига тайёрлаб қўйишди.

Ўз касбига садоқатли, билимдон кичик мутахассислар тайёрлашда ҳормай-толмай меҳнат қилиш, устоз ва мураббийларимизнинг эзгу мақсадидир.

**Аслон ҚЎЧҚОРОВ,**
**Пешку саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи директори**

## ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ "QISHLOQXO`JALIKKIMYO" ОЧИҚ АКЦИАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

тинчликсевар ва бағрикенг халқимизни Озодликнинг 20 йиллиги байрами билан чин дилдан қутлайди!

Бахт ва қувонч ҳар бир юртдошимизнинг хонадонини тарк этмасин.



Муҳтарам ватандошларимизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами билан

“ШАҲРИСАБЗ НОРУДА МАТЕРИАЛЛАР”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

самимий қутлайди!

Тинчликсевар халқимизнинг олий иродаси, собитқадамлиги, фидойилиги билан амалга ошираётган улкан ишларимиз катта ютуқ ва муваффақиятлар ила бардавом бўлсин.

Шаҳрисабз норуда материалларидан сиз ҳам фойдаланинг

Чақиқ тошлар; Қурилиш қумлари; Сараланган тошлар.

Маълумот учун телефонлар:
(8.375) 523-91-05;
(8.375) 528-86-55;
(8.375) 381-61-50.








## Адлия тизими фаолияти: Сурхондарё вилояти

# Инсон ҳуқуқлари қадрланган жамият

## истиқболли ва келажаги порлоқдир

**МАЪЛУМКИ, мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилувчи йўлни танлаган. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ инсон ҳуқуқларига содиқлигини эълон қилди ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 га яқин халқаро ҳужжатларга қўшилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги жавобгарлигини илк бор мустаҳкамлаб берди.**

ФУҚАРОНИНГ бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш ҳуқуқи **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”**ги Қонунидагина эмас, балки бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган. Ушбу ҳуқуқ ҳар бир жисмоний шахсга берилган. Судга бевосита мурожаат қилиш имконияти фуқаронинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини анча оширади. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан ё судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтган 2010 йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқароларнинг шикоятлари ва “Ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида фуқароларнинг манфаатини кўзлаб судларга 100 миллион сўмга яқин 177 та даъво аризаси киритилди. Жумладан, Узун туманидаги “Оқтумшуқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Усмонованинг шикояти кўриб чиқилиб, асосли деб топилди, яъни унинг марҳум турмуш ўртоғи меҳнатда майибланганлиги ва кейинчалик вафот этганлиги боис тўланадиган нафақа пули Денов туманидаги “Сурхонозиқовқатсаноати” АЖ томонидан тўлаб берилмаётганлиги аниқланди. Адлия бошқармаси томонидан фуқаро Б.Усм螺ованинг манфаатини кўзлаб Денов туманидаги “Сурхонозиқовқатсаноати” АЖга нисбатан бир йўла тўланадиган товон пули, боқувчисини йўқотганлик нафақаси жами 30 миллион сўмлик моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик судига даъво аризаси киритилган.

Даъво суд томонидан 2011 йил 12 март кунида кўриб чиқилиб, Денов туманидаги “Сурхонозиқовқатсаноати” АЖдан фуқаро Б.Усмонованинг фойдасига 22 миллион 287 минг сўм бир йўла тўланадиган нафақа пули, 5 миллион 571 минг сўм боқувчисини йўқотганлик нафақаси, 335 минг сўм дори-дармон харажатлари, 1 миллион 150 минг сўм дафн этиш харажатлари ҳамда 500 минг сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Бундан ташқари, “Ўзпахтасаноат”нинг ҳамда “Ўзагромашсервис”нинг вилоят ташкилотлари ходимларининг “Ишонч телефони”га қилган мурожаатини кўриб чиқиш натижасида 168 нафар фуқаронинг манфаатини кўзлаб иш ҳақини ундириш тўғрисида фуқаролик судларига аризалар киритилди ва аризалар судлар томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, “Ўзпахтасаноат” тизимидаги ходимларнинг 37 миллион сўмдан ортиқ, “Ўзагромашсервис” тизимидаги ходимларнинг эса 14 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи ундириб берилди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини судда ҳимоя қилишнинг амалга оширилиши миллий қонунчилигимиз ижросининг амалий кўринишидир. Бу эса, ўз навбатида, “ҳамма нарса инсон учун ва унинг келажаги учун” деган принцип амалга оширилаётганини тасдиқлайди.

**Шухрат НАЗАРОВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

# Ҳар жабҳада тиргак аёллар

## жамият тараққиётига муносиб улуш қўшмоқда

**АЁЛГА таъзим бажо айламоқ унинг ҳурмати ва эҳтиромини ўрнига қўймоқ адолатли маърифий жамиятнинг устувор тамойили ҳисобланади. Шубҳасиз, жамиятнинг умумий маданияти унда хотин-қизларга бўлган ҳурмат даражаси билан белгиланади. Юртимизда азалдан оналарга, умуман, аёлларга ҳурмат ниҳоятда баланд.**

ШУ БОИС сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва уларга турли зарур имтиёзлар бериш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий ютуқлар сари даъват этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлига кирган бугунги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузли мавқеини таъминлашга ҳам киришилган. Бунинг ўзагини, биринчидан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қонун ҳужжатларида мукаммал кафолатланиши, иккинчидан, мазкур ҳуқуқ, эркинлик ва имтиёзларнинг реал таъминланиши ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини, шу жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида муайян тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Албатта, бунда халқаро миқёсда эътироф этилган мезонларга қатъий риоя қилинмоқда.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш масалалари давлатимиз раҳбарининг диққат марказидадир. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги **“Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони бунинг яққол исботидир. Ушбу Фармон мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеини оширишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқи халқаро ҳамжамият диққат марказидаги масалалардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқларига садоқат билдириб, 1967 йил 7 ноябрда **“Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш тўғрисида”**ги Декларацияни, 1979 йил 18 декабрда эса **“Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”**ги Конвенцияни қабул қилди. Ушбу ҳужжатлар халқаро ҳуқуқнинг муҳим манбаи сифатида барча давлатлар миллий қонунчилиги учун меъёрий мезон бўлиб қолди. Уларда аёлларнинг мамлакат равнақи, жамият ва оила тараққиётидаги алоҳида роли эътироф этилиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан фойдаланишда эркаклар билан тенглигини таъминлаш, бу ҳуқуқларни рўёбга чиқаришнинг реал механизмларини вужудга келтириш, аёллар манфаатлари камситилишига ва ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик талаби илгари сурилган.

Халқимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик, осуда осмон, янгиланиш ва фаровон ҳаёт тарафдори. Шундай экан, аёллар жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг фаол иштирокчиларига айланиши, мамлакатда аёллар тадбиркорлиги, фермерлик ҳаракати тизимини бунёд қилиш, ишлаб чиқариш, илм, фан, техника тараққиётининг юксак чўққисини эгаллаш орқали аёллар учун янги иш ўринлари очиш, уларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлигини таъминлаш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва фаол аъзосига айлантириш борасидаги барча имкониятларимиз, илм ва куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз лозим.

**Назира ЧОРИЕВА,**
**Денов тумани ФХДЁ бўлими мудираси**

# Хатлов давом этмоқда

**КОММУНАЛ хизматлар, хусусан, электр таъминоти ва газ корхоналари хизматидан ҳар куни фойдаланамиз. Ҳаётимизни бу неъматларсиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, электр энергияси кириб бормаган бирор бир соҳа ёки хонадонни учратиш мушкул. Шундай экан, ўринли савол туғилади: биз бу неъматдан эмин-эркин фойдаланишимиз учун кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаяпмизми? Ҳозирги кунда юридик ва хусусий шахснинг электр энергиясидан қарздорлиги қай аҳволда?**

Давлатимиз томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ечимини топиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майда **“Табиий газ ва электр энергияси истеъмолчиларининг дебитор қарздорлигини хатловдан ўтказиш тўғрисида”**ги фармойиши эълон қилинди. Хатлов ўтказишдан асосий мақсад истеъмолчиларнинг ҳақиқий қарздорлигини аниқлаш, уни ундириш чораларини кўриш ҳамда қоидабузарлик ҳолатлари бўйича тегишли чоралар кўриш ва келгусида қарздорлик ўсишининг олдини олиш бўйича таклифлар киритишдан иборатдир. Мазкур тадбирни ўтказиш учун республика комиссияси ва ўз навбатида ҳудудларда вилоят, туман ва шаҳар Давлат солиқ идоралари ходимлари бошчилигида маҳаллий ҳокимият фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, газ ва электр таъминоти корхоналари масъуллари, ички ишлар ходимларидан иборат гуруҳлар тузилди. Улар жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб туман ва шаҳар ҳокимликлари қошида тузилган штаб орқали кунлик ишларни режалаштирган ҳолда аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларни жойларга чиқиб белгиланган тартибда кўрикдан ўтказмоқдалар.

Хатлов жараёнининг ўтган кунлари давомида Сирдарё вилояти бўйича жами 69663 та аҳоли ва 7353 та улгуржи истеъмолчининг қарздорлиги хатловдан ўтказилди. Афсуски, истеъмолчилар орасида электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмайдиган ҳамда ундан нотўғри фойдаланувчилар ҳам аниқланмоқда. Ўтган вақт давомида улгуржи истеъмолчилар орасида 149 та, аҳоли орасида 1097 та ҳолатда қоидабузарликлар аниқланди ва белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Хатлов жараёнида банк ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, хусусан, жойларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида сайёр кассалар ташкил этилиб, тўловларни жойида қабул қилиш имконияти яратилмоқда. Ушбу сайёр кассалар махсус терминаллар билан жиҳозланган бўлиб, бу тўловларни пластик карточкалар орқали ҳам амалга ошириш имкониятини бермоқда.

Ушбу тадбирни белгиланган муддатда ва сифатли ўтказишда ҳар биримиз фаоллик кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир. Кўрсатилган коммунал хизматлар, хусусан, етказиб берилган электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлашни унутмайлик, бу билан ўз навбатида соҳа ривожи учун ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси Ахборот хизмати**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

Сиз азиз юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёнаси билан чин дилдан қутлайди!

Бизнинг банкимиз Сизнинг энг ишончли банкингиз ҳисобланади. Сизларнинг омонатларингиз банкимиз томонидан кафолатланган. Сизларнинг ишончингиз биз учун юксак эътироф. Келгусида ҳам ишонч ришталари яна мустаҳкамланаверсин.

Қутлуғ байрам ҳар бир оилага бахт ва омад, шодлигу қувонч, фаровон ҳаёт бахшида этсин!







# “ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз кунларимиз барча юртдошларимизга қутлуғ бўлишини тилайди. Нурафшон кунларимизга гувоҳ бўлаётган хорижлик меҳмонларни ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик шодиёнасининг 20 йиллиги билан қутлайди! Жамоамизнинг асосий мақсади халқимизнинг дастурхонини янада тўкин қилиш. Биз бу савоб ишни бажараётганимиз билан фахрланамиз. Хирмонларимизни донга тўлдираётган деҳқонларимизнинг сермашаққат ишларида омадлар тилаймиз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшишингизда зафар ёр бўлсин.

TDM

*Юртим ободлиги халқ меҳнатидан,*
*Ватан озодлиги халқ меҳнатидан,*
*Юрагим шодлиги халқ меҳнатидан,*
*Бахтимга юксалгин дилимда Ватан,*
*Қуёшдай порлаб тур йўлимда Ватан.*





# "ГУЛИСТОН ЭКСТРАКЦИЯ ЁҒ"

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз меҳмонлари ва барча фуқароларини, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини, юртимиз фермер ва тадбиркорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси "ЁҒ-МОЙ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ" уюшмаси ходимларини Мустақиллигимизнинг 20 йиллик юбилей тўйи билан самимий муборакбод этади!*

*Тинчлик, хотиржамлик хонадонларимизни нурафшон этаверсин, дастурхонларимиз қут-баракага тўлаверсин, қалбларимизга қувонч ҳамиша ёр бўлсин!*

*МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН!*





## Адлия тизими фаолияти: Фарғона вилояти

# ФАРОВОН ТУРМУШ ТАРЗИ

## тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва ҳимоялашга узвий боғлиқ

**АҲОЛИ турмуш даражасининг янада ўсиши, тўкин-сочинлик, кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этганлигига узвий боғлиқ. Айни пайтда юртимизда иш билан банд бўлган аҳолининг кўпчилиги айнан шу соҳада фаолият юритмоқда. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Бу борада бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.**

ФАРҒОНА вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2011 йилнинг дастлабки ярмида давлат идораларида тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялашга оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан 123 та ўрганиш ўтказилди. Шу жараёнда 1247 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича жойларга 148 та тақдимнома киритилиши натижасида 175 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан 17 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган. Шунингдек, вилоятнинг 9 та туман ва шаҳарларида Назорат қилувчи органлар томонидан 35 маротаба рухсатсиз текшириш ўтказиш, 348 маротаба эса текшириш ўтказиш тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб судларга 102 та 276,5 миллион сўмлик даъво аризалари киритилди.

Бошқармамизда "008" ҳамда "244-15-49" рақамли "Ишонч телефони" ишлаб турибди, бу тадбиркорларга ўзларини қизиқтирган барча масалалар ечимини топиш, муаммоларини тез орада ҳал қилиш имконини бермоқда. 2011 йилнинг биринчи ярми давомида "Ишонч телефони" орқали тадбиркорлардан тушган 50 та мурожаат кўриб чиқилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Шу ўринда бунга мисол келтириб ўтсак. Масалан, 2010 йилнинг 20 декабрида Ёзёвон туманидаги "Суперкаин" хусусий фирмаси билан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «МЕХР-К» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ўртасида 35.069.981 сўмлик маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан 69-сонли шартнома имзоланган. Шунга биноан «Суперкаин» хусусий фирмаси томонидан шартномада белгиланган маҳсулотлар «МЕХР-К» ўқув ишлаб чиқариш корхонасига тўлиқ етказиб берилган. Аммо сирдарёлик ҳамкор маҳсулот ҳақини тўлашни "ёдидан чиқариб" қўйган. Мазкур ҳолат юзасидан "Суперкаин" хусусий фирмаси манфаатини кўзлаб, Сирдарё вилояти хўжалик судига даъво ариза киритилди ҳамда суднинг 2011 йил 19 апрелдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ "МЕХР-К" ўқув ишлаб чиқариш корхонасидан "Суперкаин" хусусий фирмаси фойдасига 35.069.981 сўм асосий қарз, 1.700.000 сўм пеня, жами 36.769.981 сўм ундирилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб ҳозирда ягона солиқнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши муносабати билан 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ вилоятимиздаги тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қолмоқда. Бу маблағ соҳани янада ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонига мувофиқ янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди. Қолаверса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида белгиланган максимал муддат, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Албатта, соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини, яратилган қулайлик ва имтиёзларни тушунтириш мақсадида туманимизнинг турли ҳудудларида ҳокимият, прокуратура, солиқ, банк ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлар учун очиқ мулоқотлар ва давра суҳбатларини ташкил қиляпмиз. Бундай тадбирлар тадбиркорларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоялаш ва муаммоларига барҳам беришда жуда қўл келмоқда.

**Равшанжон ҚИРҒИЗОВ,**
**Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

# БУГУНГИ ФАОЛИЯТИМИЗ – ИСТИҚЛОЛ МЕВАСИ

**ЭЪТИРОФ этиш лозимки, истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида адлия тизимининг муҳим йўналиши саналган нотариат институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Яъни 1996 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"-ги, 2010 йилнинг 14 сентябрида эса "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларининг қабул қилиниши билан мамлакатимиз ўзининг мукаммал нотариат тизимига эга бўлди.**

ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** тўғрисидаги маърузасида адлия органлари ҳақидаги юксак ижобий фикрлари, адлиянинг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ролини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги кўрсатмалари биз нотариусларнинг ҳам қалбимизни чексиз фахр-ифтихорга тўлдириб, халқимизга янада самарали ва масъулият билан хизмат қилишга ундади.

Албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашда нотариатнинг ўзига хос муҳим ўрни мавжуд. Нотариус ўзига тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш йўли билан ҳуқуқ ва фактларнинг қонунийлигини аниқлаб, фаолиятини амалга оширади ҳамда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни тасдиқлайди.

Юқоридаги иккинчи қонуннинг қабул қилиниши собиқ иттифоқ давридан буён ечими топилмаётган айрим муаммоли мулкий муносабатларни нотариал тартибда амалга ошириш масалаларига ойдинлик киритди.

Масалан, Фуқаролик кодексининг аввал амалда бўлган 1147-моддасида **"меросхўр марҳум вафот этгандан сўнг олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли, узрли сабаблар бўлган тақдирдагина бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин"** деб белгиланган эди. Киритилган ўзгартишга мувофиқ эса масала ижобий ҳал этилиб, меросхўр хоҳлаган пайтида меросдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлди. Негаки, аксарият ҳолларда фуқароларимиз яқинларидан кимдир вафот этса, ҳуқуқий саводсизлик, бепарволик ёки "марҳум яқинда вафот этдику" деган истиҳола билан мерос юзасидан ўз вақтида нотариусга мурожаат қилмасдилар. Натижада белгиланган муддат ўтиб кетиб, кейинчалик муаммога дуч келинарди. Энди бўлса бундай муаммо юзага келмаслиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд. Яъни Бош қомусимизнинг 54-моддасидаги **"Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади"** деган сўзлар чинакам ҳаётий ифодасини топди.

Эътироф этиш керак, истиқлолгача бўлган йилларда кимнингдир хусусий дўкони бўлишини тасаввур қила олмасдик. Бугун эса ҳамюртларимизнинг виқор-ла юксалиб турган, бир-бирини такрорламайдиган муҳташам бинолари — кўчмас мулкларига қараб ҳавас қиламиз ва ғурурланамиз. Ҳар куни мулкка оид ҳуқуқий муносабатлар жараёнида иштирок этар эканмиз, юртдошларимизнинг юзкўзларида мамнунлик, эртанги кунга ишонч акс этиб турганига гувоҳ бўламиз.

Агар рақамларга назар ташласак, жорий йилнинг шу даврига қадар нотариал идорамиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида 876 та кичик корхона ва хусусий тадбиркорларга ажратилган кредит шартномаларини тасдиқладик.

Мен мамлакатимиз истиқлолининг 20 йиллиги катта тантана қилинаётган ушбу фараҳбахш кунларда жамиятда ўз ўрнини топган ва меҳнати қадрланган аёл, фарзандининг келажагидан хотиржамлик ҳиссини туйган она ҳамда келажаги буюк Ўзбекистон фуқароси сифатида "Ватанимизнинг тинч ва осуда ҳаётига кўз тегмасин, жаннатмакон юртимиз янада гуллаб-яшнасин" дейман ва барчангизни байрам билан муборакбод этаман!

**Дилором РАСУЛОВА,**
**Фарғона шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 20 йиллигини қўшалоқ байрам сифатида нишонлайдиган бўлдик. Чунки биз учун янги қурилган "Бахт уйи" биноси фойдаланишга топширилди.**




МАЗКУР БИНО "Қўқонагроқурилиш" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан 9 ой муддатда барпо этилиб, бунинг учун 409.278.000 сўм маблағ сарфланди.

Янги "Бахт уйи" тантанали никоҳни қайд этиш зали, қабулхона, ФҲДЁ мудири хонаси, архив, маслаҳатхона, алоҳида-алоҳида келин-куёвлар хонаси, туғилишни, ўлимни қайд этиш хоналари ва кутиш залини ўз ичига олади. Масалан, келин-куёвлар хонасида ёш эр-хотин тантанали никоҳга ҳозирлик кўрадилар.

Юқоридагилардан ташқари, "Бахт уйи" атрофи ободонлаштирилиб, гулзор барпо қилинди, қоплама йўл плиткалари ётқизилди. Пировардида у туман марказига узукка кўз қўйгандек ярашиб, барчанинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

ФҲДЁ бўлими мудири сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Юртбошимиз шу йилнинг май ойида Сурхондарё вилоятига сафари чоғида Термиз шаҳрида бунёд этилган "Бахт уйи"га ҳам ташриф буюрганди. Ўшанда роса ҳавасим келганди. Буни қарангки, кўп ўтмай ўзимиз ҳам ана шундай юксак туҳфага сазовор бўлиб турибмиз. Албатта, бу Президентимизнинг оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга нечоғлик катта эътибор қаратаётганликларидан далолат беради.

Мазкур эътиборнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг 7 ойи мобайнида туманимизда 944 та никоҳ қайд қилинди, оилаларимизда 2187 нафар шириндан-шакар фарзандлар дунёга келишди. 1864 нафар шахсга тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилди. ФҲДЁ бўлими қошида ҳамда касб-ҳунар коллежларида ташкил этилаётган "Оила дорилфунуни" ва "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув-машғулотларида 10.436 нафар ёшлар иштирок этишди. Олиб борилаётган кенг кўламдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари натижасида 2010 йилнинг шу даврига нисбатан оталикни белгилаш ҳолати 37 тага, ёлғиз она аризаси асосида туғилишни қайд этиш эса 17 тага камайди.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг **"Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажагимизни қураётганда бекиёс миллий қадриятимиз бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз"** деган фикрлари ҳаётий ифодасини топмоқда.

**Махсудахон ШОКИРОВА,**
**Ўзбекистон тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

# Азиз юртдошлар!

***Сизларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий қутлаймиз! Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Ватанимиз равнақи йўлидаги ишларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.***


"Чортоқ" санаторийси


"Чинобод" санаторийси

O'K.U.F. F.T.U.U.


"Абу Али ибн Сино" санаторийси


"Чимён" санаторийси

## Мустақиллигимиз абадий бўлсин дея Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Санатор-курортлар бошқармаси Сизларни қуйидаги санаторийларга чорлайди:


"Ботаника" санаторийси


"Зомин" санаторийси

**Тошкент шаҳридаги: "Турон" ҳамда "Чинобод" санаторийлари;**
**Тошкент вилоятидаги: "Ботаника", "Бўстон", "Умид гулшани" ва "Оқтош" санаторийлари;**
**Жиззах вилоятидаги: "Зомин" санаторийси;**
**Самарқанд вилоятидаги: "Абу Али ибн Сино" санаторийси;**
**Бухоро шаҳридаги: "Ситораи Моҳи Хоса" санаторийси;**
**Қашқадарё вилоятидаги: "Қашқадарё соҳили" санаторийси;**
**Наманган вилоятидаги: "Чортоқ" ҳамда "Косонсой" санаторийлари;**
**Фарғона вилоятидаги: "Чимён" санаторийси;**
**Хоразм вилоятидаги: "Хонқа" санаторийси;**
**Навоий вилоятидаги: "Олтинсой" санаторийси.**

*Касаба уюшмалари тизимидаги мазкур санаторийларда Сиз замонавий даволаш-диагностика усуллари ёрдамида юрак қон-томир, асаб тизими, нафас йўллари, овқат ҳазм қилиш, ҳаракат-таянч аъзолари касалликлари, шунингдек, гинекологик, андрологик касалликларга ташхис қўйиш ва самарали даволаш хизматидан баҳраманд бўласиз.*

## Санаторийларимизга МАРҲАМАТ

Хизматлар лицензияланган.


"Косонсой" санаторийси


"Оқтош" санаторийси


"Қашқадарё соҳили" санаторийси


"Умид гулшани" санаторийси


"Олтинсой" санаторийси


"Ситораи Моҳи Хоса" санаторийси


"Бўстон" санаторийси


"Хонқа" санаторийси


"Турон" санаторийси






# "SulSherJahon" хусусий корхонаси жамоаси

**азиз юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан чин диллан қутлайди! Халқимизнинг дастурхонини тўкин-сочин қилиш ниятида меҳнат қилаётган деҳқон ва чорвадорларимизнинг ишларига омад тилайди. Тинчлигимиз мангу, хонадонларимиз фаровонлиги янада юксак бўлсин. Барча юртдошларимизга бахт ва омад ёр бўлсин!**

*Сен — шохлари осмонларга*
*Тегиб турган чинорим,*
*Ота десам,*
*Ўғлим деб,*
*Бош эгиб турган чинорим.*
*Қўйнимдаги ифтихорим,*
*Бўйнимдаги туморим,*
*Ўзинг менинг улуғлардан*
*Улуғимсан, Ватаним!*

## "SulSherJahon" хусусий корхонаси жамоаси: Элимиз дастурхони тўкинлиги учун хизмат қиламиз









**ХАДЕМАЙ халқимиз Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигини катта тантана билан нишонлайди. Барчамиз энг улуғ, энг азиз байрам сифатида қадрлайдиган ушбу қутлуғ санага аҳил жамоамиз ҳам кўтаринки руҳ билан ҳозирлик кўрди.**

"SulSherJahon" хусусий корхонаси ташкил топганига кўп бўлмаган бўлса-да, шу қисқа давр ичида ишлаб чиқариш ҳажми 20 бараварга ошди.

Австриянинг "Шаллер", Россиянинг "Воронеж механика заводи"дан олинган замонавий технологик асбоб-ускуналар ҳисобига корхонанинг 2010 йилдаги рентабеллик ўсиш даражаси 25 фоиздан ошди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириб, аҳолига сифатли истеъмол молларини етказиб бериш мақсадида колбаса ва колбаса маҳсулотлари хомашёси ҳисобланган шпик, тримминг каби маҳсулотлар хорижлик товар етказиб берувчи компаниялар орқали корхонамизга олиб келинмоқда. Бунинг натижасида корхонада истеъмол моллари ишлаб чиқариш тури бугунга келиб 52 тани ташкил этди.

2010 йилнинг 2-ярмидан бошлаб корхонамизда сутни қабул қилиш ва қайта ишлаш технологияси асосида тайёр сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда ва эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Натижада 33 та иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, корхона ишчиларининг мазмунли дам олишлари учун қулай имкониятлар яратилган.

Жамоамиз Бухоро шаҳрини ободонлаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Бухоро шаҳар болалар уйига, кўзи ожизларнинг махсус мактаб интернати ва Чернобиль АЭСи фожиаси оқибатларини бартараф этишда қатнашган юртдошларимизга имкон қадар ёрдам бериб келмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бел боғлаган жамоа бир жойда тўхтаб қолмайди. Бозор иқтисодиётининг ана шу талабидан келиб чиқиб "SulSherJahon" хусусий корхонаси ҳудудида фермер хўжалиги комплекси ташкил этилмоқда. Мақсад халқимиз дастурхонига арзон ва сифатли колбаса ҳамда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

**"SulSherJahon" хусусий корхонаси жамоаси**

# “БАХТ ҚУШИ ИНТРАНС” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**мамлакатимиз аҳлини Истиқлолнинг 20 йиллик қутлуғ тўйи билан чин дилдан табриклайди! Мусаффо осмонимиз узра балққан озодлик қуёши мангу сўнмасин. Юртимиз тинч, турмушимиз ҳамиша фаровон бўлсин.**

*“Бахт қуши интранс” хусусий корхонаси 1989 йилдан бери автомобиль транспортида юк ташиш хизматини кўрсатиб келмоқда.*

*Корхонанинг 50 та “Mercedes Bens 1935 S” русумли оғир юк (24 тоннагача) ташувчи автоуловлари бўлиб, уларнинг 35 таси контейнерлар ташиш учун мўлжалланган, қолганлари умумюклар ташишга ихтисослашган чодирли (тент) автоуловлардир.*

*Умумий транспорт воситаларидан 4 таси “Интурист” классидаги “Mercedes Bens 0330” русумли автобуслар бўлиб, улар аҳолига шаҳарлараро йўналишларда хизмат кўрсатади.*

*Ушбу корхонада янги фаолият тури сифатида чет элдан келтирилган технологиялар асосида юқори талабга жавоб берадиган гипсокартон фабрикаси қурилиб, ишга туширилди. Фабриканинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2 миллион метр квадрат маҳсулотдан иборат.*

*“Бахт қуши интранс” хусусий корхонаси ҳудудида 200 дан 400 тагача 20 ва 40 футлик контейнерларни сақлаш имкони бор, шунингдек, уларни юклаш ва тушириш учун автокран мавжуд.*






TURON BANK

*Жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини, барча тадбиркорларни*

**Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги**

*билан табриклайди. Шу шодиёна кунларда меҳнатсевар халқимизга сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик, эзгу ва хайрли ишларида омад тилайди.*

ОАТ Туронбанкнинг Тошкент шаҳрида Чилонзор ҳамда Ҳамза филиаллари ишга туширилди. Шу муносабат билан тадбиркорларимизни ва юртдошларимизни ҳамкорликка таклиф қиламиз. Ушбу филиалларда ҳар бир мижоз юқори сифатли банк хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Мазкур филиаллар зарур ускуналар ва энг янги банк технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун қулай шароитлар яратилган.

Банк Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва минтақаларида 17 та филиал ва 150 дан ортиқ бўлинмаларга эга.

«Ahbor-Reyting» РА Туронбанкнинг рейтингини «UzB++» даражасида, «Ижобий» прогнози билан тасдиқлади.

**Туронбанк Сизнинг яқин ҳамкорингиз!**



# Тадбиркорлик: кенг имконият ва мустаҳкам таянч

**КИЧИК бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, фаолият юритиш учун берилган имтиёзлардан фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган ижобий ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.**

МАЪЛУМКИ, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш адлия органларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан самарали ишлар қилинмоқда.

Жумладан, 2011 йилнинг 1-ярми мобайнида иш режадаги тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида вилоятнинг 10 та шаҳар ва туманида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилди. Ўрганиш давомида тадбиркорликка оид 1164 та қонунбузилиш ҳолати, жумладан, шикоят ва аризаларни кўриб чиқишда 47 та, рўйхатга олишга оид — 31, ер ажратиш масалаларига оид — 12, лицензия ва бошқа рухсатномалар беришда — 29, банк соҳасида — 45, солиқ қонунчилигига оид — 83, ноқонуний текширишга оид — 24, текширишлар тартибини бузишга доир 63 та ҳамда 698 та бошқа турдаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга тегишли тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди.

Ушбу тақдимномаларнинг ижроси таъминланиб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 83 нафар мансабдор шахсга интизомий жавобгарлик чоралари кўрилиши таъминланди. Жумладан, 6 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, киритилган тақдимномаларга асосан 53 643 441 сўм маблағ тадбиркорларга қайтарилиб, ҳокимият ва давлат бошқаруви органларининг 51 та ноқонуний қарори бекор қилинди.

Адлия бошқармасида "Ишонч телефони" ҳам самарали фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатларнинг 26 таси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан ўрганиб чиқилган. Шундан 13 таси қаноатлантирилган, 5 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, 1 та мурожаат тегишлилигига кўра бошқа идорага юборилган, 6 та мурожаатда кўрсатилган муаммони ижобий ҳал этиш жараёни давом этмоқда.

Масалан, адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳрида яшовчи фуқаро Р.Рўзимуҳамедованинг Навоий вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан элита пардалари олиб қўйилганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилиб, адлия аралашуви натижасида тўрткўллик фуқаро Р.Рўзимуҳамедовага вилоят божхона бошқармаси томонидан олинган элита пардалари қайтариб берилиши таъминланди.

Судларда тадбиркорликка оид ишларни ўрганиш ҳамда тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида тиклаш юзасидан амалга оширилган ишларни ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Адлия бошқармаси ходимлари томонидан судларда кўрилган маъмурий ишлардан 313 таси ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида вилоят Божхона бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят бўлимлари томонидан судга киритилган маъмурий иш ҳужжатларидан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Навоий вилояти бўлими ходимлари томонидан 5 та тадбиркорлик субъектида ноқонуний текшириш ўтказилган. Шу юзасидан адлия бошқармаси томонидан вилоят прокуратурасига маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатиш бўйича таклиф киритилди.

Шу билан бирга, 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга 60 та 281 022 197 сўмлик даъво аризаси киритилиб, улардан 55 та 89 762 404 сўмлик даъво аризаси қаноатлантирилди.

Хусусан, адлия бошқармаси томонидан "Турсунбой Мансур" МЧЖнинг Тошкент вилоятидаги "Мининг технологис" МЧЖга кўрсатилган автотранспорт хизмати учун 54 143 600 сўмни ундириб беришни сўраб ёзган мурожаати ҳам Тошкент вилояти хўжалик судига "Турсунбой Мансур" МЧЖ фойдасига "Мининг технологис" МЧЖдан 54 143 600 сўм асосий қарз ва 5 414 360 сўм пеня ундириш бўйича киритилган даъво аризаси орқали ижобий ечим топди.

Адлия бошқармаси томонидан "Учқудуқ бизнес комфорт" МЧЖнинг НТМКнинг Жанубий кон бошқармасига етказиб берилган маҳсулотлар учун 5 300 000 сўм ундириб беришни сўраб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди ҳамда "Учқудуқ бизнес комфорт" МЧЖ фойдасига НТМК Жанубий кон бошқармасидан 5 300 000 сўм ундириш бўйича Самарқанд вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Мазкур хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан "Учқудуқ бизнес комфорт" МЧЖ фойдасига бошқармадан асосий қарзнинг ундирилиши таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар мустақил юртимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Жамшид РАҲМОНОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

## Адлия тизими фаолияти:

# Сармоя киритган инвестор ҳеч қачон алданиб қолмайди

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини авж олдириш ва модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга ошириш, меҳнат ресурслари кўп бўлган минтақаларда янги иш ўринларини яратиш, иқтисодиётни барқарор тарзда ривожлантиришга эришиш учун вилоятга чет эл инвестицияларини, айниқса, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш, туманларга инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш дастури ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.**

ВИЛОЯТДА давлат реестрида жами 51 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона мавжуд бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида яна 3 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона давлат рўйхатидан ўтказилди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида вилоят адлия бошқармасининг хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимига турли мазмундаги жами 23 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти қаноатлантирилди, 4 таси юзасидан тегишли ҳуқуқий тушунтириш берилди, 1 таси тегишлилиги бўйича юборилди, 2 таси бўйича ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Масалан, Навоий шаҳридаги ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "Электрокимёзавод" Ўзбекистон-Панама қўшма корхонасининг Андижон вилоятидаги "Андижондонмаҳсулотлари" АЖдан мавжуд қарзни ундиришда ёрдам сўраб йўллаган мурожаатини ўрганиш натижасида Андижон вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, қўшма корхона фойдасига суднинг ҳал қилув қарори билан асосий қарз тўлиқ ва 54 795 757 сўм пеня ундирилди.

Маълумки, бугунги кунда ислоҳотларни чуқурлаштиришга тўсиқ бўлаётган айрим бепарволик ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишда жойларда ташкил этилган "Ишонч телефонлари" яқиндан ёрдам бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида "Ишонч телефони"га вилоятда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан 7 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси тўлиқ қаноатлантирилган.

Хусусан, Навоий шаҳридаги ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "Электрокимёзавод" Ўзбекистон-Панама қўшма корхонасининг Сирдарё вилоятидаги "Оқолтиндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти томонидан олиб кетилган кимёвий препаратлар учун тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати бўйича 189 042 572 сўм асосий қарз ҳамда тўлов муддати ўтказиб юборилган кунлар учун 94 521 286 сўм пеня, жами 283 563 858 сўм тўлаб берилиши юзасидан "Оқолтиндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти раиси номига тақдимнома киритилди. Лекин унинг ижроси таъминланмагач, 2011 йил 31 март куни Сирдарё вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2011 йил 13 майдаги ҳал қилув қарори билан асосий қарз тўлиқ ва 14 194 623 сўм пеня ундириш белгиланди. Тақдимномага парво қилмаган "Оқолтиндонмаҳсулотлари" мутассаддилари бу гал қарзни тўлашдан бўйин товлай олмади.

Мавжуд хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарасини янада ошириш ҳамда уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда ўтказилаётган мониторинглар ҳам ижобий самара бермоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонга сармоя киритган ишончли ҳамкорлар қонун билан ишончли ҳимоя қилинмоқда.

**Зоҳиджон СОБИРОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

# Хусусий мулк ва

**ХУСУСИЙ МУЛК — жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида, бозор муносабатларини ривожлантиришда ва мамлакатнинг тараққий этишида муҳим роль ўйнайди.**

МАМЛАКАТИМИЗДА фуқароларнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида эътироф этилган бир пайтда, ушбу вазифаларни амалга оширишда нотариусларнинг ўзига хос ўрни бор.

Нотариуслар қонунда белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан, яъни мулк ҳуқуқини берувчи битимни тасдиқлаш, мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, кўчмас мулкни очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш ва бошқа нотариал ҳаракатлар орқали бевосита шахснинг мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқлайди, нотариус томонидан расмийлаштирилган ҳужжат бевосита шахснинг мулкдор эканлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Аммо айрим ҳолларда фуқаролар нотариал идорага тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар асосида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб ҳам мурожаат этади. Бундай холатда нотариус тақдим этилган ҳужжатларни синчковлик билан ўрганиб, тегишли камчиликларни бартараф этиш юзасидан фуқарога маслаҳат бериши лозим. Жумладан, фуқаро М.Алиева нотариал идорага мурожаат этиб, ўзига тегишли бўлган Навоий шаҳрида жойлашган 2 хонали квартирасини сотаётганлиги сабабли уни нотариал тартибда расмийлаштириб беришни сўраган. Аниқланишича, фуқаро М.Алиевага тегишли бўлган сотувдаги квартира унинг собиқ турмуш ўртоғи А.Раҳмонов билан қонуний никоҳда турган даврида олинган бўлиб, кейинчалик унинг А.Раҳмонов билан никоҳи бекор қилинган. Шу сабабдан, нотариус томонидан фуқаро М.Алиевага амалдаги қонунчиликка кўра, унинг квартираси собиқ турмуш ўртоғи билан никоҳ даврида сотиб олинганлиги сабабли, у умумий мулк ҳисобланишлиги, мазкур квартирага нисбатан собиқ турмуш ўртоғининг ҳам мулкий ҳуқуқи мавжудлиги, агарда квартира собиқ турмуш ўртоғининг розилигисиз сотиладиган бўлса, турмуш ўртоғининг мулкий ҳуқуқи бузилиши тушунтирилган ва унинг турмуш ўртоғи нотариал идорага таклиф этилиб, ундан квартирани сотишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олингач, квартиранинг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, эр (хотин)нинг умумий биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни тасарруф этишда, эр (хотин) турмуш ўртоғининг вафот этганлиги ҳақидаги ўлим гувоҳномасини тақдим этиб, нотариал ҳаракатни амалга оширишни талаб этади. Бундай ҳолатда, нотариус вафот этган эр (хотин)нинг умумий биргаликдаги мулкига нисбатан мулк ҳуқуқи унинг меросхўрларига ўтишлиги, шу сабабдан вафот этган эр (хотин)-нинг умумий биргаликдаги мулкдаги улушига нисбатан мерос иши очилиши ёки мол-мулкнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштиришдан олдин, барча меросхўрларнинг розилиги талаб қилинишини тушунтириши керак, акс ҳолда меросхўрларнинг мулкий ҳуқуқлари бузилиши оқибатида келгусида низо чиқиб, манфаатдор шахснинг аризасига кўра амалга оширилган нотариал ҳаракат суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Нотариал идорага ўзига тегишли квартиранинг олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлаб беришни сўраб мурожаат қилган фуқаро С.Некофо-




# "ҚИЗИЛТЕПА УН ЗАВОДИ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча ўзбекистонликларни Мустақилликнинг 20 йиллиги билан чин юракдан муборакбод этади!*
*Ҳаммангизга оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилайди.*
*Ғайрат-шижоат ва омад доимо ҳамроҳ бўлсин.*
*Биз сизларнинг дастурхонларингиз учун сифатли ун маҳсулотларини етказиб беришни ўз бурчимиз деб биламиз. Уйлаймизки, дастурхонларимиз сара нон ва нон маҳсулотлари билан яна тўлиб-тошади. Аллоҳ назари тушган юртимизда тўкин-сочинлик бундан-да зиёда бўлади.*




# "ҚУВА УНИВЕРСАЛ ИНВЕСТ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*жонажон диёримиз аҳлини, шу жумладан, ишбилармон ва тадбиркорларни, салкам 7.000.000 тонна ғалла етиштирган ҳамда улкан оқ олтин хирмони уйиш арафасида турган деҳқону фермерларни* ***Мустақиллигимизнинг 20 йиллик*** *айёми билан қизғин табриклайди!*
*Дастурхонларимизни тўкин-сочинлик, хонадонларимизни тинчлик-осойишталик тарк этмасин!*








# “АСАКА” БАНКИ (ОАЖ) ЖАМОАСИ

*гўзал юртимиз бўйлаб тантанавор ва юксак руҳда нишонланаётган қутлуғ байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан барча юртдошларимизни ва ҳамкасбларимизни самимий муборакбод этади!*

*Озод юртимиз осойишталиги, хонадонларимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги абадий бўлсин.*



## “НАВОИЙ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни ҳамда соҳа ходимларини энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами билан муборакбод этади! Шу азиз Ватан учун, шу фидойи халқ учун хизмат қилиш энг олий саодатдир.



## ВОБКЕНТ ТУМАНИДАГИ “ШОКИРОВА САБИНА” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ватандошларимизни азизу мукаррам байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан муборакбод этади! Халқимиз дастурхони ҳамиша тўкин-сочин бўлсин. Қалбларни истиқлол абадийлигига, истиқболга бўлган ишонч мангу тарк этмасин.



# ТОШЛОҚ ТУМАНИДАГИ “STAPLAST” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни, шу жумладан, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли касб эгалари бўлмиш ҳуқуқшуносларни энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ҳамиша барқарор бўлсин!*




Манзил:
Фарғона вилояти,
Тошлоқ тумани,
Садда ҚФЙ,
Конизар маҳалласи.
Тел: 8 (373) 238-49-25;
+99890 332-33-30
E-mail: Sta-Plast@mail.ru
Веб сайт: WWW.StaPlast.ru



АТИБ «ИПОТЕКАБАНК»
Самарқанд вилояти филиали жамоси

IPOTEKA BANK

мамлакатимиз аҳлини, шунингдек, юртимизга ташриф буюрган хорижий меҳмонларни энг улуғ ва энг азиз айём — МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 йиллик тантаналари билан қутлайди! Ушбу байрамнинг кўтаринки шукуҳи ҳар бир дилни йил давомида қувончларга тўлдирсин. Йилнинг қандай ўтиши шундай тантаналарнинг дилларга қанчалик қувонч улашишига боғлиқ, деган гап бор элимизда. Шундай экан, байрамни янада кўтаринки руҳ ва шодумонлик билан кутиб олайлик.



"МАҚСАМ — ЧИРЧИҚ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



тинчliksевар ва меҳмондўст халқимизни Озодликнинг 20 йиллиги байрами билан чин дилдан қутлайди!
Бахт ва қувонч ҳар бир юртдошимизнинг хонадонида барқ ураверсин.
Корхонамизда кўплаб миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил меҳнат қилишмоқда.
Ютуқларимизнинг гарови ҳам шунда бўлса ажаб эмас. Мақсадимиз ягона — мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш.
Бизга эркин ва ташаббускорлик билан меҳнат қилиш имкониятини берган, қадриятларимизни қайта тиклаган Истиқлолимиз истиқболи бундан-да порлоқ бўлсин.


## "2007 йил 14 июнь коллежимиз учун унутилмас кун бўлди"

**ОЗОД ва обод юртимизда қилинаётган ишларга назар ташлаб, ўтган йиллар ичида халқимизнинг эришган ютуқлари бекиёс эканлигига яна бир бор амин бўламиз.**

БУХОРО ВИЛОЯТИ Пешку туманида, буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино таваллуд топган макон — Афшона қишлоғида 2006 йилда Афшона тиббиёт коллежининг ташкил этилиши биз учун истиқлол неъматларидан бири бўлди, албатта.

Таълим муассасасида ўқувчилар 4 йўналиш — ҳамширалик иши, даволаш иши, лаборатория диагностикаси, фармация бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлмоқдалар. Таълим масканида ёшларимизнинг замонавий билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, кутубхона, интернет хонаси, маънавият ва маърифат хонасидан иборат Ахборот ресурс маркази; 100 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи, спорт зали, гимнастика хонаси, соғлом турмуш тарзи ва оила асослари хонасидан иборат маъмурий бино; 540 ўринга мўлжалланган ўқув хоналари, лабораториялар, лингафон кабинетларидан иборат ўқув биноси ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиши учун хизмат қиляпти. Буларнинг барчаси замонавий талаблар даражасида жиҳозланган.

Ёшларнинг умумтаълим ва мутахассислик фанлари бўйича пухта билим олишларида коллежимизда 75 нафар олий маълумотли ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

2007 йил 14 июнь коллежимиз, қолаверса, пешкуликлар учун унутилмас кун бўлди. Ушбу қутлуғ санада Юртбошимиз Ислом Каримов коллежимизга ташриф буюриб, ўқувчи ёшлар ва ўқитувчилар билан учрашдилар. Шунда биз Президентимизнинг ёшларга бўлган ишончи, умиди катта эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Учрашув давомида ҳар бир ўқувчининг кўзида келажакка бўлган интилиш ва ишонч порлади. Юртбошимиз ёшлар билан самимий мулоқотда бўлди.

Ёшларимиз истеъдодларини намоён қилишларида истиқлол катта имкониятларни яратди. Бу кейинги 5 йил ичида коллежимизда спортнинг таэк-вондо тури бўйича 1 нафар республика чемпиони, 1 нафар "Асрлар садоси" фестивали совриндори, кўплаб вилоят ва туман кўрик-танловлари ғолиблари етишиб чиққанида ҳам акс этиб турибди.

Мустақиллигимиз тақдим қилган олий неъмат — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётимиз, кўрсатилаётган катта ғамхўрликлар истиқболи порлоқ ёшларимизга қанот бағишламоқда.

Ўғил-қизларимиз ёруғ умидлар билан катта орзуларни кўзлаб, аждодлармизга муносиб авлод бўлиб камол топмоқда.

**Фарҳод БОЛТАЕВ,**
**Афшона тиббиёт коллежи директори**



# Адлия тизими фаолияти: Самарқанд вилояти

## Меҳнат шартномаси
### иш берувчининг ҳам, ходимнинг ҳам қонуний манфаатларини ҳимоя қилади

БОШҚАРМАМИЗГА кўпинча аҳоли томонидан ишга жойлашиш, бу борадаги қонун ва имтиёзлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида ёзма ва оғзаки мурожаатлар тушади. Шундай пайтда биз уларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексида келтирилган меҳнат шартномаларига оид қайд қилинган тушунчага таянган ҳолда жавоб берамиз. Масалан, меҳнат шартномаси тушунчаси ҳақида гапирадиган бўлсак, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака лавозими бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар. Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Шу ўринда меҳнат шартномасининг мазмуни ҳақида ҳам гапириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун берилади. Меҳнат шартномаси ходим билан ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзоси, имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тариқасида корхона муҳри билан тасдиқланади. Шунингдек, Меҳнат шартномаси номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муаяйн муддатга, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган, деб ҳисобланади. Номуайян муддатга тузилган шартнома ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига қараб мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Шу ўринда иш берувчининг муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини чеклаш, муддатли меҳнат шартномалари хусусида ҳам гапириш керак. Бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш бўлмаган ҳолларда корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи, корхонада бош ҳисобчи бўлмаган тақдирда эса, бош ҳисобчи вазифасини бошқарувчи ходим билан қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

**Бахтиёр МАҚСАДОВ,**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси**

## Васият
### можароларнинг олдини олади

**ХОНАДОН соҳибининг вафотидан эндигина уч кун ўтган эди. Уй ўгай онага мерос қолиши опа-сингилга ёқмади. Икковлашиб ота уйига келишди, улар буткул бошқа одамга айланиб қолгандай эди.**

— ОТАМ ҳовлини васият қилган бўлса қилгандир, лекин бу уй бизники, — дейишди тап тортмай. — Энди отам йўқ, сизга ҳам ҳожат йўқ. Қисқаси, уйни тезроқ бўшатинг.

Кутилмаган бу муомаладан донг қотган онанинг хўрлиги келди. Бир пайтлар умр йўлдоши уни шу хонадонга бир оила бўлиб яшаймиз, деб олиб келган, рўпарасида "уйни бўшат" деб турган опа-сингилни болам деб қараган, қувонса қувониб, сал дардга чалинса елиб-югурган эди. Шуларни бир-бир гапира туриб уйда ўзининг ва ўғлининг ҳам ҳаққи борлигини, зарур бўлса, қонун ҳимоячилари, тегишли идоралардан ёрдам сўрашини дангал айтди.

— Бу хонадон бизники, сиздақаларни "келгинди" дейишади, билдингизми? Бу уйда ўғлингни ҳам, сени ҳам ҳаққинг йўқ, — дейишди сенсирашга ҳам ўтиб...

Бу ҳаётий воқеалардан бири, албатта. Мерос масаласида бу каби ҳолатлар учраб туради. Ажабланарлиси, ҳар иккала томон ҳам ўзини ҳақ деб билади. Шу боис иш жараёнида масаланинг қонуний ечимларини тушунтиришга жиддий аҳамият берамиз. Мероснинг мазмун-моҳияти, унга нисбатан меросхўрларнинг ҳақ-ҳуқуқлари амалдаги қонун ҳужжатларида тўла-тўкис акс этган. Шунга мувофиқ мерос — фуқаро вафот этган кунидан унга тегишли бўлган мол-мулк, мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа шахсларга, яъни унинг ворисларига ўтиши демакдир. Ворислик Фуқаролик кодексининг тегишли моддасига асосан икки хил тартибда қонун бўйича ва васиятнома асосида вужудга келади. Қонун бўйича ворислик мулк эгаси ўзига тегишли бўлган хусусий мулк тақдирини васиятнома қолдириб ҳал қилмаган, яъни вафот этганидан кейин уни маълум бир шахс тасарруф қилишини белгиламаган бўлса қонуний ҳал этилади, васият бўйича ворислик эса мерос қолдирувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларининг меросхўрлар ўртасида тақсимланиши, ворисларни белгилаш тартиби фақатгина мерос қолдирувчининг ихтиёри билан амалга оширилади.

Ўзаро меҳр-оқибат, яқин қариндошлик бурчи каби инсоний тушунчалар шахсий манфаат, бирор мулкка эга бўлиш истаги, фақат ўзини ўйлашдай бир ёқлама тушуниш соясида қолмаслиги лозим, албатта. Ҳаётда бир нарса аён. Яъни мерос масаласида мулкка муносабатнинг қонуний тартибларига ўз вақтида риоя қилиб, тегишли тартибда ҳужжатларни расмийлаштириб қўйиш энг муҳими бўлиб қолаверади.

**Раҳим САФАРОВ,**
**Каттақўрғон тумани 2-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси**

## Оилавий ҳаётга тайёргарлик
### тўйга тайёргарликдан аввал бўлса...

**БАЪЗАН арзимаган сабаблар туфайли оилага дарз кетаётганидан куюнади киши. Шунда бир нарсани ҳис қиласиз. Яъни бундай пайтда икки ёшнинг оила қўрғони бой берилаётгани, ўртадаги фарзанд ота ёки она меҳридан айрилиб қолаётгани хусусида жиддий фикр юритишмаётган бўлади. Ажрашишга шошилаётганларни кузатсангиз, гўё ораларида фарзанд дунёга келмагандек хатти-ҳаракат қилишади. Бундайларга нисбатан элимизга хос бўлган болажон деган фазилат тааллуқли деёлмайсиз.**

ОДАТДА, иккови ҳам бир-бириддан қолишмаслик учунми, тезда бошқа оила қилиш ҳаракатига тушадилар. Шу тарзда ажрашган айрим аёллар жигарбандини кекса ота-онасига қолдириб, мўмай даромад илинжида чет элга равона бўлиш тараддудини қилишади. Суриштирсангиз, у собиқ умр йўлдоши билан қонуний никоҳдан ҳам ўтмаган, болани қандай боқиш ташвишини рўкач қилиб шундай қадам қўяётган бўлиб чиқади. Ўз шаънига номуносиб иш тутган ота эса фарзандини таъминлаш у ёқда турсин, ўз боласини тан олишни истамайди. Майда-чуйда гап-сўз баҳонасида ўз жигарини етим қилиб қўйган аёл ҳам ўзини бегуноҳ тутади.

Хуллас, ҳаёт кўзгусига бир қараб қўйиш ҳеч бирининг хаёлига келмай умр йўлларида адашиш, янглишишдан тўхтамайдилар. "Фарзандимиз-чи, у тўла-тўкис оилада яшашга ҳақли эмасми?" деган савол уларни деярли ўйлантирмайди. Айрим ёш оналар "ажрашсам боламни эримнинг алименти билан боқаман, ўзим хоҳлагандай яшайман-да", деган ўй билан оиласини барбод қилиб юборади. Шундай пайтда айрим ота-она ҳам қизига тўғри маслаҳат бериш ўрнига фарзанди ўз ёнида бўлишини афзал кўради.

Оила пойдевори бошиданоқ мустаҳкам қурилса, ота-оналар ва ёшлар илк қадам қўяётганида оила қуришга тайёрми-йўқми, деб жиддий бош қотириб иш тутишса, бундай оила даргоҳининг ҳаёт синовларига бардош бериши осонроқ кечади.

Маълумки, никоҳ ёши йигитлар учун 18 ёш, қизлар учун эса 17 ёш қилиб белгиланган. Гоҳида 18 ёшга тўлмаган йигит ёки 17 ёшга тўлмаган қизлар никоҳларини қайд эттириш мақсадида бўлимимизга мурожаат этишади. Биз уларга қонун-қоида бўйича тўғри йўл-йўриқ берамиз. Бундай жуфтликлар ичида баъзан бўлажак келиннинг ҳомиладор эканини билиш кишини ташвишлантиради. Сабаби, яна битта оталикни белгилаш ёки ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилганлигини қайд этиш биз учун оғриқли, десам янглишмайман. Бундан ташқари, ҳали вояга етиб улгурмаган қиз қандай қилиб бола тарбияси билан шуғулланади ё бўлмаса рўзғор тебратади, дейсиз. Шу ўринда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар маслаҳатчилари ва фаоллар янада эътиборли бўлишса, деймиз. Зеро, ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни етук шахс қилиб вояга етказиш, авваламбор, оила ва маҳалладан бошланади.

Бир болага етти маҳалла ота-она, деганда, унинг тарбияси ва зарурат туғилганда унга кўрсатиладиган беминнат ғамхўрлик ҳам назарда тутилган. Ота-оналар билан ҳамжиҳат бўлишда, никоҳни расмийлаштирмасдан маҳаллада шаръий никоҳ ўқитилиши ёки тўй-томоша бериб юборилаверишининг олдини олишда маҳалла оқсоқолларининг ҳам масъулияти бор, албатта. Бинобарин, ёш авлод келажаги барчамизнинг қўлимизда. Хусусан, ёшларга "оилангизни асранг, ўйламай-нетмай қўйилган қадамдан фарзандлар азият чекиб қолмасин", дегингиз келади.

**Инобат БОБОҚУЛОВА,**
**Пастдарғом тумани 2-сон ФҲДЁ бўлими мудираси**

## Никоҳнинг мустаҳкамлиги
### жамият фаровонлигига хизмат қилади

**ОИЛАНИНГ нечоғли мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан эр ва хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабат — никоҳнинг собитлигига боғлиқ. Никоҳ қанчалик пухта ўйланиб, беғараз, соф туйғулар асосида қурилган бўлса, оила шунчалик мустаҳкам бўлади.**

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА оилага алоҳида боб ажратилиб, унда "Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади" деб белгиланган.

Никоҳ тузилишининг ҳуқуқий аҳамияти эр-хотин, улар болаларининг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилишдан иборат. Никоҳ ва оила муносабатларига хос хусусиятларидан бири якка никоҳлилик принципидир. Никоҳланувчиларнинг бири бунгача бошқа биров билан никоҳдан ўтган бўлса, бу ҳолат никоҳ тузишга монелик қилади.

Бундан ташқари, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида, лоақал биттаси руҳий касаллик ёки ақли заифлик сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахслар ўртасида ҳам никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Баркамол авлодни дунёга келтиришда, оиланинг мустаҳкам бўлишида бўлажак эр ва хотиннинг соғломлиги катта аҳамиятга эгадир. Буни таъминлаш учун никоҳланувчилар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикдан ўтиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарорида ўз аксини топган. Тиббий кўрикдан ўтиш ва унинг фойдаси ҳақида "Никоҳ уйи" ҳамда барча ФҲДЁ бўлимлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Биз ёшлар қалбида оилага нисбатан масъулиятлилик ҳиссини кучайтиришимиз, оиланинг нечоғлик муқаддас даргоҳ эканлигини чуқур англатмоғимиз керак. Бунинг учун вилоят, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ФҲДЁ бўлимлари ходимлари билан ҳамкорликда носоғлом оилаларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, таҳлил қилиб, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан аниқ ишлар амалга оширилмоқда.

**Шоира ЗОҲИДОВА,**
**Самарқанд шаҳар 1-сон ФҲДЁ бўлими мудираси**

## Адлия тизими фаолияти:

# Ўз ҳуқуқини бизнесни тўғри

**ЙИГИРМА ЙИЛЛИК мустақил тараққиёт даврида қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилиши билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби жорий этилганлиги, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланлиги, шунингдек ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилганлиги, тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширганлиги ва улар фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди.**

АЙНИ шу омиллар туфайли жадал ривожланган тадбиркорлик юртимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан барқарорлигида муҳим ўрин тутди. Юртимизда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари таъминланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли сезиларли даражада ошишига эришилди.

Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим қилинган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да демократик бозор ислоҳотлари жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Юртимизда тадбиркорлик учун янада кенг имтиёз ва қулай муҳит яратилиб, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими тобора кучайтирилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман деган ҳар бир фуқаро учун имкониятлар эшиги кенг очилган.

Хусусан, биргина Бухоро вилоятида ташкил этилган 30 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 64,1 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, вилоятда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга ва ижтимоий-иқтисодий юксалишга замин яратди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига чек қўйиш, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида жойларда мунтазам равишда ўрганиш ишлари ва турли тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

Ҳуқуқнинг тўла таъминланиши ҳуқуқий кафолатлар билан бир қаторда ҳуқуқий маданиятга ҳам узвий боғлиқ. Зеро, ўз ҳуқуқини яхши билган тадбиркор бизнесини қонун ҳужжатлари асосида ташкил этади. Шу боис тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий таъминлаш, яъни уларга қонун ҳужжатларига оид адабиётларни етказиш, очиқ мулоқотлар, учрашув ва семинарлар орқали тадбиркорлар билимини ошириш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. 2011 йилнинг ўтган даврида тўрт юздан ортиқ тарғибот ишлари олиб борилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Бу каби изчил ишлар самараси ўлароқ, бугунги тад-

# Қулай инвестиция муҳити

## хорижликлар учун имконият

**ХОРИЖИЙ инвестицияларни жалб этишда мамлакатда яратилган инвестиция муҳити алоҳида аҳамиятга эга, чунки хорижий инвесторлар учун яратилган муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги инвестиция фаолиятини ривожлантиришда асосий механизм ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамизда хорижий инвесторларни жалб этишнинг оқилона йўлларини танлашга алоҳида эътибор берилмоқда.**

**"ЧЕТ ЭЛ инвестициялари тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқ мамлакатимизда чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланган. Шунингдек, инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва бошқа мол-мулкларнинг дахлсизлигини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонунда инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган инвестиция шартномасига мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва бошқа мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини узиш ҳисобига мажбурий тартибда ундириб олинмаслиги белгилаб қўйилган.

Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги **"Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонига асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 300 минг АҚШ долларидан — 3 миллион АҚШ доллари миқдоригача бўлса 3 йил муддатга, 3 миллиондан — 10 миллион АҚШ долларигача бўлса 5 йил муддатга, 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда 7 йил муддатга солиқ имтиёзлари берилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан вилоятда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда "008" рақамли "Ишонч телефони" муҳим аҳамиятга эга. "Ишонч телефони"га бўлган ҳар бир мурожаат батафсил ўрганиб чиқилмоқда.

Хусусан, Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Афсона Гилам" қўшма корхонаси директори Э.Ражабовнинг шаҳар ҳокимлиги томонидан қўшма корхонага улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилмаётганлигидан норози бўлиб, "Ишонч телефони"га қилган мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилиб, вилоят адлия бошқармасининг аралашувидан сўнг қўшма корхонага улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилиши таъминланди.

Бошқарма томонидан 2011 йилнинг биринчи ярмида ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 21 та тақдимнома, 157 та огоҳнома, 5 та кўрсатма ҳамда 3 та маъмурий ҳуқуқбузарликка тортиш бўйича таклифлар киритилиб, мазкур ҳуқуқий таъсир чораларига асосан айбдор масъул шахсларнинг 30 нафари интизомий жавобгарликка тортилган бўлса, 3 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган.

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб, 2011 йилнинг биринчи ярмида вилоят хўжалик судига 77 та даъво аризаси киритилиб, қўшма корхоналар фойдасига 126.853.000 сўмлик маблағлар ундирилиши таъминланган.

Хусусан, Бухоро туманида фаолият кўрсатаётган "Agromir Bukhara" қўшма корхонаси бош директори М.Воҳидовнинг Бухоро тумани газ корхонаси томонидан етказиб берилаётган газ босимининг пастлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилиб, "Фарбгазтаъминот" УКнинг Бухоро тумани филиали бошлиғи номига шартнома шартларини лозим даражада бажариш юзасидан огоҳнома киритилди. Мурожаат ижобий ҳал қилиниб, қўшма корхонанинг табиий газ таъминоти меъёр даражасига келтирилди.

**Анвар РЎЗИЕВ,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

# Гаров

## мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули

**ГАРОВ шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш усули сифатида ҳозирги вақтда жуда кенг тарқалган шартнома турларидан ҳисобланади ва у ҳуқуқий жиҳатдан катта институт саналади. Унинг ёрдамида кредитор томонидан берилган пул маблағларининг қайтарилиши таъминланади. Мабодо, қарздор қарзини қайтара олмаса, қарз берувчи қарздорнинг мулкига ундирувни қаратиш йўли билан ўз талабини қондиради. Демак, гаров — бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш учун бериладиган асос.**

МАСАЛАН, шахс ўзига тегишли бўлган автомашинасини ёки биносини гаровга қўйиб, банк ёки бошқа кредит муассасасидан кредит олиши мумкин. Бунда гаровга қўйилаётган мулк (мулклар) олиниши кўзда тутилган кредит ва унинг фоизлари микдорини келажакда унинг тўланмай қолиш хавфини назарда тутиб, қоплай олиши керак.

Ҳар қандай мол-мулклар, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар гаров мулклари бўлиши мумкин. Лекин муомаладан чиқарилган товарлар, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ талаблар, унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги, алимент тўғрисидаги талаблар бошқа шахсга берилиши ман этилади.

Гаров турлари мулкнинг шакли ва турига кўра **закалат**, **ипотека**, **ҳуқуқлар гарови** бўлиши мумкин.

Гаров тури сифатида **закалат** — бу гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчидан гаровга олувчи ихтиёрига бериладиган гаров туридир.

Масалан, фуқаро ўзига тегишли бўлган кўчар мол-мулкини (қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари, телевизор, компьютер ва ҳоказо)ларни оладиган қарзи ё бошқа мулкий мажбурияти эвазига гаровга олувчи — кредитор ихтиёрига бериб қўйиши мумкин. Бунда мулкнинг йўқолиши ё унга бирор тарзда шикаст етказилиши билан боғлиқ мажбурият закалатни сақловчи зиммасида бўлади. Бу каби шартномалар оддий ёзма шаклда тузилади.

Фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослаштирилган **ломбардлар** томонидан амалга оширилиши мумкин.

**Ипотека** — бунда фақат кўчмас мулк қарз берувчининг талабларини қаноатлантириш учун гаровга қўйилади. Бинолар, иншоотлар, уй-жойлар, корхоналар, ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ипотека мулки бўлади.

Ипотека жисмоний ёки юридик шахсга кредит (қарз) эвазига квартира ёки уй-жой сотиб олиш, уй-жой қуриш ёки уни таъмирлаш имконини беради. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги қарори билан тасдиқланган **"Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низом"**да ушбу кредитни расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва уни бериш тартиби кўрсатилган.

Гаров шартномаси оддий ёзма, нотариал шаклда тузилади. Ипотека шартномалари ва нотариал тасдиқланган шартнома асосида вужудга келган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тузилган гаров шартномалари нотариал тасдиқланиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Гаровнинг учинчи тури — **ҳуқуқлар гарови**да гаровга қўювчига тегишли эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, масалан, ижарачи ҳуқуқлари, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар гаровга қўйилиши мумкин.

Масалан, фуқаро ерга бўлган ижара ҳуқуқини қонунда кўзда тутилган ҳолларда гаровга қўйиш ҳуқуқига эга.

**Мўмин ХУСЕЙНОВ,**
**Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси катта нотариуси**



# Қонун олдида барча баробар

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ биринчи ярмида Навоий вилояти прокуратураси органларининг аралашуви билан 60 нафар тадбиркорга тижорат банкларидан 592,3 миллион сўм миқдоридаги кредит, 20 нафарига 35 миллион сўм нақд пул олиб берилди, 6 нафарига 96,7 миллион сўмлик қарз маблағлари ундирилди, 28 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун рўйхатдан ўтиб, гувоҳнома олишида ёрдам берилди. Бундан ташқари, 2 нафар тадбиркорга бинони ижарага олишида, 7 нафарига рухсатнома берувчи ҳужжатлар билан таъминланишида, 4 нафарига муҳандислик коммуникацияларига уланишда, 24 нафарига савдо терминали олишда, 1 нафарига 0,5 гектар ер, 7 нафарига хомашё маҳсулотлари ва ёқилғи олишда, 68 нафарига бошқа масалаларда амалий ёрдамлар кўрсатилди ва 227 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди.**

ВИЛОЯТ прокуратураси органларининг "Ишонч телефонлари"га тадбиркорлик субъектларидан 191 та мурожаат келиб тушган, уларнинг 10 таси ноқонуний топшириқ ва мажбуриятлар юклаш ҳақида, 1 нафар тадбиркорнинг манфаатини поймол қилувчи қарор қабул қилинганлиги, 99 таси амалий ёрдам кўрсатиш, 59 таси тижорат банкларидан кредит олишга кўмаклашиш ҳамда 22 нафари бошқа масалалардаги мурожаатларни ташкил қилган. Мурожаатларнинг барчаси кўриб чиқилиб тадбиркорларга амалий ёрдамлар кўрсатилган.

Ўтказилган назорат тадбирлари ва "Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатларни ўрганиш давомида 39 нафар тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 2 та ҳолат бўйича айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, туман ва шаҳар ҳокимларининг (Нурота, Кармана, Учқудуқ, Зарафшон) тадбиркорларнинг манфаатларига зид қабул қилинган 5 та қарори протест келтириш йўли билан бекор қилинди, 1 та ҳолатда 7 нафар якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти юзасидан ноқонуний текшириш (Навоий шаҳар ветеринария бўлими собиқ бошлиғи Р.Пўлатов томонидан) ўтказилганлиги аниқланиб, мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитларнинг ўз вақтида ажратилиши аҳволи ўрганилганда қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

Жумладан, Миллий банкнинг Зарафшон филиали томонидан 4 нафар тадбиркорга жами 144 миллион сўмлик кредит ўз вақтида ажратилмаганлиги юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан 2011 йил 15 июнда банк филиали бошлиғи ўринбосари ва кредит бўлими бошлиғига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Бундан ташқари, вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, тижорат банкларида ҳисоб рақамларини очиш, кредитлар олиш ва ўз фаолиятларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг фаолияти юзасидан текшириш ўтказишга оид кенг қамровли масалалар бўйича тадбиркорлар, назорат қилувчи органлар ва бошқа масъул идораларнинг ўзаро муносабатлари назорат қилиниб борилмоқда. Унда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунийликка риоя қилиш ва текширишни холисона ўтказиш буйича "Тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар" номли қўлланма лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга доир Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш келгусида ҳам асосий вазифамиз, фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.

**Равшан ИБРАГИМОВ,**
**Навоий вилояти прокуратураси бўлими бошлиғи**







# “ЎЗБЕКЭНЕРГО” ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ










Ўзбекистонимизнинг
барча нурчиларини
ва азиз юртдошларимизни
Ватанимиз
Мустақиллигининг 20 йиллик
шодиёнаси билан самимий
муборакбод этади!
Хонадонларингиз доим
электр нуридан
нурафшон бўлиб
туришини чин дилдан
истаймиз.
Сизларнинг
хонадонларингизга
чароғонлик
бағишлаётганимиздан
бахтлимиз.
Кўп миллатли
аҳил жамоамиз
хонадонларингизга
тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонларингизга
тўкинлик тилайди.
Мамлакатимизнинг
ободлиги
йўлида олиб бораётган
улкан ишларингизда
омадлар ёр
бўлсин, дея тилак
билдиради.
Мустақиллигимиз
абадий бўлсин!




**ИСЛОҲОТЛАРНИНГ муваффақиятли олиб борилишида муносиб ҳисса қўшишга интилаётган Суд департаменти Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”-ги Қонуни асосида ташкил этмоқда. Бошқармамиз иш юритувида жорий йилнинг биринчи ярмида жами 41 288 та ёки 137 миллиард 156 миллион 200 минг сўмлик ижро ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, шундан 29 609 та ёки 69 миллиард 806 миллион 100 минг сўмлик, яъни 68,8 фоиз ижро ҳужжатлари бўйича ундирувлар ижроси амалда тўлиқ таъминланди.**

## Суд департаменти

# Қарор ва ижро масъулияти

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 114-моддасида **“Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир”** деб белгиланган. Бу конституциявий қоида ишимизни самарали ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, суд ва бошқа органлар қарорлари асосида бериладиган ижро ҳужжатлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2010 йилнинг 1-ярмида ижро ҳужжатларининг сони 29 373 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилнинг шу даврига келиб 41 288 тага етган ва ижро ҳужжатларининг сони ўтган йилга нисбатан 11 915 тага ошган.

Худди шунингдек, жорий йилнинг 1-ярмида давлат фойдасига ундирувлар юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги ҳам соҳада қонун ижросини таъминлаш борасида етарли тажриба тўпланганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарорига асосан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкларни сотиш ва йўқ қилиб ташлаш тўғрисида келиб тушган 3 миллиард 517 миллион 700 минг сўмлик ижро ҳужжатлари бўйича 2 миллиард 804 миллион сўмлик, яъни 79,7 фоиз товар моддий бойликлари сотилиб, сотувдан тушган пул маблағлари давлат эгалигига ўтказилган.

Суд ва бошқа органлар томонидан тақдим этилган давлат фойдасига маъмурий жарималарни ундириш юзасидан келиб тушган 614 миллион 900 минг сўмлик ижро ҳужжатларидан 386 миллион 506 минг сўмлиги, яъни 63,0 фоизи тўлиқ давлат фойдасига ундирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 511-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзларини қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича 241 миллион 899 минг 500 сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси амалда тўлиқ таъминланиб, электр энергиясидан бўлган қарз суммалари 100 фоиз ундирилишига эришилди.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида жиноят оқибатида етказилган зарарларни ундириш ҳақида 288 та — 4 миллиард 233 миллион 476 минг сўмлик ижро ҳужжатлари туман ва шаҳар суд ижрочилари бўлимлари иш юритувига келиб тушган бўлиб, олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида қарздорлардан 97 та ёки 1 миллиард 233 минг сўмлик, яъни 60,7 фоиз жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ ундирилган.

Жорий йилнинг 1-ярми якуни бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фойдасига қарз суммаларини ундириш билан боғлиқ 29 та ёки 397 миллион 783 минг сўмлик ижро ҳужжатлари туман ва шаҳар суд ижрочилари бўлимлари иш юритувига келиб тушган бўлиб, шундан 19 таси, яъни 307 миллион 900 сўмлик (91,1 фоиз) ижро ҳужжатларининг ижроси тўла таъминланди.

Бу ижро ҳужжатларининг тўлиқ ва тезкорлик билан ижро этилиши натижаси, албатта. Чунки ундирув қандай кўринишда ва қанча миқдорда бўлмасин, у тўлиқ ундирилиши шартлигини назарда тутиб, суд ижрочилари қарор ва ижро масъулиятини ҳис этган ҳолда фаолият юритмоқдалар.

**Пўлат ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Суд департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи**


# “ХОВОС ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни Мустақиллик шодиёнасининг 20 йиллиги билан кутлайди!

— Бу йилги ўта оғир мавсум шароитида бундай улкан ғалабага эришиш, яъни 6 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла хирмони яратиш, жумладан, суғориладиган майдонлардан 6 миллион 700 минг тонна ҳосил олиш нақадар машаққатли меҳнат эвазига бўлганини барчамиз яхши тушунамиз ва бунинг учун азамат деҳқонларимизга ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди, албатта, — деди Юртбошимиз “Ўзбекистон ғаллакорларига” йўллаган табригида.

Бу табрикдан бизнинг жамоамиз ҳам руҳланиб кетди. “Ховос дон маҳсулотлари” АЖ жамоаси деҳқонларимиз билан ҳамкорликда юрт дастурхонининг тўкин-сочинлигини таъминлашда биргаликда меҳнат қилмоқдамиз. Истиқлолнинг улкан шукуҳи барча юртдошларимни буюк ишларга ундагани рост бўлсин, жаҳонда она Ватанимизнинг шони-шавкати бундан-да зиёда бўлсин. Ўзбекистоннинг мустақиллик байроғи доимо ҳилпираб тураверсин. Элимизнинг ризқи бут, дастурхони тўкин-сочин бўлсин.

# “БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ”

## ШЎЪБА УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётгани билан фахрланади. Корхонамиз мустақиллик йилларида соҳанинг катта салоҳиятга эга бўлган корхонасига айланди.

Жамоамиз улуғ байрам арафасида барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами билан табриклайди!

Ҳар бир хонадон аҳлига шоду хуррамлик, бахт-саодат ёр бўлсин. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган барча ватандошларимизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик тилайди. Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин, халқимиз фаровонлиги ошаверсин.

**Истиқлол йилларида эришган улкан ютуқларимизга кўз тегмасин. Гўзал Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверсин.**






**БУГУНГИ КУНДА мамлакатимиз банк тизимининг фаолияти энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, белгиланган халқаро стандартларга жавоб беради. Амалиёт шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда қарор топган қонунчилик базаси халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоланишда ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори молия-банк тизими барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва уни юксак даражага олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.**

# ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

**“МИКРОКРЕДИТБАНК” очиқ акциядорлик тижорат банки Марказий Осиё ва Европанинг энг яхши ўнта микромолиялаш банклари қаторига қўшилди.**




— ШУНИСИ ЭЪТИБОРЛИКИ, банкимизнинг Марказий Осиё ва Европанинг энг яхши ўнта микромолиялаш банклари қаторига қўшилиши шонли сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида юз берди, — дейди “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаолиятни ва ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш департаменти директори Фарҳод Азизов. — Бу 5 йил аввал тадбиркорлик субъектларига кенг кўламли банк хизматларини кўрсатишни таъминлаш мақсадида ташкил қилинган “Микрокредитбанк” томонидан аҳолига тақдим этилаётган микромолиялаш хизматлари сифатини яхшилаш бўйича муваффақиятли ишлар амалга оширилаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Бостонда (АҚШ) чоп этиладиган ва бутун жаҳон микромолиялаш янгиликларини ёритадиган дунёга машҳур “Микрокапитал бозори шарҳи” журналининг июль ойидаги сонида ҳам бу эътироф қайд этилган. Унда эълон қилинган ренкингга кўра, Марказий Осиё ва Европанинг 151 та микрокредит банки орасида Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки энг яхши ўнта микромолиялаш банки орасида муносиб бешинчи ўринни эгаллади.

Бугун “Микрокредитбанк” фаолияти, айниқса, қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янги корхоналар ташкил этишда бошланғич капитални шакллантириш учун аниқ мақсадларга мўлжалланган имтиёзли кредитларни олишда; тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни тасарруф этиш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, бунинг ҳисобига қўшимча ишчи ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш учун тадбиркорлик субъектларининг имтиёзли кредит ресурсларига бўлган талабларини қондириш, уларнинг фаолиятларини кенгайтириш ҳамда хомашё ва материалларни навбатдаги қайта ишлаш бўйича айланма маблағларни тўлдиришда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, чорва ҳайвонлари, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, суғориш, ерга ишлов бериш ишларини ташкил этиш учун фермер ва деҳқон хўжаликларига мини-технологиялар сотиб олишларига микрокредитлар ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш борасида кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган. Аслини олганда, тилга олиб ўтилган бу яратувчилик ишлари “Микрокредитбанк” зиммасига юклатилган вазифаларнинг бир қисмигина, холос.

Банк мамлакатимиз молия бозоридаги беш йиллик фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 431 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатди. Мазкур маблағнинг 312 миллиард сўми микрокредитлардир. Қолган 119 миллиард сўми микролизинг хизматлари сифатида кичик корхоналарга энг янги технологиялар ва жиҳозлар олиб бериш учун сафарбар этилди. Мазкур сармоялар эвазига республикамизда 400 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.



Жорий йилда “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда ҳудудлар қирқимида кредитлар йўналтириладиган фаолиятлар (хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва бошқалар)нинг турлари шунингдек, кредитларни ўзлаштириш натижасида ташкил этиладиган янги иш ўринлари нуқтаи назаридан имтиёзли кредитларни ажратишнинг прогноз параметрлари эътиборга олинган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратишни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида “Микрокредитбанк” қиймати 156 миллиард сўмлик турли микромолиялаш хизматларини кўрсатишни режалаштирмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида банк 88,2 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди.

— Бугунги кунда инвестиция компаниялари ва халқаро молия ташкилотлари мутахассислари иқтисодий жиҳатлар билан бир қаторда “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан аҳолига кўрсатилаётган микромолиялаш хизматларининг ижтимоий аҳамиятини, ушбу маблағларнинг жойларга, олис қишлоқ ва маҳаллалардаги ҳар бир оила даврасига қай даражада кириб бораётганига алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди суҳбатимиз давомида Фарҳод Азизов. — Шу муносабат билан жаҳонга машҳур рейтинг ташкилотлари банкимиз ижтимоий йўналишларини бир неча бор ўрганиб чиқди. Айтиш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз молия-банк тизимининг мунтазам қўллаб-қувватланаётгани туфайли банк фаолияти сифат жиҳатидан янги ривожланиш даражасига кўтарилди.



Масалан, Жаҳон банкининг микрокредит банкларини баҳолаш бўйича “SGAP” гуруҳи томонидан сертификатланган Италиянинг “MicroFinanza Rating” рейтинг компанияси “Микрокредитбанк” фаолиятини халқаро рейтинг бўйича ижтимоий баҳолашни амалга оширди. Унинг натижаларига кўра “Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк” деган ижтимоий рейтинг тақдим этди.

“Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги 2010 йил якунлари бўйича “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг хорижий валютадаги узоқ муддатли дефолт эмитенти рейтингини “В-” даражасидан “В” даражасига кўтарди ва “Барқарор” кўрсаткични берди.

Шунингдек, “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг “Miks-market” глобал микромолия ахборот платформаси (АҚШ) билан ҳам ҳамкорлигини таъкидлаш лозим. 2010 йил якунлари бўйича “Микрокредитбанк” беш олмосли микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи банк деб топилган. Бундай юқори натижаларга эришишда банкнинг етакчи ўринларни эгаллаб тургани ва баланс кўрсаткичлари, қарз олувчилар ва халқаро молия институтлари учун унинг очиқлиги даражаси, шунингдек, менежмент тизими, инновацияларни жорий этиши, ходимларнинг профессионал даражаси, кўрсатиладиган хизматлар сифати ҳамда сони асосий мезонлар сифатида эътиборга олинди.

Нуфузли Халқаро компаниялар томонидан берилган рейтинг баҳолари “Микрокредитбанк”ка Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури, Германиянинг Молиявий гуруҳи, Халқаро Тараққиёт ассоциацияси, Немис “Fin ACC” микрокредитлаш жамғармаси ва бошқа шу каби етакчи халқаро молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш имконини берди.

“Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятининг дунё миқёсида тан олиниши унинг ликвидлиги ва барқарорлиги, Ўзбекистон банк тизимига ишонч тобора ортиб бораётганлигидан яна бир далолатдир.

**Банк Ахборот хизмати**

*Мамлакат истиқлол боғининг яна бир тотли неъмати –*

## “БОҒОТ-ТЕКСТИЛ” ҚЎШМА КОРХОНАСИ АҲЛИ

*Сиз – азизларга юртимиз Мустақиллигининг унутилмас 20 йиллиги муносабати билан энг эзгу тилакларини изҳор этади.*
*Фидойи меҳнатингиз, Ватанга ва Истиқлолимизга бўлган чин садоқатингиз юртимизни куч-қудрат ва фаровонликка буркайверсин, довругини олам аро таратаверсин!*
*Истиқлол ишингизга ривож, турмушингизга файз-баракот бахшида этаверсин!*



Бугун юртимиз бўйлаб тантана қилинаётган Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллик тўйи барчангизга муборак бўлсин!
Жавлон уриб меҳнат қилаётган бободеҳқонларнинг, қурувчи-ю дурадгорларнинг, элга мададкор тадбиркорларнинг, барча-барча юртдошларимизнинг хонадонларидан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларидан файзу барака аримасин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



## “МАРИНАБОНУ АҲМАДЖОН” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

## БУХОРО ВИЛОЯТИ АВТОМОТО-ҲАВАСКОРЛАР КЎНГИЛЛИ ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳлини ҳурлигимиз шодиёналарининг кутлуғ 20 йиллиги билан табриклайди!
Улуғ боболаримиз, буюк аждодларимиз руҳи барчамизни қўлласин.
Озодлик офтоби мусаффо осмонимизда мангу нур сочиб тураверсин.



# “ҚОРБОНАМ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Сиз азиз юртдошларимизни ва хорижлик меҳмонларни кутлуғ тўй – Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами билан чин дилдан кутлайди!
Шу даврда республикамизда асрларга татигулик буюк ишлар амалга оширилди.
Биз ҳам барча юртдошларимиз қатори келажаги буюк давлатимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётганимиздан фахрланамиз.
Фурсатдан фойдаланиб юртимизнинг янада чирой очишида муносиб ҳисса қўшаётган барча ҳамкасбларимизни кутлуғ байрам билан муборакбод этамиз!
Истиқлолимизнинг мусаффо қуёши осойишта юртимизда ҳамиша порлаб тураверсин.
Барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларида улкан зафарлар тилаймиз. Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин.
Халқимиз фаровонлиги ошаверсин.








# ТАЯНЧ МАКТАБ

## бунга жамоадаги ҳамжиҳатлик туфайли эришилди

**ОДИНАХОН ДАВРОНОВАНИ нафақат Данғара туманида, балки вилоятдаги таълим тизими ходимлари яхши билишади. Бир неча йиллар мобайнида туман халқ таълими бўлимини бошқарган бу жонкуяр юртдошимиз айни пайтда, тумандаги 28-умумтаълим мактаби жамоасига етакчилик қиляпти.**




ТУМАН халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига ташриф буюрганимизда бўлим мудири Исоқбой Раҳмонов "Опанинг мактабларига борсангиз, бир олам таассурот билан қайтасиз", дея бизни 28-мактабга таклиф қилди. Бўлим вакили ҳамроҳлигида муассасага кириб бордик.

— Мактабимиз 800 ўринли бўлиб, Давлат дастурига биноан 2008 йилда капитал реконструкция қилинган. Ҳозир 777 нафар ўқувчи таълим оляпти. Уларга 79 нафар ҳамкасбимиз сабоқ бермоқда, — дея маълумот беради О.Давронова.

Муассаса 33 та фан кабинети, физика ва кимё лабораториялари, 12,240 дона китоб захирасига эга бўлган ахборот ресурс маркази, компьютер синфи, 125 ўринли фаоллар зали, спорт зали, стадион, минифутбол, волейбол, баскетбол майдонларини ўз ичига олади.

Мактабда таълим сифати намунали даражага кўтарилган. Шу боис у бошланғич таълим ва "Уста-шогирд" усулида ўқитиш бўйича вилоят халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таянч мактабига айлантирилган. Биргина 2010-2011 ўқув йилида туман мактабларининг 31 нафар бошланғич синф ўқитувчилари шу ерда малака оширишди.

— Бугун жонажон Ўзбекистонимиз ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаяпти. Ҳуқуқий давлатнинг ёшлари эса ҳуқуқий жиҳатдан баркамол бўлиши керак. Шу боис 1-4-синфларда ўтиладиган "Конституция алифбоси", 5-7-синфлардаги "Конституция сабоқлари" дарсларини ноанъанавий усулларда, турли кўргазмали қуроллар воситасида олиб борилишига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди мактаб раҳбари суҳбатимизни давом эттириб. — Ўқувчиларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида эса 56 та фан ва спорт тўгаракларимиз ҳам фаолият юритяпти. Уларга 987 нафар ўқувчи жалб қилинган.

Мактабда сармоядан ташқари маблағ топиш мақсадида тикувчилик цехи ташкил қилинган. Шу билан бирга бир бош қорамол, 11 та товуқ ҳам боқиляпти. Агроучастка 0,30 гектарни эгаллайди. Йил бошидан буён бу ерда саримсоқ пиёз, пиёз, картошка, маккажўхори етиштирилди.

Йил бошида мактаб ҳудудини ободонлаштириш ва "Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт менинг туҳфам" шиори остида 260 туп мевали, 3130 туп манзарали дарахтлар экилди.

Давлатимиз раҳбари **"Бугунги ўқитувчи боланинг чинакам устози, тарбиячиси, ҳамкори ва таъбир жоиз бўлса, ҳамдарди, сирдошидир"** дея устозларимизга катта ишонч билдирганлар. Ташрифимиз жараёнида мактаб жамоасининг бу юксак ишончни оқлаётганига амин бўлдик.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**






## Молия муассасаларида

# МИЖОЗ ИШОНЧИ –

**ИСТИҚЛОЛ, барча жабҳаларда бўлгани каби, банк-молия тизимида ҳам тармоқни ривожлантиришнинг кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу туфайли иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда банклар асосий бўғин ҳисобланиши ҳақидаги фикрлари ва банклар фаолиятини ҳар жиҳатдан барқарорлаштириш борасидаги қатор Фармон ва қарорлари соҳада туб бурилиш ясади. Табиийки, бу тарихий ҳужжатлар Давлат-тижорат Халқ банки фаолиятининг жадал ривожланиши учун ҳам дастуриламал бўлди. Хусусан, биз бу борадаги самарали ишларни банкнинг жорий йил ўтган даври мобайнидаги кўрсаткичларида ҳам кузатишимиз мумкин.**

ХАЛҚ БАНКИ шу давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг мамлакат иқтисодиётидаги ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, янгиланиш ва модернизациялашни давом эттириш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилишини таъминлаш, тизимдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, пул муомаласини барқарорлаштириш ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектларига сервис хизматлари кўрсатишини такомиллаштириш борасида қабул қилинган қарорлар, шунингдек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили Давлат дастури ижроси бўйича аниқ ва мақсадли тадбирларни амалга оширди. Натижада банкнинг жами капитали йил бошига нисбатан 2,2 миллиард сўмга ёки 101,1 фоизга ортиб, 201,6 миллиард сўмга етди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги **“Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарори ҳам банк фаолиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Қарор ижросининг самарали ташкил этилиши натижасида 2011 йилнинг кредит портфели ҳажми 781,9 миллиард сўмни ташкил этди. Кредит портфелининг 655,4 миллиард сўми ёки 83,8 фоизни узоқ муддатли кредитлардир.

### КРЕДИТЛАР — ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Дарҳақиқат, ишбилармон одам имкони йўқдек туюлган мушкул ва мураккаб ишларнинг ҳам уддасидан чиқади. Юртимизда эса бундай зукко ва зеҳнли инсонлар жуда кўп. Мустақиллик уларнинг тадбиркорлигига кенг имкон берди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди, Халқ банки ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли Қарори билан тасдиқланган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг 1-чораги давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 146,1 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Кредитнинг 15,3 миллиард сўми саноат, 31,8 миллиард сўми қишлоқ хўжалиги, 28,6 миллиард сўми савдо, 17,1 миллиард сўми қурилиш, 18,0 миллиард сўми маиший хизмат ва 35,3 миллиард сўми иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

Президентимизнинг 2009 йил 20 январдаги **“Маиший хизмат кўрсатиш объектларига кредитлар ажратиш тўғрисида”**ги Қарори тадбиркорларга чин маънода қўл келди, аниқроғи, уларнинг кучига куч қўшди. Ушбу Қарор ижроси туфайли юрт обод бўлмоқда, турмуш фаровонлашаётганлиги ҳам сир эмас. Биргина ўтган давр мобайнида мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги **“Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарори бўйича ишбилармонларга 27,0 миллиард сўмлик кредит берилди. Натижада биринчи чорак учун белгиланган режа 131,6 фоизга бажарилди. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес соҳаси вакилларига 29,0 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиши ҳам банкнинг хайрли ишлари сирасига киради. Аслида бу биринчи ярим йиллик учун белгиланган режа 130,5 фоизга бажарилди, дегани ҳамдир. Этиборлиси жами ажратилган кредитлар эвазига жойларда 12360 га яқин янги иш ўрни яратилди.



### АЁЛ ФИДОЙИ ВА ЯРАТУВЧИ ШАХС

Бугунги аёл нафақат хонадонимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зот, балки оиламизга ҳам файзу барокат киритадиган, юртни обод этиб, элни фаровонлаштиришга улкан ҳисса қўшувчи тадбиркор ҳамдир. Президентимизнинг хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга доир кўплаб қарорлари мавжуд. Уларда аёлларимизнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этиши учун шароит яратиш кўзда тутилади. Бугунги кунда Халқ банкида амалга оширилаётган ишлар ҳам айнан ушбу қарорлар ижросига уйғундир. Жумладан, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга доир жами 4597 нафар тадбиркор аёлга 19,4 миллиард сўм кредит ажратилиб, бизнес лойиҳалари молиялаштирилган. Бу йўналишда белгиланган режа 145,8 фоизга бажарилди. Хусусан, аёллар меҳнатидан фойдаланадиган (аёлларнинг сони 50 фоиздан юқори бўлган) ва аёллар бошқарадиган микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларига 10 миллиард сўм, оилавий чорвачиликни ривожлантириш учун кам таъминланган аёлларга 4,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

Юртбошимизнинг 2006 йил 23 мартдаги **“Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори ижросига ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Шу давр мобайнида банк филиаллари шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш учун 4036 нафар фуқарога 10,1 миллиард сўмдан ортиқ (шундан меҳнат билан бандлик маблағлари 79,0 миллион сўм) микрокредитлар ажратилди. Шу жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2011 йил биринчи ярмида 3954 нафар фуқарога 10,0 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар берилди.

Банк жамоаси яқинда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун яна бир хайрли ва истиқболли лойиҳага қўл урди. Давлат тижорат Халқ банки ва Германия Жамғарма кассалари фонди ўртасидаги тузилган қўшма ҳамкорлик лойиҳасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Сирдарё ва Навоий вилоятлари филиаллари томонидан фаолиятини янгидан бошлаётган тадбиркор аёлларга, яъни аёллар раҳбарлигидаги тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш кўзда тутилган бўлиб, мазкур ҳамкорлик лойиҳасига асосан фонд томонидан 70,0 минг евро миқдорида, шунингдек, Халқ банки томонидан ҳам 70,0 минг евронинг сўм эквивалентидаги маблағлари билан қатнашиш режалаштирилган. 2011 йил давомида ушбу йўналиш бўйича Сирдарё вилояти ҳудудий филиали томонидан 133,3 миллион сўм ва Навоий вилояти ҳудудий филиали томонидан 83,0 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан ушбу лойиҳа бўйича ажратилган кредитларнинг қайтарилган маблағларидан яна кредит ажратилиши эвазига ушбу кўрсаткич 26,0 миллион сўмни ташкил этди. Бир сўз билан айтганда, жорий йилнинг 1-ярмида тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга 20 миллиард сўмга яқин кредит маблағи ажратилди. Бу эзгу ишлар йил охирига қадар давом эттирилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги **“Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони ижроси юзасидан жойлардаги филиаллар самарали ишларни бажаришди. Ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3317 нафар оилага жами 28,3 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Мазкур кредитнинг 16,1 миллиард сўми 531 нафар оилага ипотека, 6,3 миллиард сўми 1210 нафар оилага истеъмол кредити, 5,8 миллиард сўми 1576 нафар оилага микрокредитлар сифатида берилди. Бу йўналишдаги ишлар ҳам жорий йилнинг олти ойи учун кўзда тутилгандан-да ортиғи билан бажарилди.

### ҲИСОБИНИ БИЛГАННИНГ ҲАМЁНИ БУТУН

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, табиийки, жуда кўп омилларни талаб этади. Хусусан, пул муомаласини барқарорлаштириш, солиқ-бюджет сиёсати ва бозор инфратизимини ривожлантириш ҳамда бу жараёнларни мунтазам назорат этиб бориш зарур бўлади. Негаки, ҳисобини билган одамнинг ҳамиша ҳамёни бутундир. Бу вазифаларни амалга оширишда Халқ банки бошқаруви ва ҳудудий банк филиалларига Президентимизнинг 2005 йил 15 апрелдаги **“Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ва 5 августдаги **“Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”**ги ҳамда 2008 йил 27 мартдаги **“Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарорлари амалий




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



серқуёш Ўзбекистон аҳлини, суд-ҳуқуқ тизими ходимлари ва умуман, барча ҳамкасбларни диёримиз узра кезаётган Мустақиллигимизнинг 20 йиллик айёми шукуҳининг сарбаланд маволари халқимиз кайфиятига кўтаринкилик бахш этаётгани билан самимий муборакбод этади!
Ҳур республикамизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, юртимиз ободлиги ва равнақини таъминлашдек эзгу ишларида янгидан-янги ютуқлар тилайди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

TURON BANK

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК»НИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

дилларни дилларга пайваста боғлаб, хушнудлик бахш этаётган навқирон диёримиз Мустақиллигининг 20 йиллик тўйи муносабати билан барча-барчани қувонч-ла табриклайди! Серқуёш Ўзбекистон аҳли ва унинг заминида меҳмон бўлиб турган хорижий фуқаролар қалбига ёруғлик, кўтаринки шукуҳ бахш этсин. Халқимиз сарбаланд ниятлар билан амалга ошираётган тараққиёт режалари тўла-тўкис ижобатини топаверсин. Интилувчан ва бунёдкор қалбларни жўшқинлик тарк этмасин.

БАЙРАМ ҲАММАМИЗГА ҚУТЛУҒ КЕЛСИН!


# Имкониятлар кўлами кенг

**БУГУНГИ КУНДА тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланган.**

БУ ЙЎНАЛИШДАГИ иқтисодий-ҳуқуқий база тобора такомиллашиб бормоқда. Тадбиркорларга ҳар томонлама кенг имтиёз ва кафолатлар яратилган. Ўтган давр мобайнида иқтисодиёт соҳасида 400 дан ортиқ қонун ҳужжатлари амалиётга татбиқ этилгани фикримизнинг далилидир. Натижада эмин-эркин фаолият юритаяпмиз. Тадбиркорнинг йўлига ғов бўлиш, фаолиятига асоссиз аралашишларга йўл қўйилмайди. Буни биз фирмамиз фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

“Алфа-Омега” илмий ишлаб чиқариш фирмаси мустақиллигимиз шарофати билан 1996 йилда ташкил этилди. Корхонамизда асосан дори воситалари, тиббиёт жиҳозлари ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқилади. Ҳозирги кунда ўндан ортиқ турдаги маҳсулотларимизнинг бозори чаққон бўлаяпти. Маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган маҳсулотлар сифатли тайёрланиши ва самаралилиги боис харидоргир бўлмоқда.

Мазкур Дастурга 2011 йилда киритилган косметик вазелин ишлаб чиқариш жорий йилда 150 000 донага етказилади. 2013 йилга бориб, бу кўрсаткич 250.000 донадан ошиб кетиши режалаштирилган.

2009-2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида 42,8 миллион сўм солиқ ва божхона имтиёзлари берилгани янги имкониятларга йўл очди. Бундай имтиёзлар туфайли корхонамизга янги ишлаб чиқариш ускуналари харид қилдик. Шунингдек, сотилган маҳсулотлар тушумлари ҳисобидан тежалган солиқ имтиёзларидан ҳозирги кунгача олинган маблағларни янги ишлаб чиқариш бинолари қуришга йўналтираяпмиз. Замонавий тикув цехи ишга тушиш арафасида. Тикув дастгоҳларини харид қилиш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Бухоро минтақавий филиалидан кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрланиб, тақдим этилди. Ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизими янада такомиллашганлиги мақсадларимизни ҳаётга татбиқ этиш учун айни муддао бўлмоқда.

Айни пайтда жамоамизда 32 киши корхона истиқболи, эртаси учун астойдил фаолият олиб бормоқда. Янги цехларга зарур ускуналар ўрнатилиб, улар иш бошлагач, йил охиригача ўнлаб қўшимча ишчи ўринлари яратилади. Қишлоқ жойларида бу кичик рақамларнинг ҳам ижтимоий аҳамияти бор, албатта.

Маҳсулот турларини янада кўпайтириш мақсадида муттасил изланаяпмиз. Болаларда суяк эгри ўсиши, бел чурраси, бўйин, умуртқа касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб, турли тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқариш ниятидамиз.

Илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очишга алоҳида эътибор қаратилиб, ғамхўрлик кўрсатилаётганидан ғайратимизга ғайрат қўшилиб, ташаббускорлигимиз ортаверади. Зеро, тадбиркорлик давлат ва жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

**Баҳриддин БЕШИМОВ,**
**Жондор туманидаги “Алфа-Омега” илмий ишлаб чиқариш фирмаси директори**



# “ТАХИАТОШ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан самимий табриклайди!*

*Истиқлол туфайли амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзанидаги умидбахш ўзгаришлар кўп миллатли Она Ватанимизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши онгу шуурига юксак ғурур ва чексиз ифтихор бағишлаётгани билан янада қадрлидир. Ўзаро меҳр-оқибат, келажакка бўлган ишонч ва яратувчанлик ғайрати халқимизни ҳеч қачон тарк этмасин.*

*Хонадонингиздан қут-барака аримасин. Дастурхонимиз нонга тўлиқ бўлсин. Дон ва пахта хирмонларимиз осмон билан бўйлашаверсин!*







# ЮТУҚЛАР КАФОЛАТИ

йўриқнома вазифасини ўтади. Бу қарорларнинг ижросини таъминлаш ҳаётий заруратга айланди. Айнан шу мақсадда аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулларнинг кечиктирмай ва узлуксиз тўланишини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жойларда нақд пул тушумига эга бўлган чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хўжалик субъектларида савдо қоидаларига риоя этилиши, аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат касса машиналаридан белгиланган тартибда фойдаланиш қатъий назоратга олинди. Савдо тушумларининг банк кассаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши таъминланди. Айнан ушбу маблағлар ҳисобига ижтимоий ва барча турдаги тўловларни амалга ошириш чоралари кўрилди. 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида банк кассаларига жами 1 триллион 698 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағи кирим қилинди. Аниқроғи, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 271,7 миллиард сўмга кўп демакдир. Шу жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига савдо тушумлари 213,9 миллиард сўмга ортиб, 852 миллиард сўмни, пуллик хизматлардан тушум 36,6 миллиард сўмга ортиб, 206,8 миллиард сўмни, коммунал тўловлар ҳажми эса 14,9 миллиард сўмга ортиб, 115,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Бу ўз навбатида банкнинг мижозлари олдидаги қонуний мажбуриятларини ўз вақтида бажариш имкониятини яратмоқда.

### МАСЪУЛИЯТ ФИДОЙИЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Халқимизда ўзганинг мулки кўз гавҳаридек асраб-авайланган. Табиийки, ўзга мулкни асраш масъулияти ҳам катта бўлади. Айниқса, бу масъулият аҳоли омонатларини асраш, уларни ҳар томонлама кафолатлаш билан шуғулланувчи банклар фаолиятида муҳим ўрин тутади. Негаки, бу масъулият мижоз жалб этиш барoбарида уларнинг ишончини қозониш, сафини кенгайтириш каби омилларга ҳам асос яратади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги **“Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори Халқ банки жамоаси учун кундалик иш мезонига айланди ҳамда келажакдаги фаолият дастурини белгилаб берди, десак, янглишмаймиз. Жамоа ўша пайтдаёқ қарор ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Банк филиаллари айни пайтда ҳам ушбу йўналишда аниқ ва мақсадли тадбирларни амалга оширмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, 2011 йилнинг биринчи ярмида фуқароларга 5 та муддатли, жамғариб бориладиган ҳамда янги ютуқли омонат турлари таклиф этилди. Депозитларга аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш, омонатчилар учун қулай ва манфаатли шартларга асосланган янги омонат турларини жорий этиш ишлари янада фаоллаштирилмоқда. Уларни кенг омма орасида тарғиб қилиш ишлари кучайтирилди.

Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини узоқ муддатга банк депозитларига жалб этишни жонлантириш, бугунги кунда, ҳар бир молия муассасасининг бирламчи вазифасидир. Халқ банки жамоаси жисмоний шахслар депозитлари қолдиғини камида 40 фоизга ошириш мақсадида жозибали шартлар асосида янги депозит турларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Амалга оширилган мақсадли тадбирлар натижасида жисмоний шахсларнинг депозитлари қолдиғи 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига 707,7 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 18,1 фоиз ўсишига эришилди. Бундан ташқари, 2011 йил давомида аҳоли ва хўжалик субъектлари депозитларининг қолдиғи 219,1 миллиард сўмга ортиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 1 122.4 миллиард сўмни ташкил этди. Банк ресурс базаси шунга яраша йил бошига нисбатан 120 фоизга ортиб, 1 358,4 миллиард сўмни ташкил этди.

### БАНК ХОДИМЛАРИНИНГ “ХАЛҚ ОРАСИДА БЎЛИШИ ТАШАББУСКОРЛИККА УНДАЙДИ

Эътироф этиш керакки, банк томонидан мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 7 ноябрдаги **“Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорига мувофиқ Банклар Ассоциацияси ва Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган **“2008-2010 йиллар давомида аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш ва нақд пул ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури”**да белгиланган режага ҳам алоҳида этибор қаратиб келинмоқда.

Банк муассасаларида нақд пул маблағларидан самарали фойдаланиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилган тадбирлар якунида 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, жами эмиссия қилинган пластик карточкалар сони 1 024,7 минг донадан оширилди. Шу йилнинг ўтган даврида 196,4 мингта электрон тўлов воситаси муомалага чиқарилди. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун эса жойларда 12400 та, шу жумладан, 1312 та чакана савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига 11088 та терминал ўрнатилиб, ҳозирда мижозларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, пластик карточкаларга маблағларни юклаш ҳамда савдо ташкилотларининг карточкаларини инкассация қилиш учун жойларда 1000 дан ортиқ ридерлар ўрнатилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,3 бароборга кўп демакдир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида муомаладаги пластик карточкалар орқали ўтказилган трансакциялар сони 22,1 миллион донадан ортди. Уларнинг умумий суммаси 564,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида жойларда банк томонидан 74 та “Инфокиоск” ва 22 та банкомат фаолият кўрсатмоқда.

### ХАЛҚ БАНКИ МИЖОЗЛАРИГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Доимо изланишда бўлган банк жамоаси яқинда бир янгиликка қўл урди. Замонавий телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиб, масофавий банк хизматларини татбиқ этган ҳолда 24 соат давомида ишлайдиган янги “Уяли пул” тизимини жорий этди. Энг сўнгги илғор технологиялар асосида яратилган ушбу тизим ягона базага жамланган бўлиб, ҳар қандай мижоз интернет ёки уяли ва уй телефони орқали нафақат мамлакатимиз ҳудудида, балки дунёнинг исталган шаҳридан туриб ўз ҳисоб рақамини кўриши мумкин. Мазкур тизим хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги даражасини таъминлаб, тўловларни қабул қилишнинг анъанавий усулларидан воз кечишга шароит туғдирди. Янги технологияларнинг қўлланилиши банкнинг мижозларга янада яқинроқ бўлишига, мижоз уйда туриб ҳафтанинг етти кунида ҳам кеча-ю кундуз ўз ҳисобини бошқаришга ва хизматларга тўловларни амалга оширишда вақтни тежашга имкон яратади. Янги технологияларнинг қўлланилиши банкнинг мижозларга ҳар томонлама кафолатли ва кўплаб имкониятларни ўзида қамраб олган “Уяли пул” тизими, яъни ушбу янгилик “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да тадбиркорлар ва мижозларга муносиб совға бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда Халқ банкининг қадами етмаган қишлоқ ва овул қолмади, ҳисоб. Жамоа эндиликда мижозларга тобора яқинлашмоқда, уларга самарали банк хизмати кўрсатиш пайида бўлмоқда. Банк қишлоқ жойларида аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларига, кичик корхоналарга қулайликлар яратиш, банк ва мижоз муносабатларини янада мустаҳкамлаш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш мақсадида жойлардаги минибанк ва шохобчалар фаолиятини янада ривожлантирмоқда.

Шунингдек, Халқ банкида ходимларни аҳоли ва мижозлар билан янада яқинлаштириш мақсадида жорий йилнинг апрель ойида “Call center” ахборот маркази жорий этилди. Мазкур тизим орқали мижозлар “Ишонч телефонлари” орқали хоҳлаган пайтида банк масъул ходимлари билан, зарурий ҳолларда банк раҳбарияти билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш имконига эга бўлишди. Ушбу ахборот марказининг яна бир афзаллиги шундаки, тизим орқали қабул қилинган таклиф ва шикоятлар ҳаттоки дам олиш кунлари ҳам 24 соат давомида, автоматик равишда, тезкорлик билан марказий аппаратнинг тегишли мутахассислари ёки банк раҳбарияти томонидан ўрганиб чиқилиб, зарурий чоралар кўриш йўлга қўйилди. Бу ўз навбатида банк билан мижозлар ўртасидаги самарали ва ишончли ҳамкорликни кучайтирмоқда.

Албатта, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон этиш, энг муҳими, уларнинг ишончига кириш – оғир вазифа. Бунинг учун ҳар ким, аввало, ўзига ишониши, ўз куч-қудрати ва салоҳиятини тўғри чамалай билиши керак. Зеро, юртдошларимизнинг Давлат тижорат Халқ банкига нисбатан бугунги ишончи ҳам ўз-ўзидан бўлган эмас. Бу — доимий, ҳар кунги, ҳар соатлик фидойи меҳнат ва улкан саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Банк ходимларининг таъкидлашича, бундай фидойиларча меҳнат қилишни улар ўзларининг муқаддас бурчи деб билишади, Президентимизнинг банк тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлари уларга куч-қувват бағишлаб, тизимда янгиликлар яратишга ундаб туради. Энг муҳими, одамларнинг ишончи уларни янгидан-янги муваффақиятлар сари етаклаб, ташаббускорликка ундамоқда. Айни вақтда Халқ банки жамоаси намунали ва сифатли хизмат, ходимлар муомаласи ҳамда мижозларга юқори даражада шароит яратиш орқали “Халқ ишонган банк” бўлишни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган.

**Халқ банки Матбуот хизмати**

# Мустақиллик — абадий ҳурлик шукуҳи





**КЕНГ кўламли ислоҳотлар жараёнида Бухоро шаҳри ва қишлоқлари ободонлашиб, гўзал қиёфа касб этаяпти. Янги корхоналар қад ростламоқда. Таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг ҳамда равон йўллар, истиқлол боғлари ва хиёбонлари бунёд этилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида эришилаётган муваффақиятлардан қалб қувонади.**

Истиқлол йилларида қақроқ чўл бағрида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қад ростлагани ақл бовар қилмайдиган ҳақиқатга айланди. Корхонада нефть маҳсулотлари ва газ конденсати қайта ишланмоқда. Турли миллат вакилларидан ташкил топган аҳил жамоа халқ ишончини оқлашга интилаяпти.

Вилоятда ўз маҳсулотини дунё бозорига чиқаришни кўзлаб ишлаётган корхоналар сони ошиб бораяпти. "Бухорогипс" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси, "Бухоро текстил", "Ўз Кореямедикал" Ўзбекистон — Корея, "Халимабегим — Омад" Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхоналари бугунги кунда эл фахрига айланди. Бу жамоалар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб кўпайиб бормоқда.

Ўтган йили вилоятда аҳоли учун 540 та намунавий уйлар фойдаланишга топширилди. Мустақиллик йилларида кўплаб мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, 300 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари, амбулаторийлар, тез тиббий ёрдам хизмати учун бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш имкониятларини яратди.

Хўш, бу нима дегани? Бу соҳаларнинг ривожлантирилиши ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиради. Янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадлари кўпаяди. Натижада турмуш фаровонлиги ошади, оила бюджети салмоғи кўпаяди. Фақат шу йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектлари томонидан 7,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилганини бир тасаввур қилиб кўринг.

Бухоро азал-азалдан зардўзу чеварлари, каштадўзлари, нозиктаъб ҳунармандлари билан машҳур бўлган. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган анъаналар бугун ҳам зардўзлик соҳаларида давом эттирилмоқда. Уста зардўз Муяссар Темирова, тўқувчи Мартия Раҳматоваларнинг "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвонига муносиб кўрилганлиги ўзига хос мактаб яратган Бухоро енгил саноатчилари меҳнатига берилган одилона баҳодир.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари изчил ижро этилаяпти. Фермерлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоясига жиддий эътибор қаратилмоқда. Дастлабки натижалар чакки эмас.

— Бугунги кунда ислоҳотлар самараси фермер хўжаликларига эркинлик бахш этди. Уларда ерга эгалик туйғуси шаклланди. Мен мана шу тупроқ, мана шу ернинг эгасиман, шу ер меники, шу ер менинг оиламни, эл-юртимни боқади, деган тушунча ҳар бир фермернинг қалбида зоҳир, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Шофиркон туманидаги "Азим Шофиркон юлдузи" фермер хўжалиги раҳбари Азим Латипов. — Ғаллачилик, пахтачиликдаги муваффақиятларимизнинг бош омиллари Юртбошимизнинг бухороликларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлиги, эътиборидан. Ўтган йили 342 минг тоннадан зиёд "оқ олтин" хирмони бунёд этдик. Вилоятимизда эртапишар, ҳосилдор навларни кўпайтириш, йиғим-теримни қисқа фурсатларда ўтказиш бўйича тажриба мактаби яратилди.

Мустақилик йилларида вилоят хотин-қизларининг жамият сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги ёрқин намоён бўлди. Вилоятда 90 нафар аёл депутат халқ ишончини оқламоқда. 12 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ўнлаб опа-сингилларимиз вилоят, туман ва шаҳарлар миқёсида раҳбарлик лавозимларида ишлаяптилар.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида 448 нафар диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият олиб бормоқда.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари ғояси, ташаббуси асосида зиёратгоҳ кенгайтирилди. Тубдан қайта таъмирланиб, гўзал меъморий мажмуа қиёфасига эга бўлди. Ҳозир бу қадамжода Дарвозаи Миёна ва бошқа тарихий объектлар янгидан қурилмоқда.

Истиқлол йилларида Абдулхолиқ Ғиждувоний, Сайфиддин Бохарзий, Чорбакр Исмабуллоҳ Бухорий, Абу Ҳафс Кабир ва бошқа меъморий мажмуалар янгидан барпо этилди. Шайх Жалол, Самарқанд, Хазрати Имом, Саллоҳхона дарвозалари қурилгани кўҳна Бухоронинг қадимий меъморчилик ва шаҳарсозлик анъаналари қайта тикланаётганидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили 23 мартдаги қарори билан қабул қилинган **"2020 йилгача Бухоро шаҳри худудидаги маданий мерос объектларини илмий ўрганиш, консервациялаш, таъмирлаш ва уларни замонавий фойдаланишга мослаштириш бўйича Давлат дастури"** катта-ю кичикка бир олам қувонч бахш этди. Ўн йил ичида Бухорои шарифдаги 152 та маданий мерос объекти давлат бюджети ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилиб, қайта чирой очди.

Донишманд юртда замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида янги обидаларни қуришга ҳам эътибор кўрсатилаётганлиги қувончли ҳолдир. Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили **"Кўҳна ва боқий Бухоро"** маданий мажмуасининг барпо этилиши республикамиз ҳаётида бетимсол воқеа бўлиб, тарихда муҳрланиб қолди: Маданий марказ 107 гектар майдонни ўз ичига олган. 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, 2000 нафар томошабинга мўлжалланган амфитеатр ҳамда "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи шариф шаҳар кўркига кўрк қўшди.

Янги қад ростлаган, бухоролик усталар қўлидан сайқал топган кошинкор, маҳобатли иморатлар, бири-бирини такрорламайдиган салобатли бинолар, тасмадек текис ва равон йўллар, халқаро андазалардаги кўприклар, қулф урган гулзору чаманзорлар, хиёбонлар, кўсак тутган пахтазорлар, болга ботган боғ-роғлар ҳавасингизни келтиради.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Бухорода буюк ўзгаришлар рўй бераяпти. Одамлар қалби ва онгида ўзликка ишонч, озодлик тақдирига умид туйғулари кўпайиб бормоқда. Истиқлол туфайли Бухоро эзгуликка, саодатга йўғрилиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, Бухорои шариф ўзининг буюк фарзандлари, азиз авлиёлари, бетакрор тарихий обидалари билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга танитган табаррук маскандир.

Бухоролик деганда, аввало, қўли меҳнатда-ю, дили Оллоҳда бўлган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, тақдирнинг кўп-кўп синовларини бошдан ўтказган, сабр-матонатли, бунёдкор халқ кўз ўнгимизга келади.

Дарҳақиқат, жаҳон тамаддунининг беназир бойлиги — кўҳна ва навқирон Бухоро шаҳрида ҳали кўп-кўп истиқлол чашмалари кўз очаверишига, мўъжизалар яратилаверишига, ҳурлик шукуҳидан қувватланаверишига иймонимиз комил. Кўнгил ободлиги эл-юртга файзу барака ато этаверсин.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Азиз юртдошлар!
"PROGRESS IMPRESS"
МЧЖ
ЖАМОАСИ
Сизларни жонажон Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами билан самимий кутлайди!
Барчамизнинг хонадонимизни осойишталик, дастурхонимизни қут-барака, қалбларимизни қувонч тарк этмасин. Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлаверсин!



"МУРОД ЎҒЛИ МАЛИК" ҒИШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёнаси билан чин дилдан қутлайди!
Ҳудудимиздаги барча қурилиш ташкилотларини ҳамкорликка чақирамиз. Корхонамиз сифатли ғишт ишлаб чиқаришда соҳа корхоналари орасида ўз нуфузига эга. Биз билан ҳамкорлик қилсангиз, ютқазмайсиз. Байрамингиз қутлуғ бўсин, азиз юртдошлар!





## Савол-жавоб

# "Дадамнинг машинасидан фойдаланмоқчиман"

**— ҲОЗИР ўн етти ёшдаман. Фуқаролик паспортимни олганман. Дадамнинг машинасидан фойдаланиш учун ишончнома олишим мумкинми? Бу қандай амалга оширилади? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.**

**Сардор АЛИЕВ,**
**Навоий шаҳри**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги қарори билан тасдиқланган **"Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низомга мувофиқ, автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини нотариал тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган, "Давлат белгиси" ДИЧБда тайёрланган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги Низомига мувофиқ, нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар бериш, улар божхона органларида расмийлаштирилгандан ва ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Нотариус автомототранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончномани тасдиқлаш пайтида ишончнома берувчи эри ёки хотинининг мулкни тасарруф этишга розилиги ҳақидаги аризаси олиниб, имзоси шаҳодатлантирилади.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

**Саволга Навоий шаҳар 4-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси Матлуба ЖУМАЕВА жавоб берди.**

"AZIAMILKFOOD" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
жаннатмакон Ўзбекистоннинг меҳнатсевар халқини энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан муборакбод этади!
Сиз азиз юртдошларимизга сиҳат-саломатлик ва омад, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги ҳалол ва савобли меҳнатингизда улкан зафарлар тилайди.
Осмонимиз доимо мусаффо, хонадонларимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин!



Ўзбекистон – Германия акциядорлик тижорат «САВДОГАРБАНКИ»нинг Самарқанд вилояти филиали жамоаси

SAVDOGAR BANK

бағрикенг, дастурхони очиқ Ўзбекистон халқини, унинг иззат-икромига бевосита гувоҳ бўлаётган хорижлик меҳмонларни ўзининг маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимизга жо бўлган МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ хурсандчиликлари билан табриклайди!

Дилларга шижоат ва тетиклик бахш этадиган байрам шукуҳи ҳар биримизни меҳнат зафарларига чорласин. Юртимиз тинчлиги, оилаларимиз осойишталиги, кўнгиллар хотиржамлиги ҳеч қачон бузилмасин.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ "AVTOELIT" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*жаннатмакон Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва фидойи халқини энг улуғ ва азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги юбилейи билан самимий муборакбод этади!*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, дастурхонингизга қут-барака, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш йўлида ҳалол ва заҳматли, савобли меҳнатингизда улкан зафарлар тилайди.*

*Юртимиз янада чароғон, ўтаётган ҳар бир кунимиз нурга тўлсин!*


# Мақсадимиз: йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш

МУНИРА Мақсудхўжаевани таниш-билишлари, ҳамкасблари ишнинг кўзини биладиган аёл сифатида ҳурмат қилишади. Ундаги ғайрат ва шижоатни кўрган баъзи йигитлар "Мунира опага кўз тегмасин. Шунча ғайратни қаердан оларкан?" дейишади.

Ғайрат ва шижоат Мунира опага хос хислат. У оилада шундай тарбияланган. Дадиллик унга хос. У бир ишни бошладими, охирига етказмасдан қўймайди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиши Мунира опанинг ғайратига-ғайрат қўшди. Мустақиллик унга катта имкониятлар эшигини очди.

"AVTOELIT" МЧЖ 2003 йил Мунира Мақсудхўжаева таъсисчилигида ташкил этилди. Бугунги кунда жамиятга тегишли автоуловларда йўловчиларга намунали хизмат қилинмоқда. МЧЖ микроавтобуслари **"Қорасув 1 — Буюк Ипак йўли"** бўйича №31, **"Қорасув 1 — Авиасозлар АШБ"** бўйича №74, **"Қорасув 1 — Уйғур кўчаси"** бўйича №79 тартиб рақами билан фаолият кўрсатмоқда. Корхонада 66 нафар ходим 32 та "ГАЗЕЛЬ" микроавтобусларида ҳамда "Форд" ва "Мерседес Бенц" автоуловларида аҳолига хизмат қилиб келмоқда.

2007 йил сентябрь ойида ТИФ "Ўзмиллийбанк" Академик филиалидан олинган кредит ҳисобига "ГАЗЕЛЬ" автомашиналари харид қилинди. 2009 ва 2010 йилларда олинган кредитлар корхонанинг ривожига ҳамда янги "ГАЗЕЛЬ" микроавтобусларини сотиб олиш учун ишлатилди.

Корхона янги модификациядаги микроавтобуслар билан автоулов паркини бойитиш ҳамда қўшимча иш жойлари яратиш мақсадида 2012 йилда ҳам катта миқдорда кредит олишни режалаштирган.

— "AVTOELIT" МЧЖ жамоасининг мақсади аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, — дейди биз билан суҳбатда М.Мақсудхўжаева.

**Шухрат НОСИРОВ**
**Суратларни Бахтиёр АКРАМОВ олган.**





16



## Адлия тизими фаолияти: Қашқадарё вилояти

# Ривожланган давлатлар тажрибалари

**ОЛИЙ МАЖЛИС палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да "Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт", дея таъкидланган. Мазкур концепцияда мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат экани алоҳида қайд этилди.**

БУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ҳозирги кунда ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни ҳаёт тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Россия каби ривожланган давлатларнинг адлия тизимлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу фарқни ҳуқуқ тизимининг англо-саксон, роман-герман тизимларининг ривожланиш йўналишлари билан изоҳлаш мумкин.

Масалан, АҚШ Адлия вазирлиги — мамлакатнинг федерал ҳукумат департаменти ҳисобланиб, асосий вазифаси қонунларнинг бажарилишини таъминлаш ва адолатли суд қилишдир. АҚШнинг Адлия вазири — атторней деб юритилиб, АҚШ Президенти томонидан тайинланади, Сенат томонидан тасдиқланади. АҚШ Адлия тизимининг бошқарув органларига бош атторнейнинг офиси, атторней ўринбосарининг офиси, бош атторней ёрдамчисининг офиси, бош солистор (ҳимоячи)нинг офислари киради.

АҚШ Адлия вазирлигининг таркибий қисми ҳисобланган прокуратура органи федерал ва штатлардаги атторнейларга бўлинади. Федерал атторнейлар 94 та округда фаолият юритадиган судлар қошида ташкил этилган.

Японияда прокуратура Адлия вазирлиги таркибига кириб, марказлашган ташкилот ҳисобланади. Унга бош прокурор раҳбарлик қилади унинг тузилиши, аввало, суд тизимига мослаштирилган.

Россия Федератив давлатида прокуратура тизими алоҳида, адлия таркибига кирмайдиган орган шаклида фаолият юритади.

Германия давлатида ҳам прокуратура суд тизимига мослаштирилган бўлиб, прокурорлар давлат айбловини амалга оширишади.

Хулоса қилиб айтганда, чет эл тажрибасини ўрганиш, улар томонидан эришилган ютуқларга эътибор қаратиш орқали ўз йўналишимизга мос равишда миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилади.

**Рисолат АБДУЛЛАЕВА,**
**Илёс ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари**

# Оила муқаддас даргоҳ

## у жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланади

**МАМЛАКАТИМИЗДА оналар ва болалар саломатлигини доимий назорат қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ёш оилаларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, келин-куёвлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш ишларига алоҳида урғу бериш зарур.**

АЛБАТТА, бу оиланинг келажагини, бахтли ҳаётини ўйлаган ҳолда қилинаётган амалий ишлардир. Ёшлар бу жараёнда саломатлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом"**га кўра, ёш йигит ва қизлар қонуний никоҳдан ўтишдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Тиббий кўрик нафақат оила мустаҳкамлигини, балки соғлом фарзандлар туғилишининг гаровидир.

Шунга кўра, вилоятимиз ФХДЁ бўлимлари томонидан "Соғлом она — соғлом бола", "Ёш оила мактаби", "Оила — муқаддас қўрғон" мавзуларида ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёшлар онгига ўзбек оилаларининг урф-одатлари, удумлари, анъаналари ва ахлоқий маданияти ҳақидаги тушунчаларни сингдира бориб, уларни оилавий ҳаёт йўлига тайёрлаймиз. Чунки, жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланган оила Ватан ичра кичик бир ватан дея таърифланади. Оила қўрғонининг мустаҳкамлиги жамият таянчи, юрт равнақи демакдир. Зеро, келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг, маънавий-ахлоқий дунёқарашлари, энг аввало, оилада шаклланади, камол топади. Масалан, қизларни эрта турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳолатларига қарши аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари кучайтириляпти. Бу борада қонуний чоралар кўрилаётгани эса ана шундай ҳолатларнинг камайишига сабаб бўляпти.

Поклик ва софлик ҳамда садоқат, никоҳ қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш ҳамда саломатликка эътибор беришга асосланган оилалар мустаҳкам бўлиб, жамиятга моддий-маънавий жиҳатдан фойда келтиради.

Оила тинч ва фаровон бўлса, унда тарбияланаётган ёш авлод ҳам маънавий жиҳатдан етук, соғлом, мустақил фикрли комил инсон бўлиб вояга етади.

**Дилфуза РАҲМОНОВА,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**


"КИТОБ ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



**Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд,**

# Шартномавий муносабатлар

## қонунийликни талаб этади

**ХЎЖАЛИК юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш соҳасида Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ биринчи ярмида бошқарма томонидан фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 89 та огоҳнома, 21 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний тўланган пул маблағлари қайтарилиши таъминланди.

Шунингдек, фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб жавобгарлардан пул маблағларини ундириш тўғрисида 234 та даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризалари қаноатлантирилиб, суднинг қарорига асосан фермер хўжаликлари фойдасига пул маблағлари ундирилиши белгиланди.

Жумладан, Қизилтепа туманидаги "Азамат Комил" фермер хўжалиги бошлиғи Р.Саъдуллаев адлия бошқармасига мурожаат қилиб, шартномага асосан кўрсатилган техника хизмати учун тўловлар ўз вақтида тўлаб берилмаётганлигини билдирган.

Ўрганиш жараёнида фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, фермер хўжалиги фойдасига 6 миллион 362 минг 224 сўм асосий қарз ва 2 миллион 424 минг 523 сўм пеня ундирилиши белгиланди. Шунингдек, Кармана туманидаги "Зарафшон пахта сервис" масъулияти чекланган жамияти раиси С.Турсуновнинг мурожаатига кўра, жавобгар "Элликқалъа олтин толаси" акциядорлик жамиятидан МЧЖ фойдасига 35 916 739 сўм асосий қарз ва 17 958 369 сўм пеня ундириш бўйича адлия бошқармасининг даъво аризаси ҳам қаноатлантирилди.

Ҳисобот даври мобайнида адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га келиб тушган шартномавий муносабатларга оид 10 та мурожаат ижобий ҳал қилинди.

Масалан, Кармана тумани "Раҳим Жалил" фермер хўжалиги раиси Ж.Раҳимовнинг "Навбаҳорпахтатозалаш" МЧЖ томонидан топширилган пахта хомашёси учун 90 фоизи ҳисобидан тўланмай қолган 4.447.000 сўм қарздорликни ундириб беришни сўраб адлия бошқармасига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Аниқланган ҳолатлар бўйича адлия бошқармаси томонидан "Навбаҳорпахтатозалаш" МЧЖга ушбу қарздорлик зудлик билан бартараф этилишини таъминлашни сўраб талабнома киритилди ва унга асосан мавжуд қарздорлик фермер хўжалигига тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, шартномавий муносабатларга оид масалаларни ижобий ҳал этиш борасидаги хўжалик судлари билан адлия идоралари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам шартномавий муносабатларни тартибга келтиришга кўмак бермоқда. Хусусан, 1-ярим йилликда хўжалик судларига 245 та даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво аризалар бугунги кунга қадар судлар томонидан кўрилиб, суд қарорларига асосан асосий қарз, пеня ва жарималар ундирилиши белгиланди.

2011 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг 10 та туман ва шаҳарларида 65 та корхона ва ташкилотда шартномавий муносабатларга оид қонун ҳужжатларининг ижросини ўрганиш давомида кўпгина қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли идора ва ташкилотларга 32 та тақдимнома, 1 405 та огоҳнома ва 26 та кўрсатма киритилди.

Кўрилган барча чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилишини янада чуқурлаштиришга ёрдам бермоқда.

**Салимжон АБДУРАСУЛОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи**

# Тадбиркорга қонун мададкор

**КИЧИК БИЗНЕС ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун шарт-шароит яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда прокуратура идораларининг муносиб ўрни бор.**

ПРОКУРАТУРА органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси, уларнинг эркин ва тўсиқларсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда асоссиз аралашувларга барҳам бериш ҳолатини тезкор аниқлаш мақсадида вилоятлар ва туман, шаҳар прокуратураларида "007" қисқа рақамли "Ишонч телефонлари" ўрнатилиб, "Ишонч телефони" орқали келиб тушган мурожаатлар зудлик билан кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Пешку тумани прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси, аҳолини, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида тадбиркорлик субъектларига янги иш ўринларини яратишда амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг эркин ва тўсиқларсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда асоссиз аралашувларга барҳам бериш бўйича текшириш ва назорат тадбирлари олиб борилди. Шунга кўра, Пешку тумани ҳокимининг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ манфаатларини чекловчи 4 та ноқонуний қарор ва фармойиши протест киритиш йўли билан бекор қилинди.

Туман прокурорининг қарори ва тақдимномалари асосида туман ҳокимлиги, тумандаги тижорат банклари ва туман "Ермулккадастр" хизматининг 16 нафар мутасадди ходими тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган қонунларни бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилди.

Бевосита туман прокуратураси аралашуви билан 16 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, уларга тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари олиб берилиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган назорат тадбирлари давомида "Бухоро нефть базаси" унитар корхонасига қарашли Пешку 29-сонли фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчаси катта оператори F.Зоиров ўзининг жавобгарлигидаги дизель ёнилғиси, М10В2 мотор мойи, И40А мойидан иборат жами 17 795 842 сўмлик 16381 килограмм фермер хўжаликларига тегишли бўлган нефть маҳсулотларини ҳужжатсиз тарқатиб юборган. Бу билан ўзганинг 17 795 842 сўмлик жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торожликка йўл қўйганлиги аниқланди. F. Зоировга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шу билан бир қаторда тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ўстириш мақсадида Пешку тумани ҳокимлиги, прокуратураси, СВОЖЖДЛҚК департаменти, ДСИ ва тижорат банклари раҳбарлари томонидан тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳаллаларида йил давомида ҳар ойда 2 маротаба кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар ўртасида учрашувлар ўтказиш режа дастури тасдиқланган. Шунга мувофиқ, кенг жамоатчилик билан мунтазам равишда учрашувлар, жонли мулоқотлар олиб борилмоқда.

**Карим ТЕМИРОВ,**
**Пешку тумани прокурори**

# Қарз шартномаси шартлари

**БОЗОР муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда ҳар бир шахс шартноманинг у ёки бу турини тузиш орқали мазкур муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланади.**

ШУ ЎРИНДА шартномаларнинг кенг тарқалган турларидан бири қарз шартномаси ва унинг шаклларига ҳуқуқий жиҳатдан муносабат билдирадиган бўлсак:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 733-моддаси талабида қарз шартномасининг шакли кўрсатилган бўлиб, унда фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 734-моддаси талабига кўра, агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Яна шу Кодекснинг 736-моддасида қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари кўрсатилган бўлиб, унда агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаса 734-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу Кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

Қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Кодекснинг 739-моддаси талабига кўра, агар қарз шартномаси қарз олувчининг маблағлардан аниқ мақсадда (аниқ мақсадли қарз) фойдаланиши шарти билан тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, тарафларнинг келишувига мувофиқ, олди-сотди, мулкни ижарага олиш ёки бошқа асослар туфайли пайдо бўлган ҳар қандай қарз, қарз мажбурияти билан алмаштирилиши мумкин.

Қарзнинг қарз мажбурияти билан алмаштирилиши Фуқаролик кодексининг 347-моддасида назарда тутилган мажбуриятни янгилаш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади ва қарз шартномаси учун белгиланган шаклда бажарилади.

**Отабек НАЗАРОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раиси ўринбосари**




# "УЧҚЎРҒОН ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик кутлуғ айёми билан барча юртдошларимизни чин кўнгилдан муборакбод этади! Гўзал юртимизда осойишталигимиз боқий бўлсин!

Бошоқлар етилганда,
У ҳам тўлди қудратга.
Хирмони уйилганда,
Тўлди олқиш шуҳратга.

Мана, дастурхон ёзиқ,
Ўртада куёвдай нон.
Шошмай бурдалаб уни,
Деди: "Олинглар меҳмон!"









# Олий хўжалик суди: Меморандум ижроси

**ЮРТБОШИМИЗ Олий Мажлис палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этишини, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарурлигини таъкидлаб ўтди.**

## Фаровонлик учун хизмат қилади

ТАДБИРКОРЛАРГА кенг қулайликлар яратиш мақсадида бугунги кунда кўплаб имкониятлар эшиги очилмоқда. Ишбилармонларга ўз ишларини ривожлантириш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалалари юзасидан қулайликлар яратилмоқда. Сўнгги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга туширилганлиги ҳам тадбиркор учун кенг имконият эшигини очмоқда. 2011 йилдан бошлаб эса бу кўрсаткич 7 фоиздан 6 фоизга туширилган.

Тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хўжалик судлари муҳим роль ўйнайди.

Бухоро вилояти хўжалик судига 2011 йил 6 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга доир 205 та даъво аризаси мазмунан кўриб чиқилди. Уларнинг 154 таси қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектлари манфаати ҳимоя қилинди.

Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан 2009 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун тўловларни энг кам иш ҳақи миқдорининг 0.5 баробари, қишлоқ жойларида эса энг кам иш ҳақининг 0.1 баробари миқдорида йиғим олиш белгиланган. Бироқ ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"и Тўқимачилик филиали ушбу Қарор талабларига зид равишда тадбиркорлик субъектларидан ҳисоб рақам очишда ортиқча пул маблағлари ундириш

Ушбу ҳолат вилоят адлия бошқармаси томонидан бошқарманинг 2011 йил 1-ярим йиллик иш режаси ҳамда бошқарма бошлиғининг 2011 йил 2 майдаги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Тўқимачилик филиалида тадбиркорликка ва хорижий инвестицияларга оид меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниш аҳволи ўрганилганда аниқланган.

ҳолатларига йўл қўйган. Масалан, "Дилзар Бухоро" хусусий корхонаси ҳисоб рақам очишни сўраб тегишли тартибда ариза билан мурожаат қилган. Бироқ ҳисоб рақам очишда 3.768 сўм ундириш ўрнига 2010 йил 13 июлда 18.840 сўм ундирилган.

Фуқаролик кодекси 14-моддасининг 1-қисмига кўра, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Ушбу Кодекснинг 985-моддасига кўра ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан "Дилзар Бухоро" хусусий корхонасига ортиқча ундирилган пул қайтарилди.

**Жамол ҚАҲҲОРОВ,**
**Бухоро вилояти хўжалик судининг судьяси**

# Ер участкаларини олиб қўйиш мумкинми?

## Амалдаги қонунларимизда бу ҳақда нима дейилган

**КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 55-моддасига ҳамда Ер кодексининг 16-моддасига мувофиқ, ер — давлат мулки, умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза этилади.**

МАЪЛУМКИ, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ер билан боғлиқ бўлган барча муносабатларни тартибга соладиган қонун сифатида намоён бўлди.

Мамлакатимизда ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда олиб қўйилиши мумкин.

Ер кодексининг 37-моддасида **ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади,** деб эътироф этилган.

Ушбу Қонун талабига кўра, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда, уларнинг уйи (квартираси) бузилган тақдирда, Уй-жой кодексининг 27-28-моддаларига мувофиқ **фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига уларнинг хоҳишига биноан барча қулайликлари бўлган аввалгисига тенг қийматда уй-жойнинг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган саҳнда тураржой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланади (ёки якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилади. Бузилаётган уйлар, иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлиқ қопланади).**

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда ҳам ер участкаси олиб қўйилиши мумкин, яъни ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида; ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганида, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда; ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда; қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек, ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганда; мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида олиб қўйилади.

Ер муносабатлари билан боғлиқ бўлган қонунларни тўғри ва аниқ англаб етиш, республикамизда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ўстиришга доир чора-тадбирларни кўриш ҳозирги пайтда ҳуқуқшуносларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

**Акбар ТОШБЕКОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича**
**Тайлоқ туманлараро суди раиси**

# Муроса замиридаги меҳр-оқибат

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсат такомиллашганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимиз либераллаштирилди. Яна ҳам очиқроқ айтадиган бўлсак, у ўзбекона бағрикенглик, инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилди.**

2001 ЙИЛДАН бошлаб ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институти киритилганлиги ва у самарали фаолият кўрсатаётганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Мазкур институтнинг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопласа, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди.

2010 йил ҳамда 2011 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судлари томонидан 758 нафар шахсга нисбатан 706 та жиноят ишининг айнан тарафларнинг ярашуви асосида тугатилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Шофирконлик Аслиддин Жўрақулов 2010 йил 28 июль куни Рамеш Урунов билан жанжаллашиб қолади. Унга соғлигининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган, қасддан баданига енгил шикаст етказган. У мазкур жиноий ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 109-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Томонлар ўзаро ярашиб олгани муносабати билан жиноят иши судда кўриб чиқилди. Гумонланувчи ва жабрланувчи жиноят ишлари бўйича Шофиркон тумани судига ярашиб олганликлари тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Гумонланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, пушаймон эканлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганлигини, унга етказилган зарар қопланганлигини маълум қилган. Суд унинг муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, жабрланувчи билан ярашганлиги учун жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Шофиркон шаҳридаги Қиёт кўчасида умргузаронлик қилаётган ОАТБ "Агробанк" Ғиждувон тумани филиали мутахассиси Аъзам Латипов ўз бошқарувидаги "Дамас" автомашинасида кетаётиб йўл ҳаракати қоидасини қўпол равишда бузди ва вояга етмаган Гулчирой Қодировани уриб юборди. Гулчирой ўртача оғир шикаст олиб касалхонага ётқизилди. Гумонланувчи уни ўз ҳолига ташлаб қўймай, дарҳол шифохонага олиб борди. Ҳар куни ундан ҳол-аҳвол сўраб турди. Касалхона харажатларини тўлади.

Гулчиройнинг оила аъзоларидан кечирим сўради.

Судда гумонланувчи сифатида сўроқ қилинган Аъзам Латипов қилмишини тушуниб етганлиги, жабрланувчи билан ярашганлигини билдириб, унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди ҳамда ариза билан мурожаат қилди.

Томонлар ўртасидаги ярашув аҳди боис Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига асосан суд Аъзам Латиповга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш бўйича ўз ажримини чиқарди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Суд амалиётидаги бундай мисоллардан кўриниб турибдики, ярашув институти билиб-билмай жиноят содир этаётганларга нисбатан йўл қўйган хатоларини тушуниб, уни ўз вақтида бартараф этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Халқимиз эса Юртбошимизнинг чинакам ғамхўрлигини, миллий қонунчилигимизнинг бағрикенглик ва кечиримлиликка қаратилган тамойилларини астойдил ҳис қилиб турибди. Мухтасар қилиб айтганда, эзгу ва ҳаётбахш қадриятлар кўз очиб бораверади.

**Шуҳрат КАМОЛОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Бухоро вилояти суди судьяси**




*Мустақилликнинг 20 йиллиги билан*

"ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ"

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам билан табриклайди, соғлиқ, бахт ва фаровонлик тилайди

«O'ZVINOSANOAT-XOLDING»
XOLDING KOMPANIYASI



"СИРДАРЁАВТОТЕХХИЗМАТ" ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

қалби пок, меҳр-оқибатда тенгсиз қадрли ўлкадошларимизни диёримизнинг қутлуғ санаси — озодлигимизга 20 йил тўлгани шарофати билан самимий табриклайди! Бу азиз тантана барча ватандошларимизга бахт-саодат, қалбларида ҳамиша эзгулик ёр бўлишини тилаб қолади.



# Дардингизга дармон бўламиз






**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк йилларида мамлакатимизда тиббиёт соҳасига, шунингдек, дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилди. Кейинги йилларда бу соҳани ривожлантириш борасида Юртбошимиз қатор Фармон ва қарорлар қабул қилди. Ва улар ҳаётга татбиқ этилмоқда.**

ФАРМАЦЕВТИКА дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "RADIKS" илмий ишлаб чиқариш корхонаси 2001 йилда ташкил қилинганди. Корхона ўша пайтда 30 хил дори воситалари ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирги кунга келиб маҳсулот турлари 90 дан ортиб кетди. Корхона йилига 200 миллион дона таблетка, 2 миллион дона суртма ва линиментлар, 80 миллион ампула инъекцион эритмалар, 5 миллион флакон инфузия эритмалари ва 10 миллион флакон стерил антибиотик дори препаратлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

"RADIKS" илмий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан бугунги кунда 14 та фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича 100 дан ортиқ турдаги дори воситалари, шунингдек, турли фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича 33 турдаги импорт ўрнини босувчи янги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Улардан 70 тури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган "Асосий дори воситалари рўйхатига" киритилган.

Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги **"2011 йилгача бўлган даврда мўлжалланган, фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"**ги Қарорига асосан корхонага инъекцион ва инфузион эритмалар ҳамда стерил антибиотиклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида янги линиялар ўрнатилиб, 120 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда 2 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Корхона қошида 1,1 миллион АҚШ доллари қийматига эга ва йиллик қуввати 40 миллион дона шиша ампула ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар ўрнатиш, келажакда суюқ дори, таблетка, суртма ва линиментлар ишлаб чиқаришни тўлиқ модернизация қилиб, 2,5 миллион АҚШ доллари қийматига эга бўлган янги ва замонавий дастгоҳлар ўрнатиш ҳамда янги 4 қаватли ишлаб чиқариш корпусини қуриш мўлжалланган.

Мазкур лойиҳани тўлиқ амалга ошириш натижасида корхонанинг таблетка маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 баробарга, суюқ дори воситалари ҳажми 2 баробарга, суртма ва линиментлар 3 баробарга ортади, қўшимча 40 та янги иш ўрни яратилади.

"RADIKS" илмий ишлаб чиқариш корхонаси Президентимизнинг **"2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"**ги Қарорига киритилган бўлиб, ушбу Қарорга асосан корхонада кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни янги замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Гулсумхон ШОДИЕВА,**
**"Инсон ва қонун"**
**мухбири**

IPOTEKA BANK

# АТИБ "ИПОТЕКАБАНК" ЖАМОАСИ

*халқимизни Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан табриклайди! Яхши ниятлар изҳор этиладиган қутлуғ кунда юртдошларимизга омад ва бахт, тинчлик ва хотиржамлик тилайди. Озодлик байрамимиз ҳар бир хонадонга файзу барака, қувонч ва бахт олиб келишига тилакдошмиз. Юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида амалга оширилаётган барча ишларингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз!*








# Халқи соғлом юртнинг келажаги ҳам нурафшон бўлгай

### ёхуд бу борада Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида

1130,0 МИНГ аҳоли истиқомат қилаётган Жиззах вилоятида бугунги кунда 48 та шифохона, (1 та шаҳар ва 12 та туман тиббиёт бирлашмаси), 234 та амбулаторий-поликлиника муассасаси, жумладан, 174 та ҚВП, 8 та ҚУШ (қишлоқ участка шифохонаси), РШТЁИМ (Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази) Жиззах филиали ва унинг туманлардаги 11 та бўлими, РИАГИАМ (Республика Ихтисослаштирилган акушерлик гинекология илмий-амалий маркази) ҳамда республика Саломатлик ва тиббий статистика институти Жиззах филиали, шунингдек, 14 та ДСЭНМ аҳолига малакали хизмат кўрсатиб келмоқда.

294 та даволаш-профилактика муассасаси вилоят аҳолисига бирламчи тиббий санитария ва ихтисослаштирилган стационар ёрдамларини кўрсатмоқда. Вилоят тиббий муассасалари 63 та рентген, 15 та флюрограф, 34 та УТТ ва 19 та эндоскопия аппарати билан, шунингдек, 174 та ҚВП замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Хорижий кредитлар эвазига 2009-2011 йилларда вилоят тиббиёт муассасалари учун 4,9 миллиард сўмлик ва 18,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги тиббий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари етказиб берилди.

Бугунги кунда вилоятда 1949 нафар врач, 10455 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда. Ҳар 10000 аҳолига врачлар билан таъминланиш 17,1 га, ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланиш 92,2 га тўғри келмоқда. 2011 йилнинг биринчи ярмида 337 нафар врач ва 787 нафар ўрта тиббиёт ходими ўз малакаларини оширдилар.

Ҳозирда вилоятнинг 174 та қишлоқ врачлик пунктида 362 нафар врач фаолият кўрсатиб келмоқда, шундан 160 нафари умумий амалиёт врачларидир. Мазкур қишлоқ врачлик пунктларининг 88 таси янги қурилиш ва 86 таси мослаштирилган бинолар ҳисобига ташкил этилган.

2011 йилнинг ўтган даврида 22 та қишлоқ врачлик пункти қошида дорихона шохобчалари ташкил этилди.

Лаборатория хизматида мутахассисларининг малакаси оширилиши ҳисобига қўшимча турли моддалар, жумладан, уксус кислотасидан заҳарланганда қон зардобида эркин гемоглобин, ис газидан заҳарланганда карбоксигемоглобин миқдорини аниқлаш йўлга қўйилди.

РШТЁИМ Жиззах филиалига Ислом Тараққиёт Банки кредитлари ҳисобидан жами 660,0 миллион сўмлик компьютерли томограф аппарати, автоклавлар, жарроҳлик жамламалари, дерматом, стабилизаторлар, "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида қишлоқ врачлик пунктлари ва туғуруқ бўлимларига 3,1 миллиард сўмлик тиббий жиҳозлар ва ускуналар, жумладан, биоанализатор, автоклав, дистиллятор, бинокуляр микроскоп, ЭКГ аппаратлари келтирилиб, фойдаланилмоқда.

"Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида мавжуд 12 та туман кўп тармоқли марказий поликлиникалари ва 18 та қишлоқ врачлик пунктига жами 155,4 миллион сўмлик стоматология жамламаси, 20,6 миллион сўмлик тиббий аппаратлар (автоклав, стерилизатор, центрифуга), шу билан биргаликда 12,0 миллион сўмлик ўқув-методик қўлланмалар келтирилди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан РШТЁИМ Жиззах филиали тез тиббий ёрдам бўлими 2 та, Арнасой тумани тез тиббий ёрдам бўлими 1 та, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан Зомин ва Жиззах туманлари 1 тадан "Дамас" русумли тиббий-санитар автомашиналари билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги **"Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, қоғозбозлик ва расмиятчиликни бартараф этиш, ортиқча ҳужжатлар айланишини кескин қисқартириш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси электрон почта тизими вилоят ҳокимлиги портал тизимига уланди, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг корпоратив портал тизимига уланиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизими бўйича 4 та объектда умумий капитал қўйилмалар миқдори 5,3 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши режалаштирилган. Жумладан, 90 ўринли вилоят юқумли касалликлар шифохонаси янги биносининг қурилишида 1,4 миллиард сўмлик, вилоят силга қарши кураш диспансери хирургия бўлимининг янги биноси қурилишида 947,7 миллион сўмлик, Зомин тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг қўшимча 100 ўринга мўлжалланган биносида 273,5 миллион сўмлик, Зомин тумани ДСЭНМ янги биносида 687,1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги, 1 июлдаги **"2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорларининг бажарилиши юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 2011 йилнинг 6 ойи давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Жорий йилнинг 6 ойи давомида 302593 нафар туғиш ёшидаги аёллардан 286536 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 170035 (59.3%) нафарида турли хил экстрагенитал касалликлар аниқланди ва 95450 (56.1%) нафари соғломлаштирилди, 80108 (56.3 %) нафари соғломлаштирилмоқда.

140 ўринли вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ишга туширилди ва пульмонология, нефрология, гастроэнтерология, оториноларингология, травматология ва ортопедия, режали хирургия, неврология, неонатология, гематология бўлимлари очилиб, бугунги кунгача 2786 нафар болалар соғломлаштирилди.

Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги **"Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарори ижросини бажариш мақсадида вилоят "Она ва бола скрининг" марказида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. 2011 йилнинг 6 ойи давомида жами 1540 та ҳомиладор аёл ҳомиладорликнинг 14-20 ҳафталигида УТТ текширувидан ўтказилиб, улардан 54 нафарида ҳар хил оғир нуқсонли, патологик ҳолатлар аниқланди ва ҳомиладорлик ўз вақтида тўхтатилди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган "Фертил ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиклари"да туманларнинг ҚВПларида перинатал текширувлар ўтказилиб, мойиллиги бор ҳомиладорлар скрининг марказида қайтадан текширилиб, ўз вақтида чоралар белгиланмоқда.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 25 октябрдаги 304-сонли буйруғи асосида марказлаштирилган ҳолда сотиб олинган поливитаминлар комплекси қишлоқ туманларида, ҳомиладорлик аниқлангандан кейин туман кўп тармоқли поликлиникаси, қишлоқ врачлик пункти врачи томонидан ҳомиладорликнинг 12-ҳафтасигача ҳар бир аёлга 60 кун мобайнида қабул қилиш ҳисобидан келиб чиқиб берилмоқда.

Жойларда соҳа мутахассислари иштирокида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, маҳаллий телевидение, радио ва газеталар орқали ҳомиладор аёлларнинг репродуктив ва уларнинг бўлажак фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш учун поливитаминлар комплексини қабул қилишнинг муҳимлиги тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 11882 нафар янги туғилган чақалоқ 100 фоиз сил, полиомиелит, вирусли гепатитнинг "В" турига қарши эмланди.

Олиб борилган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг натижасида аҳоли ўртасида дифтерия, кўкйўтал, полиомиелит, қоқшол, тепки, ич-терлама ва паратиф касалликлари қайд этилмади.

Бир сўз билан айтганда, соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоасининг самарали меҳнатидан вилоят аҳолисининг мамнунлиги кишини қувонтиради. Уларнинг машаққатли ва савобли меҳнат фаолиятига сабр ва матонат тилаб қоламиз.

**Ёрбек ИСКАНДАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# “ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ” ШЎЪБА УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

буюк истиқбол йўлида ташаббус ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган юртимиз фидойиларини Истиқлолнинг 20 йиллик қутлуғ айёми билан чин дилдан табриклайди!
Элимизнинг орзу-умидлари доимо рўёбга чиқсин, комил фарзандларимиз мустақил Ватанимизнинг янада тараққий топишида муносиб ҳисса қўшаверсин.
Ҳар бир хонадон байрам шукуҳи билан тўлсин.
Истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин!
Гўзал юртимиз тинч, Истиқлолимиз абадий бўлсин, мамлакатимиз янада гуллаб-яшнайверсин!

*Сен тебратган бешигини Соҳибқирон,*
*Сенинг боланг юлдузларга қўйган нарвон.*
*Бир майизни қирққа бўлган бир тану жон –*
*Кунларингга қайтай десанг – халқ бўл элим.*






## Адлия тизими фаолияти: Хоразм вилояти

# Ижобий ўсиш тенденциялари

## ҳар бир соҳада кузатилмоқда

**ИСТИҚЛОЛ йилларида мамлакатимизнинг барча соҳаларида дунё ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётган ютуқларга эришилмоқда.**

ХУСУСАН, 2010 йилда Инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, қулай инвестиция муҳити шакллантирилиши ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида фуқароларни иш билан таъминлашни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Хоразм вилоятида ҳам иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланмоқда.

Масалан, ҳудудий корхоналар томонидан 4,1 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичи 182 фоизга бажарилди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 40,6 миллиард сўмни, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 12,7 миллиард сўмни ташкил этди. Иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши натижасида аҳоли реал даромадларининг 55,7 фоизга ортганини қайд этиш жоиз.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида ҳам ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ижобий ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Жумладан, 2009 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 10,2 фоизга етди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришдаги амалий ишлар натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши сезиларли даражада ўсди.

Вилоятда 2005-2010 йиллар давомида 140 та умумтаълим муассасаси, 56 та касб-ҳунар коллежи ҳамда академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Шунингдек, ҳар бир туманда энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳудудий Инвестиция дастури доирасида жами 14,3 миллион АҚШ доллари, шундан, 5,4 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар, 5,9 миллион АҚШ доллари корхоналарнинг ўз маблағлари ва 3 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳаллий кредитлар ўзлаштирилди.

Жумладан, Хонқа туманидаги “Жиласун Тошкент” хорижий корхонасига Германия ва Италияда ишлаб чиқарилган умумий қиймати 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилиниб, йилига 3 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил қилинди ҳамда 100 га яқин иш ўрни яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3,4 миллиард сўмни, иқтисод қилинган валюта миқдори эса 2,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Дастурга киритилган корхоналар томонидан ички бозорга 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ аҳоли бандлиги ва даромадининг барқарор манбаи бўлган тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, катта имтиёз ва преференциялар бериб келинмоқда. Биргина мисол, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 2005 йилда 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 7 фоизни, тасдиқланган бюджет параметрларига асосан жорий йилдан бошлаб эса 6 фоизни ташкил этади.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот улушини 72 фоизга етказиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида жами 14 мингга яқин янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Вилоятнинг барча ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада камайтириш, уларга кредитлар, хомашё ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш, уларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий механизмларни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

**Амангалди АЛЛАЯРОВ,**
**Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

# Инсон қадри

## қонунларимиз орқали ҳимоя қилинади

ИНСОНИЯТ тараққиётининг ҳозирги босқичида инсон ҳуқуқлари масаласи демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, мамлакат ривожланишининг асосий омилига айланди. Президентимиз ўзининг **“Юксак маънавият — енгилмас куч”** номли асарида таъкидлаганидек, **“Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик”.**

Инсон ҳар доим ўз ҳаётини яхшилаш ва келажак авлод учун пухта замин ҳозирлаш мақсади билан яшайди. Бу мақсад барча инсонларга хос ижобий хислат. Шу мақсадда қилинган халқаро ҳаракатлардан бири бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилинганлиги бўлди. Ундаги принциплар эса инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳар бир давлат учун дастуриламалдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг энг муҳим нормаларидан бири айбсизлик презумпциясидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар билан таъминлангани ҳолда очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир ва ҳеч ким содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас, дейилган. Мазкур норма Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. Конституциянинг 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонлика, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги баён қилинган. Бу каби нормалар Асосий қонунимизнинг қатор моддаларида ўз аксини топган бўлиб, аввало, давлатимизнинг Бош қомуси нечоғли инсонпарвар ва демократик эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотларнинг барчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқлари ва демократизмни таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, давлат бошқарувида парламентда Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та депутатлик ўрнининг ажратилиши, суд-ҳуқуқ тизимида қамоққа олишга санкция беришни судларга ўтказилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши ва адвокатура тизимининг ислоҳ этилиши сўзимизнинг яққол мисолидир.

Фаолиятимиз билан боғлиқ ишлар борасида фикр юритадиган бўлсак, **“Нотариат тўғрисида”**ги Қонуннинг 18-моддасида нотариус жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши кўрсатилган.

**Ҳалима МАДРАҲИМОВА,**
**Урганч тумани 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси**


# “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”НИНГ САМАРҚАНД МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*соғинч-ла кутилаётган айём — МУСТАҚИЛЛИК шодиёнасининг 20 йиллиги билан юртимиз аҳлини табриклайди!*
*Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамда дастурхонингиз тўкинлигини тилайди.*
*Тараққиёт юксакликларига эришиш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатингиз самарасини кўриш барчамизга насиб этсин.*
*Банкимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаси, шунингдек, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Бу каби тадбирлар республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдек энг долзарб масалаларнинг ижобий ҳал этилишига ҳисса бўлиб қўшилаётганидан хурсандмиз.*



# “JAHON” КРЕДИТ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва мижозларни, барча ҳамкасбларни юртимиз Мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан сидқидилдан қутлайди!

Қутлуғ байрам ҳар бир хонадонга файз-барака, омад ва қувонч ато этсин. Гўзал юртимизнинг осмони доимо мусаффо бўлсин.

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!





# Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

## Мақсад: ишончли, сифатли хизмат

**БАНК ТИЗИМИ мустақиллик йилларида ишончли молиявий ҳамкор эканлигини амалда намоён этди. Бугунги кунда мазкур тизим ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш борасида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.**

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капиталини шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш лозим, деб эътироф этди.

“Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилояти филиали жамоаси кичик бизнес вакилларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда ишлаб чиқариш мақсадлари учун маблағлар ажратишга жиддий эътибор қаратмоқда. Юртбошимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги **“2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”**ги Қарори банк жамоаси учун дастуриламал бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган, бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим роль ўйнайди. Шуни инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг муҳим ишлаб чиқариш соҳаларига самарали равишда йўналтириб, банк бу маблағларни омонатчиларнинг, мижозларнинг ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида алоҳида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. “Тадбиркорлар хонаси”да банкнинг юқори малакали мутахассислари кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга, уларни қизиқтирган барча масалалар юзасидан тўлақонли тушунтиришлар бериб, мижозларнинг барча саволлари ва муаммоларини қисқа муддатда ҳал қилмоқдалар.

“Тадбиркорлар хонаси” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фойдаланишлари учун барча зарурий техник воситалар, кўргазмали стендлар ва меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган. Шу билан биргаликда филиалдаги барча минибанкларда ҳам “Тадбиркорлар бурчаги” ташкил этилган бўлиб, мунтазам равишда тадбиркорлар фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан бойитиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятнинг барча аҳолиси ва кичик бизнес субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида филиал таркибида 7 та минибанк, 1 та махсус касса фаолият кўрсатмоқда. Банк филиали юқорида қайд этилган минибанк, махсус жамғарма кассалар ва коммунал тўлов кассалари орқали мижозларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Жорий йил 1 июнь ҳолатида филиал активлари миқдори 70,0 миллиард сўмни ташкил этди. Активлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,9 миллиард сўмга ёки 118,6 фоизга ўсди.

Филиал кредит портфели 45,1 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан узоқ муддатга берилган кредитлар 39,8 миллиард сўмни ёки кредит портфелининг 88,3 фоизини ташкил этди.

2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга миллий валютада жами 5,6 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва бунинг натижасида 46 нафар янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, банк томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **“Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарорига асосан 366,2 миллион сўм, 2009 йил 28 январдаги **“Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарорига асосан 868,5 миллион сўм, 2004 йил 25 майдаги **“Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонига асосан 563,2 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 6 апрелдаги **“Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорида тижорат банклари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди. Президентимизнинг ушбу Қарори ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жорий йил давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

филиал ресурс базасини ошириш, жалб этилган пул маблағларини асосан иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ва янги технологияларни сотиб олишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга сафарбар қилиш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги **“Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонига асосан банклардаги омонатларга қўйилган аҳолининг бўш пул маблағлари ва олинадиган даромадлари барча турдаги солиқлардан озод этилганлиги, маблағларни чекловларсиз тасарруф этиш ҳуқуқининг берилиши каби қулай имконият ва имтиёзларнинг яратилгани аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш баробарида филиал томонидан ҳозирги кунда 90 та миллий ва хорижий валютадаги омонат турлари тақдим этилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилишини янада рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида миллий ва хорижий валютадаги 6 та янги омонат тури жорий этилди. Сақлаш муддати турлича ва фоиз даромадлари юқори бўлган омонатлар сирасига “Туҳфа”, “Барқарор-1”, “Баҳорги-1”, “Сармоя”, “Тадбиркор”, “Даромадли-1”, “Самарали”, “Ёшларга”, “Талабалар учун”, “Файзли-1”, “Эҳтиром” каби омонатларни киритиш мумкин. Мазкур омонатлар ўзининг қулай шартларига эгалиги билан кўплаб мижозлар қизиқишини уйғотмоқда.

Миллий ва хорижий валюталардаги омонатлар ҳамда пластик карточкалар эгалари сонининг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги банк хизматлари бозорида банкнинг тўғри маркетинг сиёсатини олиб бораётганлигидан далолат беради.

Миллий ва хорижий валютадаги аҳоли омонатлари қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,8 миллиард сўмга ўсиб, жорий йил 1 июнь ҳолатига 14,6 миллиард сўмни ташкил этди. Жамғармалар қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 168,2 фоизга ўсди.

Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириб бориш мақсадида ҳозирги вақтда филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан, пластик карточка ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига савдо терминалларини ўрнатишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда филиал томонидан жами 28788 дона сўм пластик карточка муомалага чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 11902 донага ёки 216,5 фоизга оширилиши таъминланди.

Пластик карточка орқали ўтказилган транзакциялар миқдори 17,6 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса аҳолининг банк пластик карточкаларига бўлган ишончи янада ортаётганлигидан далолат бермоқда.

Филиал сўм пластик карточка муомалага чиқаришни бошлагандан буён корхона ва ташкилотлар билан иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича самарали ишлар олиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб банк томонидан жами 345 дан ортиқ иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 16,5 мингдан зиёд ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўп хизмат сафарларига чиқадиган тадбиркорлар, фирма ва корхоналар раҳбарларига банк хизматларидан фойдаланишда янада қулайликлар яратиш мақсадида банк томонидан корпоратив пластик карточка жорий этилган бўлиб, ушбу хизматдан 77 нафар банк мижози фойдаланмоқда.

Филиал томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган мижозлар учун 292 та ҳисоб-китоб терминали ўрнатилди. Мижозларга берилган бундай савдо терминалларининг қулайлик тарафи шуки, фаолият жойидан узоқлашмаган ҳолда телефон тармоғи орқали инкассация, яъни савдо қилинган маблағларни банкдаги ҳисоб варағига тўғридан-тўғри тушириш мумкин. Бу эса мижозларга вақтни тежаш имконини яратмоқда.

Банк мижозларига янада қулайлик яратиш мақсадида филиал томонидан инфокиоск ва банкомат ўрнатилди. Инфокиоскда аҳоли ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга юклаб, пластик карточка орқали коммунал хизматлар учун тўловларни банк ходими иштирокисиз ва ҳеч қандай қоғозбозликларсиз амалга оширмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифат даражасини янада оширишда филиалга қарашли бўлган барча минибанк, жамғарма ва махсус кассаларга ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилган. Ушбу минибанклар аҳоли гавжум жойларда жойлашган бўлиб, пластик карточкалар орқали барча турдаги тўловларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш шохобчаларида пластик карточкалар орқали ҳозирги кунда автосаноат тизимига кирувчи йирик корхоналарга иш ҳақи лойиҳалари асосида ишчи-ходимлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар амалга оширилмоқда. Ишчи-ходимларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу корхоналарга банк томонидан ҳисоб рақамларидаги маблағларни пластик карточкаларга ўтказиш учун терминаллар ўрнатилган бўлиб, кенг қамровда ишлатилиб келинмоқда.

Банк тизими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади аҳолига сифатли молиявий хизматлар кўрсатишдан иборат. Мамлакатимизда банклар фаолиятининг ривожланиши иқтисодий тараққиётни таъминлаши шубҳасиз. Филиал жамоаси “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида “Банклар тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи” шиори асосида фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз фаолиятларини янада такомиллаштириб, тадбиркорларнинг, барча мижозларнинг молиявий мададкорига айланишига ишончимиз комил.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**




**ФУРҚАТ ТУМАНИДАГИ "ШАБОДА-Н" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ**

Ўзининг нурафшон келажаги учун дадил одимлаётган халқимизни, унинг заҳматкаш бободеҳқонларини бетакрор Ўзбекистонимиз Истиқлолининг 20 йиллик байрами билан қизғин табриклайди!
Бугунги байрам яна катта-катта шодиёналарга, тўю-томошаларга уланаверсин.
Энг олий неъматимиз бўлмиш тинчлик-осойишталигимизга кўз тегмасин!

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами барчамизга муборак бўлсин! Юртимиз жамолига кўз тегмасин. Барчамизнинг хонадонимиздан тинчлик, дастурхонларимиздан кут-барака аримасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**"ҚАМАШИ ХБК" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**





**АНДИЖОНДАГИ "ЖАҲОН БУЮМ БОЗОРИ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

*диллараа шукуҳ тулдираётган Истиқлол тантанаси – Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади!*
*Халқимизнинг эзгу орзулари ушалаверсин. Бахтиёр авлодларимизнинг истиқболи порлоқ, озод Ватанимиз мангу обод бўлсин.*





**БЕШАРИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

*барча ҳамюртларимизни, мамлакатимиз таълим тизимида меҳнат қилаётган қалби қайноқ ва меҳри дарё устоз-мураббийларни Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан табриклайди!*
*Баркамол авлодни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишингизда улкан муваффақиятлар тилайди!*





# "МУБОРАК НЕФТГАЗ"
## УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ





Азиз юртдошлар!
Корхонамиз мамлакатимизда ўз салоҳиятига эга бўлган улкан жамоа ҳисобланади. Юзлаб ўз касбининг усталари ибрати боис жамоамиз катта ғалабаларни қўлга киритмоқда. Бу ютуқларимиз Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамига тухфадир.
Барчангизга Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи муборак бўлсин! Бахт ва севинч оилаларингизни тарк этмасин.
Ватанимиз равнақи йўлидаги ишларингизга омад ёр бўлсин. Осойишталик доимий ҳамроҳингиз бўлсин!


# "Трастбанк"нинг шиори: "Ишонч билан юзма-юз"

**"ТРАСТБАНК" хусусий очиқ акциядорлик биржа банки Президентимиз Фармойиши билан 1994 йилда ташкил топди. У ўз мижозлари орасида танилиб, банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиш кўламини тобора кенгайтириб, молия-банк тизимидан ўзига хос ўрин олиб, иқтисодий салоҳиятимизга муносиб ҳисса қўшиб келаётганига ўн етти йил тўлди.**

ИҚТИСОДИЁТНИ мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни изчил рўёбга чиқариш туфайли "Трастбанк" барча йўналишларда ўсишга эришди. 1997 йилга келиб банкнинг илк — "Тошкент" филиали, 1999 йилда эса иккинчи — "Пойтахт" филиали иш бошлади. Ундан олдин, яъни 1998 йилда "Трастбанк" ислоҳот ғоялари учун Франциянинг Саноатга кўмаклашиш уюшмасининг "Олтин нишон"ига лойиқ топилганди. 2002 йили банкнинг "Western Union" тизими бўйича пул ўтказмаларини амалга оширишдаги иштироки таъминланди. 2004 йилдан бошлаб эса банкнинг сўм пластик карточкалари муомалага чиқарилди. 2005 йилдан "Трастбанк" "Swift" тизимига уланди ва орадан бир йил ўтиб МДҲдаги энг йирик 1000 та банк рўйхатига кирди.

2008 йилда банк VISA тўловлар тизимига аъзо бўлди. Шунингдек, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш мақсадида ҳамда мижозларга кулайликни кўзлаб, муассасамизда халқаро пул ўтказмаларининг "Фастер" ва "Золотая корона" тизимлари жорий қилинди. 2009 йилдан буён банк "Reuters" халқаро дилинг тизимида фаолият юритиб келмоқда. 2011 йилдан бошлаб "Тезкор почта" тизими бўйича пул ўтказмаларини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Бугунга келиб "Трастбанк"ни универсал молия институти деб аташ мумкин. Муассаса томонидан ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга кенг турдаги банк хизматлари таклиф этилмоқда. Эндиликда банкимиз 70 дан ортиқ давлат ташкилоти, 30 га яқин йирик миллий корпорациялар, чет эл сармояси иштирокидаги 50 га яқин корхонага, 4900 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатмоқда.

"Трастбанк" жамоаси бозор ривожланишининг энг муҳим йўналишларини инобатга олиб ҳамда мижозларнинг талаб ва таклифларини қўллаб-қувватлаб, ўз фаолияти кўламини изчил кенгайтириб бормоқда. Ҳозирда унинг тузилмасида 6 та филиал мавжуд: "Пойтахт", "Тошкент" ва "Амалиёт" бошқармаси — пойтахтимизда жойлашган. Қолган филиаллар Термиз, Наманган ва Андижон шаҳарларида ташкил этилган. Ўн олтитами банкимиз ва 16 та пул ўтказиш шохобчамиз фаолият кўрсатмоқда. Бу таркибий тузилмаларимизда ҳам банк хизматларининг тўлиқ мажмуаси мавжуд.

Ҳозирги даврда банкимизнинг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг ривожланишига шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу орқали республикамиз иқтисодиётида ўз муносиб ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир.

"Трастбанк" хусусий очиқ акциядорлик биржа банки ва унинг вилоятлардаги филиаллари биноларининг кириш жойларига **"Ишонч билан юзма-юз"** деб ёзилган шиорга кўзингиз тушади. Бу бежиз эмас. Чунки, "Трастбанк" мижозлар билан муносабатларини ўзаро ҳурмат пойдеворига қурди ва бу тамойилларни йиллар давомида фаолияти замирига сингдириб келди. "Ишонч билан юзма-юз" бўлиш фазилати "Трастбанк" жамоаси учун мустаҳкам шиорга айланиб қолаверади.

**Банк Ахборот хизмати**

# “МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ” УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*саховатли ва бағрикенг халкимизни*
*Мустакилликнинг 20 йиллик кутлуғ тўйи*
*билан чин калбдан табриклайди!*
*Жамоамиз барча юртдошларимизга дил*
*нурафшонлиги, кўнгил осойишталиги, оила*
*бахтиёрлигини тилаб колади.*
*Корхонамиз республикамиздаги энг*
*нуфузли корхоналар сирасига киради.*
*Мамлакатимизнинг иктисодий*
*салохиятини кўтаришга ўз муносиб*
*хиссасини*
*кўшаётгани билан фахрланади.*
*Саховатлилик ва бағрикенглик*
*калбларингизга доимо хамрох бўлсин.*
*Бахтли*
*кунларингиз муборак бўлсин!*
*Сизларга мустакиллигимизни*
*мустахкамлашдаги фидойилик билан*
*килаётган мехнатларингизда*
*ғалабалар ёр бўлсин!*



# Банкнинг обрўси

## мижозлар ҳурмати билан баҳоланади

**МАМЛАКАТИМИЗ банклар фаолиятини қайта қуриш ва такомиллаштиришни ўз мустақиллигининг илк палласидаёқ молиявий жабҳадаги стратегик вазифа қилиб белгилади. Бунинг шарофатидан юртимизда капиталлашув даражаси юқори ва ишончли бўлган замонавий банк тизими вужудга келди. Эндиликда жаҳон молия доиралари томонидан юқори баҳо олаётган диёримиз банклари сони тобора ортаяпти. Ана шундай юқори рейтингли банклар орасида республика “Халқ банки” ва унинг жойлардаги филиал ҳамда шохобчалари ҳам бор.**

“ХАЛҚ БАНКИ” маблағлари аҳоли барча қатламлари, турли мақомдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг пул қўйилмалари эвазига шаклланади. Мамлакатимиз Президентининг банклар фаолиятига оид Фармон ҳамда қарорлари, ҳукуматимиз кўрсатмалари нафақат тизим тараққиёти, балки халқимиз фаровонлигига қаратилган катта мақсадларни ҳам кўзда тутади.

Бевосита банкимизга келсак, унинг вилоят филиалида асосий эътибор мижозлар учун тобора кўп қулайликлар яратиш, хизмат турларини кўпайтириш, бозор коньюнктурасини мунтазам ўрганишга қаратилаяпти. Банк муассасасининг молиявий барқарорлигини янада ошириш, унинг капиталлашув даражасини ўстириш, инвестициявий фаолиятини кучайтириш ҳамда ички манбалар ҳисобидан иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш юзасидан муҳим стратегик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган кредитлар ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишлар самараси янада юқори бўлаяпти. Биргина жорий йилнинг ўзида қатор янги омонат турлари жорий этилди. Бунинг натижасида депозит маблағлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 фоизга кўпайиб, жами 20 миллиард сўмдан ортди. Бу банкнинг халқчиллиги ва аҳоли ўртасида юксак ишончга сазовор эканлигидан нишона.

Ҳозир вилоятда банкнинг 150 га яқин шохобчаси фаолият кўрсатяпти. Аҳолининг банк хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш — мазкур муассасалар олдидаги энг муҳим ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. 2011 йил 1 июль ҳолатига келиб, банкимиз мижозлари сони 530 минг кишига етди. Бундан ташқари, 4 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар ҳам бизнинг мижозлардир.

Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги **Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони мижозлар манфаатдорлигига асосланган банк хизматларини амалга оширишда туб бурилишлар даврини бошлаб берди ва унинг талабларини бажариш банк соҳаси ходимларининг устувор вазифасига айланди.

Президентимизнинг мазкур Фармонига мувофиқ филиалимизда мижозлар учун қулай ва фойдали депозит ҳисоб рақамлари жорий этилди. Ғазнамизга, шунингдек, сақлаб бериш учун ўзимизнинг миллий пулимиз билан бир қаторда хорижий валюталар, чунончи, АҚШ доллари, евро каби пул бирликларини ҳам чекланмаган миқдорда жойлаштириш мумкин.

Юқоридаги Фармоннинг талабларига қатъий риоя этилаётгани боис ўтган қисқа муддат ичида банкимиз мижозлари сони яна 8 мингга ортди, омонатлар миқдори эса 20,9 миллиард сўмга етди. Банкимиз пластик карточкаларидан фойдаланувчи мижозлар сони 58,5 мингга етди. Хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва умумий овқатланиш масканларида пулсиз ҳисоб-китобга асосланган 645 та янги терминаллар ишга туширилди.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида муассасамизда кредит қўйилмалари ҳажми 1,3 бараварга ортди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун жами 10,2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бунинг 1,9 миллиард сўми саноатни, 1,2 миллиард сўми қурилиш-бунёдкорлик, 1,6 миллиард сўми аграр соҳа, 3,9 миллиард сўми савдо, хизмат кўрсатиш, таъминот тизимлари, 2,4 миллиард сўми бошқа қатор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилади. Ажратилган ушбу маблағлар эвазига 548 та янги иш ўринлари яратилди. Урганч туманидаги “Умида-Малика чорвадори” масъулияти чекланган жамияти учун ажратилган 150 миллион, “Асл парранда” масъулияти чекланган жамиятига берилган 400 миллион сўмлик кредит маблағлари яхши самара берди. Тадбиркорлик одимлари тезлашди. Ҳар иккала тадбиркорлик субъектида 33 та янги иш ўрни очишга қаратилган асосий режа муваффақиятли бажарилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламларини оширишга йўналтирилган 3,5 миллиард сўмлик кредит маблағлари ҳам эндиликда соҳа равнақига хизмат қилаяпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Тикувчилик, каштачилик, гиламдўзлик, қандолатчилик, умумий овқатланиш сингари соҳалар муҳтарама опа-сингилларимиз меҳнати билан янада барқарордир. Биргина ушбу мақсад учун банкимиз томонидан йилнинг ўтган даври мобайнида 1 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилгани фикримиз далили ҳисобланади.

Мазкур масала юзасидан 2007 йил 18 майда Президентимизнинг **“Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони эълон қилингани барчага аён. Мазкур Фармоннинг ижроси доимо долзарб экани, уни бажариш учун фақатгина шу йилнинг ўзида 2,4 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилгани, унинг 1,1 миллиард сўми ипотека, яна шунча маблағ истеъмол, 0,2 миллиард сўми микрокредит ресурсларидан иборат бўлганлигини алоҳида эслатиш зарур.

Эътиборли жиҳати шуки, истиқлолимизнинг 20 йиллиги нишонланаётган ушбу муборак йилнинг иккинчи ярми янада ижобий натижаларга бой ҳолда ўтаяпти. Йил охиригача умумий миқдори 3,6 миллиард сўмлик яна 19 та бизнес-лойиҳани кредитлаш тадбирлари амалга оширилади. Бевосита моддий бойлик яратувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун 20,4 миллиард сўмлик молиявий маблағлар ажратилади.

Банклари намунали фаолият кўрсатган юртнинг толеи баланд, эртаси порлоқ бўлади.

**Отабек ОБДАЛНИЁЗОВ,**
**“Халқ банки”нинг Хоразм вилояти филиали бошлиғи**








# “ЎЗБЕКИНВЕСТ” ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

**МАЪЛУМКИ, истиқлол йилларда барча соҳалар қатори суғурта соҳасида ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада зарур ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги, яъни 2008 йил 21 апрелда «Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш тўгрисида»ги, 2009 йил 16 апрелда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши, суғурта ташкилотлари ва суғурта хизматлари истеъмолчилари учун солиқ имтиёзларининг берилиши соҳа ривожи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.**

ШУНИ АЛОҲИДА таъкидлаш лозимки, миллий экспорт қилувчиларнинг иқтисодий манфаатларини чет элларда хорижий ҳамкорлар томонидан қабул қилинган контракт мажбуриятларининг бажарилишига тўсқинлик қилувчи сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик таваккалчиликларидан суғуртавий ҳимояси билан таъминлаш, технологиялар, товарлар ва хизматлар экспортини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар ажратувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган тижорат банкларига экспорт кредитларини суғурта қилишнинг халқаро принципларига мувофиқ суғурта кафолатлари бериш, технологиялар, товарлар ва хизматлар халқаро бозорини ривожлантиришнинг аҳволи ва истиқболларини комплекс маркетинг таҳлилини ташкил қилиш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда технологиялар, товарлар ва хизматларнинг халқаро бозорларга кириб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банки таъсисчилигида ташкил этилган “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси 1997 йилда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. Албатта, ўтган тарихан қисқа муддат мобайнида компания ташқи ва ички бозорларда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Айни пайтда компания Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда жойлашган 14 та филиал ҳамда 80 та суғурта бўлимига эга бўлиб, кўп тармоқли тизимни ўзида мужассам этган. Шу билан бирга юридик ва жисмоний шахслардан иборат 600 дан зиёд суғурта агенти ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Компания 1996 йилдан буён Экспорт кредитлари ва инвестициялар суғурталовчилари халқаро иттифоқининг (Берн иттифоқи) Прага клуби аъзоси ҳисобланади. Унинг доирасида “Ўзбекинвест” 20 дан ортиқ хорижий давлатларнинг давлат экспорт-кредит агентликлари, яъни COFACE (Франция), NEXI (Япония), Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш Ислом корпорацияси (ICIEC), African Trade Insurance Agency (ATI), KSure (Корея), MEHIB (Венгрия), KUKE (Польша), BAEZ (Болгария), ECGA O (Оман), EGFI (Эрон), ECGE E (Миср), EGAP (Чехия), SID (Словения), NAIFE (Судан), Export Credit and Insurance Agency of the Republic of Serbia (Сербия), MBDP (Македония), Казэкспортгарант (Қозоғистон), Белэксимгарант (Беларусь), Таиланд, Руминия, Ҳиндистон, Словакия давлатлари Эксимбанклари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳозир “Ўзбекинвест” хорижий инвесторларга сиёсий қалтисликлардан суғурта ҳимоясини тақдим этиш орқали Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Лондон шаҳрида ташкил этилган “Ўзбекинвест Интернэшнл” суғурта компанияси, “ҳаётни суғурталаш” соҳасининг тўртта ва “умумий суғурта” соҳасининг иккита класси доирасида ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш ва жамғарма турлари ҳамда шахсий суғурта бўйича хизматлар кўрсатувчи “O'zbekinvest Hayot” суғурта компанияси, молия соҳасида, шу жумладан, фонд бозорида фаолият юритиб, брокерлик, дилерлик ва андеррайтерлик хизматларини кўрсатувчи “Ўзбекинвест Сармоялари” инвестиция компанияси, миллий экспортчиларга халқаро бозорларда технология, товарлар ва хизматларни тақдим этишда кўмаклашувчи “Ўзбекинвест Эксиминформ” маркетинг агентликларининг таъсисчиси ҳисобланади.



Бугунги кунда “Ўзбекинвест” 70 дан ортиқ суғурта турларини тақдим этиб, уларнинг сони тобора ортишини таъминламоқда. Айниқса, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида мамлакатимиз аҳолиси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, банклар ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларга тақдим этиш учун суғуртанинг истеъмол кредитлари, микрокредитлар бериш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш, умумий овқатланиш корхоналарининг фаолиятини комплекс суғурталаш, риэлторларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш, стоматологик харажатларни суғурталаш сингари янги турларини ишлаб чиқди. Албатта, суғурта ташкилотига мурожаат этаётган ҳар бир мижозни, аввало, суғурта ташкилотининг молиявий ишончлилиги, суғурта даъволарининг тез ва сифатли кўриб чиқилиши, суғурта қопламасининг ҳажми ва суғурта учун тўланадиган пул (суғурта мукофоти) миқдори қизиқтиради. Суғурта даъволарини кўриб чиқиш сифати ва тезкорлигини ошириш мақсадида эса тиббий, техник, юридик ва шахсий ассистанс хизматларини кўрсатишга ихтисослашган “Ўзбекинвест Ассистанс” сервис агентлиги ташкил этилган бўлиб, агентлик қошида компания мижозларига малакали узлуксиз ёрдам кўрсатувчи “колл-центр” хизмат кўрсатмоқда. Энг муҳими, компанияда ҳар бир мижознинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда суғурта шартномаларини кўриб чиқиш тартиби жорий этилган.

“Ўзбекинвест”нинг молиявий барқарорлиги “Moody's Investors Service Ltd” халқаро рейтинг агентлиги томонидан берилган “Барқарор” прогнозли B1 суғурталовчининг молиявий барқарорлиги халқаро рейтинги ҳамда “SAIPRO Ахборот-рейтинг агентлиги” томонидан берилган “Ажойиб молиявий ишончлилик “UzA++” рейтинги (миллий шкала бўйича энг юқори рейтинг) билан тасдиқланган.

Бундан ташқари, “Ўзбекинвест” республикада биринчилардан бўлиб, сифатни бошқариш тизими халқаро стандартнинг янги ISO 9001:2008 мувофиқлик сертификатини олди ва “Мижозларининг манфаатини кўзловчи компания” деган номга лойиқлигини тасдиқлади. Буни компанияга Lukoil Uzbekistan Operating Company, Aral Sea Operating Company, GM Uzbekistan, Бухорогипс, Maxam Chirchiq, Amantaytau Goldfields, Nestle Uzbekistan, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак нефтни қайта ишлаш заводи, Baypak Textil, Baytex Ticaret, Daewoo Textile Bukhara, Daewoo Textile Fergana, Mimatas Tekstil, HAIN TEX, Shindong Spinning Termez, Chinoz Textile, Ўзкабель, Сингапур Самарқанд, Horazm Gilamlari, Royal Bank of Scotland NB Uzbekistan, UzKDB, Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, Кореянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, Польша элчихонасининг Савдо ва инвестицияларга кўмаклашиш бўлими, Dedeman Silk Road меҳмонхонаси каби мамлакатимиздаги энг йирик корхона ва ташкилотлар ишонч билдирганларидан ҳам кўриш мумкин.

Республика суғурта бозорида етакчи бўлиш мақсадида компаниянинг келажак режаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, банк-молия институтлари, шу жумладан, тижорат банклари, лизинг компаниялари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларига ҳамда аҳолига суғурта хизматларини кўрсатиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, янги суғурта маҳсулотларини тақдим этиш, компаниянинг ҳудудий бўлимлари тармоғини кенгайтириш вазифалари ўрин олган.

Албатта, биз мижозларимиз, таъсисчиларимиз ва ҳамкорларимизга компанияга билдирган ишончлари ва кўп йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорликлари учун миннатдорчилик билдирамиз ҳамда келгусида компания жаҳоннинг йирик молиявий институтларидан бирига айланишига умид қиламиз.

**Компания Матбуот хизмати**

ЎЗБЕКИНВЕСТ
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ



70 дан ортиқ суғурта хизматлари
ЎЗ КЕЛАЖАГИНГНИ АСРА! ☎ 233-11-55 ISO 9001:2008 хизматлар лицензияланган



## Адлия тизими фаолияти: Жиззах вилояти

# Қонун устуворлиги — бош мақсадимиз

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси, нотариал идоралар ва ФҲДЁ ходимлари томонидан 2011 йилнинг 1-ярмида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ҳамда адлия идоралари олдига қўйилган бошқа қатор вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш, Адлия вазирлигининг Ҳайъат қарорларида белгиланган топшириқлар ижросини бажариш юзасидан олиб борилган фаолиятида бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги 6 та қарор лойиҳаси экспертизадан ўтказилди, ноқонуний қабул қилинган 5 та қарорни бекор қилиш бўйича тақдимномалар киритилди.**

СУДЛАРГА фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб ҳамда шартномавий муносабатларга оид жами 5,4 миллиард сўмлик 763 та даъво аризаси киритилиб, шундан 3,7 миллиард сўмлик 512 та даъво аризаси қаноатлантирилди. 17,7 миллион сўмлик 6 та даъво аризаси иш юритишдан тугатилди. Ҳозирда 1,4 миллиард сўмлик 267 та даъво аризаси судда кўрилиш арафасида турибди.

Бошқарма томонидан ҳокимликлар назорат қилувчи органлар, тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи, таъминотчи, шунингдек, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларда инсон ҳуқуқлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар, тадбиркорликни ривожлантириш, шартномавий муносабатларга оид ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказиб келинмоқда.

Бошқарма ходимлари, давлат нотариал идоралари нотариуслари, ФҲДЁ бўлими мудирлари томонидан Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги **“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”**ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги **“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорларига асосан Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, янги қабул қилинаётган қонунлар ва Ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти юзасидан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, деҳқон ва фермер хўжаликлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, ўқув ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2011 йилнинг 1-ярмида 1641 маротаба оғзаки ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Тарғиботлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95 тага, яъни оммавий ахборот воситалари орқали қилинган тарғиботлар 37 тага, оғзаки тарғиботлар эса 58 тага кўпайди. Бу эса қонун устуворлиги таъминланган жамият қуриш йўлида амалга оширилган ишлар залворини оширади.

Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жойда тараққиёт қадамлари илдам бўлаверади.

**Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

# Фуқароларнинг қонуний манфаатлари

### ҳимояси адвокатлар зиммасидаги масъулиятли вазифа

Бугунги кунда адвокатлик тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланиб, адвокатлик касбини эгаллашнинг муайян талаблари кучайтирилди. Энг асосийси, адолат устуворлигини таъминлаш, ҳимоя ҳуқуқини мустаҳкамлаш, адвокатуранинг суд-ҳуқуқ тизимидаги мавқеини ошириш борасида салмоқли қадам ташланди.

Бу каби ютуқларни ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларнинг муҳим йўналиши — суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ишларда ҳам кўришимиз мумкин.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш баробарида фуқароларнинг тергов ва суд жараёнларида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг эркин фаолиятини кучайтириш ва шу йўл билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадини ўз ичига олган.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар дунё ҳамжамияти олдида ҳуқуқий давлат сифатида мамлакатимиз обрўси янада ошишига олиб келди.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд тизимининг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш борасида амалга оширилган салмоқли қадамлардан бири ҳисобланади.

Қамоққа олиш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан ҳеч ким суд қарорисиз муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинмаслиги ва жазога тортилмаслиги принципи янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг **“Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуни адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш йўлида, адвокатларнинг ваколатларини ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш сари янги қадам десак, адашмаган бўламиз.

Қонун адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтирди ва шу орқали адвокатурани ҳалол, тоза ва юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминловчи самарали тизимни яратишга замин ҳозирлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналиши деб белгиланган мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида, айниқса, суд-ҳуқуқ идораларида қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда адвокатларга катта ва улкан масъулият юклайди.

**Дилмурод ЭГАМОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

“КОГОН-ЁҒ ЭКСТРАКЦИЯ”
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
барча юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг навқирон йигирма йиллиги байрами билан қутлайди!
Юртимиз тинч, обод бўлиб, гуллаб-яшнайверсин.
Истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин!



БУХОРО ШАҲРИДАГИ “AVTO PETROL SERVIS” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
бунёдкор элимизни энг улуғ, энг азиз айёмимиз – Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб, чин дилдан табриклайди!
Меҳри дарё халқимизнинг орзулари рўёбини кўриш барчамизга насиб этсин!



# Фуқаро исмини ўзгартириши мумкинми?

## Мумкин. Қонунларимизда бунга имконият бор

БУГУНГИ КУНДА барча соҳада замонавийлашиб кетдик. Исм қўйишда ҳам интернет ва чет эл фильмларидан андаза олиш жуда авж олиб кетди. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларига янги туғилган чақалоққа маъносини ҳатто ўзлари ҳам тушунмайдиган, айтишга тиллари тўғри айланмайдиган ғаройиб исмларни қўйиш истаги билан туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёзиб беришимизни сўраб келишади. Уларга исми жисмига, миллатимизга монанд бўлса яхшироқ бўлишини, шунда эртага уни ўзгартиришга ҳожат қолмаслигини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Аммо бу борадаги тушунтиришлардан ҳар доим ҳамма ота-оналар тўғри хулоса чиқаравермайдилар.

Тўғри, фарзандига исм танлаш ҳар кимнинг ихтиёри. Фамилия, исм ва отасининг исмини ўзгартиришни истаган фуқаро Оила кодексининг 226-моддасига асосан 16 ёшга тўлгандан сўнг ариза билан яшаб турган жойидаги ФХДЁ идорасига мурожаат этишлари лозим.

Фуқаро фамилияси, исми ва отасининг исмини қуйидаги ҳолатларда:

— агар фамилияси, исми ва отасининг исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;

— фамилия, исм ва отасининг исми миллатига тўғри келмаса;

— хоҳишга қараб никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;

— оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса);

— ФХДЁ органи томонидан узрли деб топилган бошқа асосларга кўра ўзгартириши мумкин.

**"Давлат тили ҳақида"**ги Қонуннинг 15-моддасига биноан фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризага ариза берувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, агар ариза берувчи никоҳда турган бўлса, у ҳолда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, агар никоҳдан ажратилган бўлса — никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳномаси, агар ариза берувчининг вояга етмаган болалари бўлса, у ҳолда болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, ариза берувчининг паспортидан ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатидан кўчирма, агар ариза берувчи вояга етмаган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳомийнинг аризаси ҳамда 1 дона (3x4 ўлчамли) фотосурат илова қилинади.

ФХДЁ бўлими мудири тақдим этилган ҳужжатларни тегишли текширув ўтказиш учун ички ишлар бўлимига жўнатади. Ички ишлар бўлими тақдим қилинган ҳужжатларни 30 кун мобайнида ўрганиб чиққач, ўз хулосаларини беради. ФХДЁ бўлими хулосани олгач, ҳужжатлар асосида фамилия, исм ва отасининг исмини ўзгартириш ёки рад этиш тўғрисида асослантирилган хулоса тузади ва далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришларни киритиб, фуқарога янги гувоҳнома беради.

Ота-оналардан ҳар иккаласининг фамилияси ўзгартирилиши 16 ёшга тўлмаган болалар фамилиясининг ҳам ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Вояга етган болаларнинг ота исми фақат уларнинг аризаларига кўра ўзгартирилади.

**Сайёра ЖУМАНОВА,**
**Кармана тумани ФХДЁ бўлими мудираси**


# "ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ" ОАЖ ЖАМОАСИ




*бунёдкор халқимизга ҳамда жаннатмакон диёримизга яхши ниятда ташриф буюрган хорижлик меҳмонларга Ўзбекистон халқининг энг улуғ ва энг азиз айёми — Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан ифтихор туғёнларига тўлган юраклар табригини йўллайди.*

*Тараққиёт йўлидан келажак сари дадил одимлаб бораётган юртимизни ободлик ва фаровонлик мангу тарк этмасин.*

*Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин! Халқимизга зафарлар доимо ёр бўлсин. Гўзал диёримиз ҳамиша гуллаб-яшнайверсин!*

# ПЕШКУ ТУМАНИ ҚУРИЛИШ ВА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан барча ҳамкасбларни, юртдошларни чин дилдан муборакбод этади! Эзгу ниятлар изҳор этиладиган қутлуғ кунда Яратгандан ҳар бир хонадонга тинчлик, бахт-саодат ва осойишталик тилайди. Фарзандларимиз иқболи баланд, мустақиллигимиз абадий бўлсин.*





# "НАВОИЙАЗОТ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КЎП МИНГ СОНЛИ ВА КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ ЖАМОАСИ

*юртимизга катта бунёдкорлик, файзу барака, олам-олам шодлик, ўзгача шукуҳ олиб кирган улуғ айём – Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тантанаси билан бунёдкор ва фидойи, қадри баланд, қалби тоза, ниятлари самимий, орзулари юксак ватандошларимизни ҳамда корхонага ишонч билан қўл берган барча ишончли ҳамкорларни самимий қутлайди!*

*Шу азиз Ватанимиз тинчлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, элимиз хотиржамлиги мангу барқарор бўлсин.*

*Эзгу ниятли барча инсонларнинг йўлини истиқлол ёғдуси нурафшон этсин.*

*Қалбларни меҳр-оқибат, эртанги кунимизга бўлган ишонч ҳеч қачон тарк этмасин!*



# ЮРТНИ ОБОД АЙЛАШ

## Данғара туманидаги "Юнусхон" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси ана шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилмоқда

**МАЪЛУМКИ, бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги, замонавий, барча қулайликларни ўзида мужассамлаган шинам уйлар қурилиб, юртдошларимизга узоқ муддатли кредит эвазига берилмоқда. Бу уйлар ҳар қандай кишининг кўзини қувонтиради. Ҳатто шаҳарлик ҳамюртларимиз ҳам бунга ҳавас қилаётганлари рост.**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА қад ростлаётган ана шундай уйларнинг барпо этилишида Данғара туманидаги "Юнусхон" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси жамоасининг ҳам муносиб улуши бор. Корхона ўша янги уйлар учун мўлжалланган ғишт маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Туманнинг олис Олахамак қишлоғида, азим Сирдарё ёқасида жойлашган мазкур тадбиркорлик субъекти бундан 15 йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган. Яъни, ишнинг кўзини билган юртдошимиз Муҳаммаджон ака Хирожиддинов собиқ Х.Худойбердиев номли ширкат хўжалигининг ғишт ишлаб чиқариш цехини сотиб олиб, тадбиркорликка қўл урди. Ўшанда ғишт пиширадиган печлар кўмир ёқилғиси эвазига ишларди. Бугун мазкур объект мавсумий — май ва октябрь ойлари оралиғида ишлашини назарда тутсак, 1 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга.



"Хўш, тадбиркор шунча ғишт ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тупроқни қаердан оляпти?" дейишингиз мумкин. Гап шундаки, цех Олахамак насос станциясининг сув тиндиргич ҳавзаси бўйида жойлашган. Эни 35 метр бўлган ушбу ҳавза Сирдарёдан насос станциясигача 1 километр узунликка чўзилган. Ҳар йили баҳор фаслида ҳавза чуқур қилиб кавланади. Фирма эса кавланган лойни мавсум давомида қайта ишлаб, пишиқ ғиштга айлантиради.



Биз фирма цехига ташриф буюрганимизда кун жуда иссиқ бўлишига қарамай, 15 нафар ишчининг қўли қўлига тегмасди. Бульдозер, тупроқ сурувчи ва ташувчи тракторлар уларнинг чинакам қанотига айланган. Ишчиларнинг меҳнатига яраша рағбатлантирилиши ва моддий манфаатдорлиги фирма муваффақиятларига омил бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мавсум бошидан бугунга қадар 500 минг донадан ортиқ ғишт ишлаб чиқардик. Туманимизнинг Урганжи ва Найманча қишлоқларида янги уйлар қуриляпти. Маҳсулотларимизни ана шу уйларни барпо этиш учун етказиб беряпмиз. Бунинг учун 93-хўжаликлараро механизацилашган кўчма жамланма ва "Қўқонқурилиш" масъулияти чекланган жамияти билан жами 870 дона пишган ғишт етказиб бериш бўйича шартномаларни имзолаганмиз, — дейди фирма раҳбари М.Хирожиддинов. — Энг муҳими, Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд қилинаётган бу уйлар қурилишига ҳиссамиз қўшилаётганидан жуда хурсандмиз. Улар истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Яна бир гап. Президентимиз ана шу янги, замонавий уйлар учун ғишт ишлаб чиқарадиган субъектларга тегишли имтиёзлар берилишини алоҳида таъкидлаганди. Шу боис кўп қатори "Юнусхон" фирмаси ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланиб, иш суръатини тобора оширмоқда. Яъни фирма 2010 йилдан буён даромад солиғидан озод қилинган. Табиий газ ҳам имтиёзли нархларда етказиб берилмоқда.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**




## ҚЎШТЕПА ТУМАНИДАГИ "ШУКУР ДАВЛАТ" КЎП ТАРМОҚЛИ ХУСУСИЙ ТИЖОРАТ ФЕРМАСИ ЖАМОАСИ

*Ватан туйғусини ҳар нарсадан улуғ ҳис қилган фидойи халқимизни мамлакатимиз Истиқлолининг 20 йиллик тўйи билан муборакбод этади!*

*Айни пайтда 471 бош қорамол парваришланаётган фермада 2011 йилнинг шу даврига қадар халқимиз дастурхонига 48.900 килограмм гўшт тортиқ қилинди. 373 тонна сутни қайта ишлаш эвазига эса сметана, творог, қатиқ ва сариёғ сингари 211,7 тонна сут маҳсулотлари тайёрланди. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси доирасида 73 бош наслли қорамоллар шахсий ёрдамчи хўжаликларга етказиб берилди.*

*Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!*











# РЕСПУБЛИКА "АСАКА" БАНКИ (ОАЖ)НИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**юртимиз аҳлини, ўлкамизга ташриф буюрган хорижий меҳмонларни соғинч-ла кутилаётган айём — МУСТАҚИЛЛИК шодиёнаси билан табриклайди!**

**Ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамизки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, жумладан, молия-банк тизимида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Буни мамлакат молия тизимида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мутахассислар малакасини ошириш, тизимга хорижий янгилик ва ўзгаришларни чуқур таҳлил этган ҳолда изчил жорий этишга жиддий эътибор қаратилаётгани бундай ижобий ўзгаришларга замин яратмоқда. Бу ўзгаришлар, албатта, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Фурсатдан фойдаланиб барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамда дастурхонингиз тўкинлигини тилаймиз. Тараққиёт юксакликларига эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар самарасини кўриш барчамизга насиб этсин.**

ASAKA BANK



## Меморандум ижроси: Прокуратура — Фарғона вилояти

# Кредит ажратилди

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ прокуратураси органлари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айни масалага дахлдор қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари ижросини тўлиқ таъминлашга жиддий масъулият билан ёндашмоқда.**



МОДОМИКИ, гап фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш хусусида борар экан, бунда **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун ижросига алоҳида тўхталмаслик мумкин эмас. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг аҳволи мазкур Қонуннинг ижросида яққолроқ намоён бўлади. Бинобарин, вилоят, туман ва шаҳар прокуратуралари ходимлари ушбу масалага жиддий эътибор қаратишмоқда.

Жумладан, фуқаро М.Маматкаримова Ёзёвон тумани прокуратурасига қилган мурожаатида деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун берган аризаси туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими томонидан эътиборсиз қолдирилаётганидан норозилигини баён этган. Ўрганиш давомида у сўраган ер майдони деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун берилиши мумкин эмаслиги боис мурожаати эътиборсиз қолдирилгани аниқланган. Натижада "Қорасоқол" ҚФЙ раиси А.Охунов ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи А.Миллабоевлар интизомий жавобгарликка тортилди. Энг муҳими, туман ҳокимининг тегишли қарори билан М.Маматкаримовага деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун 0,30 га. ер ажратиб берилиши таъминланди.

Яна бир мисол. Фарғона шаҳридаги "Зиё-Нур" фирмаси раҳбари С.Астанақулов шаҳар прокуратурасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилгач, унга ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиали томонидан 24 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш лозимки, ариза ёки шикоят қайси ҳудуддан келишидан қатъи назар, уни икки нарса билан изоҳлаш мумкин. Бири фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик билишларини кўрсатса, иккинчиси, ўша ҳудудда қонунбузилиш ҳолатлари содир этилаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга нечоғли катта эътибор қаратилаётганининг яна бир ҳаётий ифодаси 2008 йилнинг 17 апрелида **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун ва 2008 йил 8 июлда Юртбошимизнинг **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорининг қабул қилинишидир. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти туман, шаҳар судлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ 23 та жиноят иши кўрилиб, айбдорлардан жабрланувчиларга етказилган 50.848.500 сўмлик зарар ундирилган.

Учкўприк туманида яшовчи фуқаро Неъмат Рўзиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) отаси Ҳолиқ Рўзиев билан жиноий тил бириктириб, "Санкт-Петербург шаҳрида иш бор. Тўрт маҳал иссиқ овқат, шинам ётоқхона ва 350-400 АҚШ доллари миқдорида ойлик иш ҳақи берилади", дея Фарғона туманида яшовчи бир неча фуқарони алдайди. Сўнг уларни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги "Меридиан" МЧЖга олиб бориб, мажбуран ишлатади ҳамда жабрланувчиларнинг 34.204.494 сўмлик иш ҳақларини бермай, хўрлайди. Албатта, мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, Н.Рўзиев суд томонидан қонуний жазога тортилди.

Энг ачинарлиси, одам савдосидек жирканч иллат билан ўз юртдошларимиз, яъни жабрланувчиларга ҳамшаҳар, ҳамқишлоқ ёки маҳалладош бўлган кишилар, ҳаттоки, яқин қариндошлари шуғулланмоқда. Улар виждони ва иймонини сотган, инсон деган юксак номга доғ тушираётган кимсалардир.

**Муродил ҚУРБОНОВ,**
**Фарғона вилояти**
**прокурорининг ўринбосари**

# Тадбиркор фаолиятига ғов бўлманг

### уни ҳимоя қилувчи қонунлар мавжуд

**БОШ ПРОКУРАТУРА ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат кучайтирилган. Шу мақсадда тадбиркорлик субъектларига турли бюрократик тўсиқлар қўйиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш каби суиистеъмолликларга йўл қўйган маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқарув органлари, солиқ, банк ва бошқа идоралар мансабдорларини фош этишга қаратилган тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.**

ЖУМЛАДАН, тадбиркор йўлига ғов бўлиш ҳолатлари "Қўқон кино-видео" МЧЖ мансабдорлари, Бувайда тумани электр тармоқлари корхонаси масъул ходими томонидан содир этилганлиги аниқланиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Айни пайтда вилоятимизнинг турли ҳудудларида ҳокимият, прокуратура, адлия, солиқ, банк ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотларни ташкил қиляпмиз. Бундай тадбирлар тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва муаммоларига барҳам беришда қўл келмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Қўқон шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтди. Унда 100 нафарга яқин кичик ва хусусий бизнес вакиллари иштирок этишди.

Бундан ташқари, бошқармамизда 226-64-15 рақамли "Ишонч телефони" ҳам ўрнатилганки, бу телефон орқали қилинган мурожаатлар ўз вақтида, тезкорлик билан ҳал этилмоқда.

2011 йилнинг 4 апрелида Юртбошимизнинг **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ прокуратура органлари зиммасига текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш вазифаси юкланди.

Яна бир гап. 2011 йилнинг 6 апрелида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланган **"Департамент зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда профилактика-тарғибот ишларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури"** ижросини таъминлаш мақсадида бошқармамизда тузилган ишчи гуруҳи томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги маҳаллаларда аҳоли ҳамда тадбиркорлар ўртасида учрашувлар, бевосита мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, фуқаро Ғанижон Қаюмов Ўзбекистон туманидаги "Азизбек Севар Нур" номли балиқчилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиб, иш юритиб келган. Аммо фаолиятини янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун молиявий кўмак етишмаётганди. Департаментнинг вилоят бошқармаси ва Ўзбекистон тумани бўлими томонидан ўтказилган тадбир натижасида фермер хўжалигига ОАТБ "Агробанк"нинг Яйпан бўлими томонидан 10 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Энг эътиборлиси, 96 та тадбиркорлик субъектига амалий ёрдам кўрсатилиши туфайли 225 та янги иш ўрни яратилиб, мазкур тадбиркорлик субъектлари томонидан бюджетга 24,5 миллион сўм миқдорида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланишига эришилди.

**Аҳрорхон ЖЎРАХОНОВ,**
**Бош прокуратура**
**ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК**
**Департаментининг**
**Фарғона вилояти**
**бошқармаси бошлиғи**

# Болаларнинг бегонаси бўлмайди

### уларни тўғри тарбиялаш барчамизнинг муҳим ишимиз

**МАМЛАКАТИМИЗ истиқлолга эришган дастлабки йилларданоқ ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишлари, тўлақонли ва мукаммал билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Айни пайтда республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий қиёфа касб этган мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қад ростлаган. Уларни тамомлаган ёшлар пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидаги ўзлари истаган олий таълим муассасаларида таҳсилларини давом эттиришлари мумкин.**

АММО яратилган бу кенг кўламли имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига бекорчилик ва бебошликни ўзига касб қилиб олган, натижада ҳали вояга етмай туриб ҳуқуқбузарлик ва жиноят кўчасига кириб қолаётган ёшлар ҳам орамизда йўқ эмас. Хўш, бунинг боиси нимада?

Ҳар қандай фарзанд оила боғида ўсиб-улғаяди, тарбия топади. Унинг келажакда нечоғли комил ёки ноқобил инсон бўлиб вояга етиши эса ҳеч шубҳасиз оилада берилган тарбияга боғлиқ. Қолаверса, ўша фарзанд тарбия топаётган муҳит, яъни маҳалла-кўй, таълим муассасасидаги ҳолатлар ҳам айни масалада муҳим аҳамият касб этади. Бу эса яна ота-она ва оиланинг ёши улуғларидан, устозлардан жиддий масъулият талаб қилади.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ёки бирор бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишларини таъминлаш, ўзи қизиққан ҳунарнинг сир-асрорларини ўрганишига шароит яратиш улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилмаслиги кафолатидир. Шу билан бирга бу омиллар вояга етмаган ёшларни эртанги мустақил ҳаётга тайёрлаш мактаби ҳамдир. Бинобарин, туман прокуратураси томонидан бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили туманимиздаги транспорт ва йўл қурилиши коллежида "Баркамол авлод маркази"ни ташкил этдик. Энг эътиборлиси, ҳудуд профилактика инспекторининг хонаси ана шу марказда жойлашган. Бу эса вояга етмаган ёшлар билан янада яқинроқ бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, марказда диний экстеримизмга қарши кураш, чақириққача ёшларни тайёрлаш, уйидан ота-онасининг рухсатисиз чиқиб кетган дайди болаларни вақтинча сақлаш хоналари ва "Камолот" ЁИҲ етакчиси хонаси мавжуд. Айни пайтда марказда 25 та фан ва 6 та спорт тўгараклари фаолият юритмоқда. Бу тўгаракларга 520 нафар ёш жалб қилинган.

Шунингдек, туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошида ҳам 68 та турли бадиий ҳаваскорлик, касб ва спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Унда 1128 нафар фарзандимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

Халқимизнинг "Бир болага етти маҳалла отаона" деган нақли бежиз айтилмаган. Бу масалада ўша ҳудуддаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъуллари, васийлик ва ҳомийлик кенгашлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ходимлари ва профилактика инспекторларидан катта масъулият талаб қилинади. Албатта, масаланинг бу жиҳати ҳам туман прокуратурасининг доимий назоратига олинган.

Вояга етмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг муҳим омили мавжудки, бу уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир. Яъни таълим муассасаларида ўтиладиган "Конституция сабоқлари" дарслари ва "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанларида янада қизиқарли, замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиш, дарсларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тажрибали ходимларини жалб қилиш, "Сиз қонунни биласизми?", "Ҳуқуқ билимдонлари", "Ўйла, изла, топ!" сингари кўрик-танловлар ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, бурчларини англаган инсон ноқонуний хатти-ҳаракатга қўл урмайди.

**Ўктамжон АБДУРАСУЛОВ,**
**Қўштепа тумани прокурори**









# “ЎЗПАХТАСАНОАТ” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни қутлуғ айём — республикамиз Мустақиллигининг 20 йиллик тўйи билан чин юракдан самимий муборакбод этади!
Хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилайди.
Истиқлол шарофати билан бошланган эзгу ишларингиз ўнгидан келсин.

*Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,*
*Сочларин дарёда ювса мажнунтол,*
*Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,*
*Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!*

**Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**







# “УЗРУБЕРОИД” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ




# МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

## “Узрубероид” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ана шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилмоқда



ПОП ТУМАНИДАГИ “Узрубероид” масъулияти чекланган жамияти ўрамли томёпқич ашё ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона корхона ҳисобланади.

Илгари “Ўзбеккровля”, “Ўзбекистон ўрамли томёпқич ашёлари комбинати” номлари билан фаолият юритган мазкур корхона Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилнинг 6 августидаги қарори билан “Узрубероид” масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. У рубероид, базальт толаси, изол, иссиқлик ишлаб чиқариш, иссиқликни кучайтириш, электротехник лаборатория, техник назорат, қурилиш таъмирлаш, назорат ўлчов асбоблари ва автоматика, таъмирлаш механика, темир йўл, хомашё тайёрлаш цехлари, крошка, транспорт, қўриқлаш бўлимлари ҳамда ёнғинга қарши курашиш қисмидан иборат. Корхонада асосан рубероид РКП-350, изол, техпластин РКП-350, пергамин П-350, базальт толаси, техпластин РЭП-К-08, рубероид РЭП-К-08 каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва йилига 76 миллион квадрат метр рубероид, 2,5 миллион квадрат метр изол, 600 тонна базальт толаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Иккиламчи қоғоз, латта, носоз автошиналар, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидан келтириладиган БНП маркали қора сақич, “Қувасойцемент” корхонасидан олиб келинадиган цемент чанги асосий хомашё саналади.

— Ўтган 2010 йилда 10,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганди. Жорий йилнинг дастлабки ярмида эса бу кўрсаткич 6,2 миллиард сўмдан иборат бўлди, — дейди жамиятнинг режалаштириш бўлими бошлиғи Валижон Усмонов. — Асосан рубероидга талаб юқори. Шу боис у ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг 90 фоизини ташкил этади.

Албатта, бундай кўрсаткич ва муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Жамоадаги ҳамжиҳатлик, меҳнатга яраша рағбатлантириш ютуқлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозир корхонада 1080 нафар ишчи-хизматчи уч навбатда меҳнат қилмоқда. Маданий ҳордиқ чиқариш учун спорт майдонлари ва маънавият хонаси ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Бундан ташқари, корхона жамоа шартномасига асосан ёш оилаларга,



нафақа ёшига етганларга, дафн маросимлари учун яқин қариндошларига моддий ёрдам ҳам ажратилади. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида корхонада ишлаган 24 нафар марҳумларнинг хотирасига бағишланган хотира турнири спортнинг минифутбол ва волейбол турлари бўйича ўтказилиб, уларнинг яқинларига моддий ёрдам кўрсатилди. Шу йилнинг ўтган даврида 6 нафар ходим Косонсой ва Чортоқ сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқарган бўлса, қўшни Чуст туманидаги “Тоғ шалоласи” номли болалар оромгоҳида ишчи-хизматчиларнинг 50 нафар фарзанди дам олиб қайтди.



Бир сўз билан айтганда, “Узрубероид” масъулияти чекланган жамияти жамоаси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилмоқда. Корхонага ташриф буюрсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

**(Ўз мухбиримиз)**



# Оила мустаҳкам бўлса

## жамиятда тараққиёт бўлади

МАЪЛУМКИ, истиқлол халқимизнинг асрий орзуси, энг улуғ, энг азиз неъматимиздир. Айни кунларда мустақиллигимизнинг қутлуғ 20 йиллигини катта тантаналар билан нишонлаяпмиз. Мустақиллик ўзининг ўтган йигирма йили мобайнида деярли барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар, янгиланишлар ва бунёдкорлик ишлари билан ҳам биз учун қадрлидир. Шу маънода жамиятнинг энг кичик бўғини бўлмиш оила мустаҳкамлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ҳам ижобий қадамлар ташланди.

Мазкур фикрларнинг исботи тариқасида Бош қомусимизнинг 63-моддасидаги **“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда давлат ва жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”** деган сўзларни келтириш ўринли. Албатта, оилалар мустаҳкам бўлса, унда ҳамжиҳатлик, тотувлик ҳукмрон бўлса жамият тараққий этади. Оила мустаҳкамлиги эса ўз навбатида никоҳнинг қонунийлиги, ота-онанинг масъулияти, қолаверса, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсон бўлиб тарбияланишига боғлиқ. Бунинг учун ҳукуматимиз томонидан барча ҳуқуқий асослар яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **“Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”**ги қарори, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги **“Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**-ги, 2009 йил 1 июлдаги **“2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорларининг қабул қилиниши ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Эътироф этиш керак, бу саъй-ҳаракатлар ва юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг самараси ўлароқ минглаб янги оилалар барпо этилмоқда, оилаларга қувончу шодлик улашиб, ширин-шакар фарзандлар дунёга келмоқда. Табиийки, улар туфайли тўйлар тўйларга уланяпти. Юртдошларимиз ўз хурсандчиликларини қавму қариндошлари, ёру дўстлари, маҳалладошлари билан баҳам кўришяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳамюртларимизга қонуний никоҳнинг афзаллигини тушунтириш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш ҳамда шу орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари зиммамизга катта масъулият юклайди. Бинобарин, биз туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда кенг кўламдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиб бормоқдамиз. Қолаверса, ФҲДЁ бўлимида ҳар ойда икки маротаба ўтказиладиган “Оила дорилфунуни”, касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган “Ёш оила қурувчилар мактаби” ўқув машғулотларида ҳам бу борада батафсил тушунтириш бериб борилмоқда. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали жамиятда тараққиётга эришиш истиқлол берган имкониятлардан биридир.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**
**Поп тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**


**Жаннатмонанд юртимиз бўйлаб кезаётган Истиқлол байрамининг шукуҳи қалбларга қувонч, кўтаринкилик, дилимизга шукроналик бағишламоқда. Буюк орзу-мақсадлар йўлида Ватанимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилаётган Сиз азизларни Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами билан қутлаб, барчангизга янада шижоат, толмас куч, ютуқ ва омадлар тилаймиз!**



MIKROKREDITBANK

**РЕСПУБЛИКА “МИКРОКРЕДИТБАНК” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**“ШИЖОАТ ТЕКСТИЛ — МАШ” ФИРМАСИ ЖАМОАСИ**

*барча юртдошларимизни озодлик, ҳуррият ва истиқлол тимсоли бўлган Мустақиллигимизнинг 20 йиллик қутлуғ байрами билан чин дилдан муборакбод этади! Жаннатмакон юртимиздан файзу барака аримасин.*





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

NBU

Истиқлол инъом этган бебаҳо имкониятлар қанотида, яратувчанлик иштиёқида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган барча соҳа ходимларини, бағрикенг халқимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллик шодиёналари билан чин дилдан қутлайди!

*Барчангизга ҳамиша бахт ва толе ёр бўлсин. Гўзал диёримиз янада гуллаб-яшнайверсин!*

# ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ХАЛҚАРО ВА ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФОЙДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ҚЎНҒИРОТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

бағрикенг ва сахий юртдошларимизни ҳамда хорижлик меҳмонларни қутлуғ ва муқаддас байрамимиз билан чин юракдан қутлайди! Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин.

Широқдан гапирайми, сўзлайми Муқаннадан,
Ё ёвни тиз чўктирган Тўмарисдай онадан.
Ё мўғулга бас келолган Темур соҳибқирондан –
Бу юртда яшаб қандай юртни севмаслик мумкин.



# АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ "ИНВЕСТТЕКС" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

беғубор қалби мудом эзгуликларга бой, она заминимиздай саховатли, меҳр-оқибатли азиз юртдошларимизни Истиқлолимизнинг 20 йиллик шодиёналари билан табриклайди! Юрт фаровонлиги йўлида қилган ҳар бир меҳнатингиз баракали бўлсин. Тинч-осойишта осмонимиз остида хонадонларингиз ҳамиша саодат нурларига тўлсин.



# "НУКУС — БАЛИҚ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Азиз юртдошлар!
Гўзал юртимизда
Мустақиллик байрамининг
шукуҳи кезиб юрибди. Ҳар бир
қалб ғурур ва ифтихор
ҳисси билан яшамоқда. Бу
Истиқлол берган улуғ
имкониятдир.
Мустақиллигимизнинг қутлуғ
20 йиллиги барчамизга
муборак бўлсин!
Байрам шукуҳи қалбларимизни
доимо шодумон айласин.





Мудом эзгу ўйларинг,
Бахт ва толе ёр бўлсин.
Халқим, тоза қалбингдай
Йўлинг беғубор бўлсин!

# "GAZ SUV INVEST" ХК ЖАМОАСИ

шу қувончли кунларда
Сиз азизларни
Мустақиллигимизнинг
20 йиллиги байрам
шодиёналари билан чин
дилдан қутлайди!
Юртимиз иқболи
мудом порлоқ
бўлаверсин!

# Муҳим лойиҳалар фаровонликка хизмат қилади

## "GAZ SUV INVEST" хусусий корхонаси фаолиятига назар

МАЗКУР хусусий корхона 1989 йилда ташкил топган. Корхонанинг асосий вазифаси юртимиз ҳудудида давр талабига жавоб берадиган, замонавий сув, газ, нефть магистраллари ўтказиш ва уларни зарурий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда эски қувур магистралларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш каби ишларни амалга оширишдан иборат.

Мустақиллик йилларида корхона жадал суръатлар билан ривожланди, катта ҳажмга эга ишлар амалга оширилди. Жамоанинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий равнақи учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилган қуйидаги ишлаб чиқариш фаолияти бунга яққол далилдир:



— Аҳоли учун магистрал газ қувурлари ўтказиш ишлари (Тошкент вилояти Юқоричирчиқ ва Зангиота туманларида, "Кока-Кола" ва Қўйлиқ темир-бетон конструкциялари заводларида);

— Ичимлик сув қувурлари магистрали қурилиши (Янгийўл шаҳар "Тонг" мавзеида);



— "Пахта", "Кучлик", "Қибрай" ва "Чинобод" нефтбазаларида оғир ва енгил нефть маҳсулотларини етказиш қувурларининг технологик реконструкцияси;

— "Тошкент" халқаро аэропортининг ёқилғи-мойлаш ашёлари шохобчаси (ЁМАШ) учун темир йўл эстакадаси қурилиши;

— "Тошкент" халқаро аэропортининг ёқилғи-мойлаш ашёлари шохобчасида яшин сақлагич қурилиши;

— "Тошкент" халқаро аэропорти ЁМАШнинг насосларини алмаштириш ва қайта ўрнатиш ишлари;

— "Тошкент" халқаро аэропортидаги самолётларни ёқилғи-мойлаш ашёлари билан таъминлаш хизматида марказлаштирилган технологик коммуникация тизимини реконструкция қилиш ишлари.

Ҳозирда **"GAZ SUV INVEST" ХК** жамоаси муҳим лойиҳалар устида иш олиб бормоқда, жамоа Истиқлолнинг 20 йиллик юбилей санасини ажойиб ютуқлар билан қаршиламоқда.




*Истиқлол чароғон этган диёрим,*
*Толеингда иқбол чамани кулсин.*
*Довруғинг таралиб жумла жаҳонга,*
*Бахтингга дунёнинг ҳаваси келсин.*

**Республикамизда ҳар бир соҳада тараққиёт одимлари шахдам эканини кўриб дилларни чексиз ғурур чулғайди. Мамлакатимизда барқарор молиявий тизим соҳалар ривожи учун тўла хизмат қилмоқда. Мустақил юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, ёрқин истиқболимиз йўлида қилаётган эзгу саъй-ҳаракатларимиз йилдан-йилга самарали бўлмоқда.**
**Ҳар гал Мустақиллик кунига элимиз улкан ютуқлар, муносиб совғалар ва кўтаринки руҳ, байрам қувончлари билан пешвоз чиқмоқда.**
**Тинч-осойишта юртимиз, озод ва обод диёримизда тантана қилаётган Истиқлол байрами барча юртдошларимизга муборак бўлсин!**
**Бир-бирига ғамхўр ва меҳр-оқибатли халқимиз янада фаровон, элимизнинг ризқи бут бўлиб, осмонимиз мусаффо нурларга чулғанаверсин.**

**"АСАКА" БАНК (ОАЖ) АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



# "Асака" банк (ОАЖ):

## Тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ҳукумати томонидан мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини кескин ошириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, умуман, миллий фаровонликни таъминлашдаги асосий бўғинни шакллантириш — муҳим йўналиш этиб белгиланган. Бу борада, шубҳасиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, йирик ишлаб чиқариш объектларига қараганда кам сармоя талаб қиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулот турларини янгилашга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, шу билан бирга, бозор коньюнктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлари шароитига тез мослаша олади.**

МАМЛАКАТИМИЗДА кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий база яратилган. Бу эса "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкига уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилган ҳолда кредитлар салмоғини оширишга катта имкон бермоқда. Шу мақсадда банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, авваламбор, экспорт ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринларини барпо қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

"Асака" банк Навоий вилояти филиали **"Асака банк — Тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи"** шиори остида иш олиб бормоқда.

Ҳозирги даврда банкнинг асосий стратегик мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу орқали республикамиз иқтисодиётида ўз муносиб ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Президентимиз томонидан 2011 йил **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** деб белгиланганлиги муносабати билан ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга банк хизмат турларини янада қулайроқ шартларда таклиф этиш ва вилоятимизнинг чекка туманларидаги тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида вилоятнинг Нурота туманида "Нурота" минибанки фаолияти йўлга қўйилди.

Филиал томонидан ажратилаётган кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар, улар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар сотиб олишга, маҳаллий хомашё негизида маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Банк кредит сиёсатида иқтисодиётнинг реал секторини маблағ билан таъминлаш, инвестиция жараёнларини янада тезлаштириш, яъни бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш учун кичик бизнес субъектларини кредитлаш миқдорини кўпайтириш белгиланган.

2011 йилнинг ўтган ойлари давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига миллий валютада жами 10,5 миллиард сўм кредит маблағлари ажратишга эришилди. Филиалимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг охирига қадар барча молиялаш манбалари ҳисобидан 14,2 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш бўйича филиалда барча шарт-шароитлар етарли. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига қўшимча 280 нафар ишчи ўрни ташкил этишга эришилди.

2010 йилнинг 1 июль ҳолатига филиал томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 14,1 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг мос даврида 35,3 миллиард сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2.4 баробар ошишига эришилди. Кредит қўйилмаларининг 28,9 миллиард сўм миқдоридаги қисми ёки 81.93 фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этади.

Президентимизнинг республика аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, республикада тураржой бозорини ривожлантириш ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришга доир қарор ва фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган шу даври мобайнида аҳолига ипотека тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан якка тартибдаги уй-жой ҳамда кўп квартирали уйдан квартира сотиб олишлари учун 415,0 миллион сўм миқдорида ипотека кредити, шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги **"Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори асосида кам таъминланган оилаларда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ташкил қилиш мақсадида чорвачиликни ривожлантириш учун банк ўз маблағлари ҳисобига 591,0 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида филиал томонидан Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли Фармонига асосан имтиёзли фоиз ставкаларда 77 нафар ёш оилага кўп квартирали уйдан квартира ҳамда истеъмол товарлари сотиб олиш мақсадида банк ўз маблағлари ҳисобидан жами 2,2 миллиард сўм миқдорида ипотека кредити ҳамда истеъмол кредитлари ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш, шу асосда хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни татбиқ этиш ва рақобатбардош, ички ҳамда ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, иқтисодиёт тизимини янада диверсификация қилиш, унинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадидаги қарор ва фармонлари ижросини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги **"Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ва **"Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида филиалимиз томонидан Навоий эркин иқтисодий зонасида ташкил этилган қўшма корхоналарга жами 20,2 миллиард сўм миқдорида узоқ муддатли инвестицион кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **"Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида жами 1,62 миллиард сўм миқдорида, кредит маблағи ажратилган бўлиб, шундан 215,0 миллион сўми паррандачилик маҳсулотлари (тухум ва товуқ гўшти) етиштириш мақсадида, 1,19 миллиард сўми чорвачилик маҳсулотлари (гўшт) етиштириш мақсадида қолган 270,0 миллион сўми нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ажратилган кредит маблағлари ҳиссасига тўғри келади.

Қарордаги янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари ва узум экиладиган майдонлар ҳамда уларни етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги банди ижросини таъминлаш мақсадида иссиқхона хўжалиги шароитида помидор ва бодринг маҳсулотлари етиштиришни ташкиллаштириш учун филиал томонидан 2 нафар тадбиркорга 300 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида филиалимиз томонидан зарурий чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан барча имкониятлар базаси яратилган.

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Марказий банк кўрсатмалари ижросини таъминлаш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги **"Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" банк томонидан 93 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий қилинган бўлиб, омонатларни банкнинг барча филиаллари ва минибанкларида расмийлаштириш мумкин. Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талаблари билан нақд пулда таъминлаб берилмоқда. Жорий йилда мижозларга яна қўшимча 12 та янги омонат турлари таклиф этилди.

Бугунги кунга келиб, аҳолининг 9,1 миллиард сўм миқдоридаги бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилди.

Мамлакатимиз тўлов тизими ривожланишида банк пластик карточкаларининг аҳамияти катта. Пластик карточкалар, биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, стипендия ва пенсия тўловларини ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар бўйича қарздорликларни ўз вақтида тўлаш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ва тезкор амалга ошириш имкониятини яратади.

Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги **"Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилди. "Асака" банк Навоий вилояти филиали томонидан бугунги кунга келиб, 41,4 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилди. 293 та терминал ва 1 та инфокиоск ўрнатилди. Корхона ва ташкилотларда "Иш ҳақи" лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг сони 314 тага етказилди.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида савдо айланмалари миқдори 5,7 миллиард сўмни ташкил этди.

"Халқаро пластик карточкалар ("MasterCard") орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими"ни кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. "Асака" банк вилоят филиали томонидан муомалага чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 3400 донани ташкил қилди.

Банк филиали томонидан барча тоифадаги мижозларга, жисмоний ва юридик шахсларга, аҳолига ҳар томонлама қулайликлар муҳайё қилиш сиёсати муҳим устувор вазифалардан саналади. Навоий вилояти филиали жамоаси ҳам мазкур соҳанинг ривожи иқтисодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши англаган ҳолда фаолиятларини йўлга қўйганлар. Шунинг учун ўзларининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб олишда масаланинг ана шу томонини назардан қочирмасликка интилаётганларини кўриш мумкин. Натижада республика иқтисодиётининг ҳар томонлама ўсиши учун мавжуд қулай шарт-шароитлар замирида фаолиятнинг самарадорлилигига эришилмоқда.

**Азиза НИЁЗОВА,**
**"Асака" банк (ОАЖ)**
**Навоий вилояти**
**филиали бошқарувчиси**

# МАКТАБГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОРДИР

**СИЗ ОЛТИАРИҚДА бўлганмисиз? Агар яна йўлингиз тушиб қолса, албатта, мактабимизга келишни унутманг. Ташрифингиздан бошимиз кўкка етади. У туманимизнинг Файзиобод қишлоғида жойлашган.**

ТЎҒРИ, унчалик катта эмас. Аммо 2008 йилда Давлат дастурига мувофиқ капитал реконструкция қилингач, замонавий қиёфа касб этиб, кўзни қувонтирадиган, кўрган кишининг бахри-дилини очадиган даражага етган.

Мана, ёзги таътил ҳам ниҳоялади. Таътил мобайнида мактабимизда ёзги соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этилганди. Унда 172 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқарди. Бу эса уларни янада тиришқоқлик, ғайрат-шижоат билан билим олишларини таъминлайди.

Муассасамиз 380 ўринли бўлиб, 12 та фан кабинети, кимё, физика лабораториялари, компьютер синфи, 1062 дона китоб захирасига эга бўлган ахборот ресурс маркази, стадион, волейбол ва баскетбол майдонларидан иборат. Ҳозир 36 нафар устоз-мураббий 317 нафар файзиободлик ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш йўлида меҳнат қилишяпти. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида 24 та фан ва спорт тўгараги фаолияти йўлга қўйилган. Эътироф этиш керак, тўгараклар бир жиҳатдан болани ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этмаслиги кафолати саналса, иккинчи томондан уни эртанги мустақил ҳаётга тайёрлаш мактаби ҳамдир.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшларимиз ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида ҳудуд профилактика инспектори ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъуллари, васийлик ва ҳомийлик кенгаши вакиллари билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этишга, шунингдек, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳам жиддий эътибор қаратганмиз.

Бу йил мактабимизни 46 нафар ўқувчи битирди. Энди улар таълимнинг кейинги босқичида ўзлари танлаган йўналиш бўйича таҳсилларини давом эттирадилар.

Яна бир гап. Мактабимизнинг 3,5 гектарлик боғи бор. Унда асосан ўрик ва шафтоли дарахтлари мевага кирган. Меваларнинг аксарият қисмини куни узайтирилган гуруҳларда-ги ўқувчиларимизга тортиқ қилдик. Қолганини эса сотиб, 4 миллион сўмлик даромад олдик. Ушбу маблағ жорий таъмирлаш ишларига сарфланди. Бундан ташқари, 1 бош қорамол, 2 бош қўй ва 10 дона товуқ ҳам боқяпмиз.

Кези келганда "Махпиратов обод Файз" фермер хўжалиги раҳбари Хусанбой Махпиратовнинг саховатини миннатдорчилик тарикасида алоҳида тилга олишни лозим топдим. Фермер кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ўқувчиларимизга ўқув қуроллари олишда беминнат ёрдам берди. Зеро, мактабга эътибор – келажакка эътибор, деб бежиз айтилмаган.

**Маърифатхон УМАРОВА,**
**Олтиариқ туманидаги**
**18-умумтаълим**
**мактаби директори**

# ЎРНАККА АРЗИГУЛИК МАКТАБ

**БАЙРАМ АРАФАСИДА Олтиариқ туманига ташрифимиз жараёнида истиқлол йилларида туманда таълим тизимида амалга оширилган ишлар билан танишдик. Шунда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Тўйчибой Бойматов 31-умумтаълим мактабида ҳам таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилганини таъкидлаб, мактабга бориб кўришимизни тавсия қилди.**



МУДИРНИНГ тавсиясига кўра, бўлим вакили ҳамроҳлигида муассасага қадам ранжида қилдик.

— Бундан 38 йил муқаддам ташкил этилган мактабимиз 740 ўринли бўлиб, айни пайтда 820 нафар ўқувчи 27 та синфда билим олмоқда. Бунинг учун 72 нафар устоз-мураббийларимиз фидойилик билан меҳнат қилишяпти, — дейди мактаб директори Раҳима Исмоналиева. — Мавжуд 28 та фан кабинети, биология, кимё, физика лабораториялари ҳамда компьютер синфи барча зарур ўқув анжомлари билан жиҳозланган. Ахборот ресурс марказимизга эса 3550 донадан ортиқ дарслик ва бадиий адабиётлар жамланган.

Буни қарангки, гарчи, ёзги таътил бўлишига қарамай, борганимизда спорт зал, стадион, волейбол ва баскетбол майдонлари ўқувчилар билан гавжум экан. Чунки 7 турдаги спорт тўгараклари уларни оҳанрабодек ўзига жалб қилган. Яратилган бу имкониятларнинг самараси ўлароқ, мактаб ўқувчилари — қора белбоғ соҳиблари бўлган Сардор Ҳайдаров ҳамда Шоира Хомидовалар спортнинг таэквондо йўналиши бўйича республика беллашувида биринчи ўринни қўлга киритишди. Ўқитувчиларнинг аёллар жамоаси эса волейбол бўйича туманда тенгсиз эканликларини намоён қилишди.

Мактабда 21 та фан тўгараги ҳам фаолият юритмоқда. Ўқувчилар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қизларни оилага тайёрлаш мақсадида эса туман ИИБ ҲООБ инспекторлари, туман ФҲДЁ бўлими ва давлат нотариал идораси ходимлари иштирокида мунтазам равишда тадбирлар ташкил этилмоқда.

— Таълим сифатини ошириш ва мактаб моддий-техника базасини янада яхшилаш ниятида сармоядан ташқари маблағ топиш масаласини ҳам ижобий ҳал қилганмиз, — дея сўзини давом эттиради Р.Исмоналиева.

Дарҳақиқат, мактабнинг 2 гектарлик боғи мавжуд бўлиб, унда асосан ўрик ва узум етиштирилади. Йилнинг айни пайтигача биргина ўрикнинг ўзидан 1,5 миллион сўм миқдорида даромад олинди. Ҳадемай 0,20 гектардаги узум ва 0,06 га. майдондаги карам ҳам анчагина даромад келтиради. Яна 3-4 йилдан сўнг мактабнинг йиллик даромади бир неча баробарга ортади. Негаки, жорий йил бошида "Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт менинг тухфам" шиори остида 4,5 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди, 3000 донадан ортиқ терак қаламчалари қадалди.

Бош қомусимизнинг 41-моддасида **"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир"** дея қайд этилган. Биз тилга олган муассасада эса мазкур конституциявий қоида тўлиқ ҳаётий ифодасини топмоқда.

**Хуршид УСМОНАЛИ ўғли**

# БЎЛАЖАК ТИББИЁТЧИЛАР МАСКАНИ

**ҲАЁТДА инсон учун энг бебаҳо неъмат бу — саломатликдир. Бинобарин, шифокорлик ёки ҳамширалик касби энг шарафли, шу билан бирга масъулиятли касблар сирасига киради. Шу маънода гапирганда, биз ана шундай шарафли касб соҳибларини тарбиялаётганимиздан бахтиёрмиз.**



КОЛЛЕЖИМИЗ 2001 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, 2650 ўринга мўлжалланган. Айни пайтда 3025 нафар ўқувчи ҳамширалик иши, фармация иши, тиббий профилактика иши йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда. Бу йил 611 нафар бўлажак тиббиётчиларни ўқишга қабул қилдик. Муассасамизда ёшларнинг мукаммал билим олишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Бунинг учун 112 та фан кабинети, 2 та физика, 5 та кимё, 5 та лингафон, 3 та компьютер синфи, 21.135 дона ўқув-услубий қўлланма ва бадиий адабиётлардан иборат ахборот ресурс маркази, спорт зал, стадион, 300 ўринли фаоллар зали, 200 ўринли ошхона, 200 ўринли ётоқхона ўқувчилар ихтиёрида. Бундан ташқари, шаҳар тиббиёт муассасаларида 1200 ўринли 40 та амалиёт хонамиз ҳам мавжуд.

Ўқувчиларимизга 302 нафар ўз касбининг фидойиси бўлган устоз-мураббийлар фан ва тиббиёт илмининг сир-асрорларини ўргатиб келишмоқда. Қувонарлиси шундаки, ҳозиргача улар томонидан 280 та ўқув қўлланмаси яратилди. Шундан 12 таси республикамиз бўйича оммалаштирилган.

Бугун таълим ходимлари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири — ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишдир. Бу борада 30 та фан ва 16 та спорт тўгараги фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Энг эътиборлиси, ҳар бир дарс бошланишидан аввал 5 дақиқалик "Маънавият дақиқалари"ни жорий қилганмиз. Ўтган йили эса мўъжазгина "Тарих музейи"ни ташкил қилдик. Табиийки, бу саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бермай қолмаяпти. Масалан, турли спорт мусобақаларининг республика босқичида иштирок этган спортчи ёшларимиз 3 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритишди. Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган "Ҳуқуқ билимдонлари — 2010" беллашувининг Қарши шаҳрида бўлиб ўтган финал босқичида иштирок этган "Баркамол авлод" жамоамиз фахрли учинчи ўрин соҳибига айланди ва вазирликнинг 3-даражали дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Яқинда "Камолот" ЁИҲ томонидан вилоятимиздаги 156 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказилган "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан" шиори остида "Ватан – истеъдодлар бешиги" ёшлар фестивалида ҳам 1-ўринга сазовор бўлдик.

Халқимизда "Озода уйга фаришта қўнади" деган пурҳикмат гап бор. Шу боис коллеж ҳудудини ободонлаштириш мақсадида 600 тупдан зиёд каштан, игна баргли арча дарахт кўчатларини ўтқаздик. Қолаверса, "Ободлик кўнгилдан бошланади" шиори остида "Эзгулик боғи"ни ҳам барпо қилдик.

Ҳар куни бир гуруҳи дарсга, яна бошқаси амалиётга шошаётган ўқувчиларимизга қарайман-у, Юртбошимизнинг **"Менинг энг катта ишончим – ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман"** деган сўзлари ёдимга тушади. Умид қиламанки, ўқувчиларимиз бу ишончни, албатта, оқлайди.

**Иномжон ТЎХТАСИНОВ,**
**Фарғона 1-тиббиёт**
**коллежи директори**



# "ЎЗМЕТКОМБИНАТ" ОАЖ ЖАМОАСИ

**мамлакатимиз халқини, гўзал диёримизга ташриф буюрган яхши ниятли хорижлик меҳмонларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик шодиёнасининг 20 йиллик қутлуғ тўйи билан табриклайди!**

**Қутлуғ кунларда Сиз азиз юртдошларимизни ишонтириб айтамизки, "Ўзметкомбинат" ОАЖ жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришда зафарли одимларини давом эттираверади.**

**Истиқлол улкан парвозларимизга қанот бағишлайверсин.**
**Она-Ватанимиз шаъни-шавкати бундан-да зиёда бўлсин.**
**Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик бардавом бўлсин.**
**Қалбларни меҳр-оқибат, келажакка бўлган ишонч ҳеч қачон тарк этмасин.**
**Халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз файзу барокати янада ошаверсин.**

*Байрам муборак, азиз юртдошлар!*

*Пойдор бўл, элдор бўл, жон Ўзбекистон,*
*Ўз туғинг, ўз сўзинг — бахт-иқбол яшна.*
*Кураш бу мангулик ҳақиқат ва шон,*
*Толеинг то абад Истиқлол яшна!*





# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ “ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини жонажон
Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллик
тўйи билан қутлайди!
Мустақиллигимизни
мустаҳкамлаб боришда,
давлатимизнинг юксалишида хизмат
қилаётган барча
юртдошларимизнинг хонадонларидан
осойишталик,
дастурхонларидан барака аримасин.
Барчангизга байрам муборак бўлсин.



# Ходимларга ҳамиша таянч

## бўлиш бош мақсадларимиздан бири

**БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 59-моддасида “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир” деб белгиланган. Мазкур конституциявий қоидани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Қўштепа тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

АЙНИ ПАЙТДА қўмита тасарруфида 78 та касаба уюшма ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар 3900 нафар ходимни ўзида бирлаштирган.

Маълумки, қайси соҳа ёки тармоқ бўлишидан қатъи назар, меҳнатга яраша рағбатлантириш жамоадаги муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, бу масала фаолиятимиздаги энг муҳим вазифалардандир.

Масалан, 8-март Халқаро хотин-қизлар куни арафасида 190 нафар энг фаол аёллар 1.520.000 сўмлик байрам совғалари билан тақдирланди. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан эса 160 нафар ходимга 1.440.000 сўмлик байрам совғалари, таълим муассасаларига 1.000.000 сўмлик спорт анжоми тарқатилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида 69 нафар ходимга 3.100.000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, ёзги таътил кунларида 35 та жамоанинг 1000 дан зиёд ходимлари Фарғона водийси бўйлаб, 3 нафар ходим Самарқанд шаҳрига саёҳатга юборилди. 8 нафар ходим эса “Чортоқ”, “Чимён”, “Чинобод”, “Қизилтепа” сиҳатгоҳларида саломатликларини тиклаб қайтдилар. Фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган 84 нафар ўқитувчига 960.000 сўмлик мукофот пуллари берилди. Шунингдек, 50 нафар кам таъминланган касаба уюшма аъзоларининг фарзандлари бепул ўқув-қуроллари ва “Олмазор” болалар оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқариш учун бепул йўлланмани қўлга киритдилар.

Агар рақамларга назар ташласак, 2011 йилнинг 6 ойида қўмитамизга ходимлардан 87 та мурожаат келиб тушган. Албатта, улар қонун доирасида ўрганилиб, қаноатлантирилди ва ҳал қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қўмитамиз фаолияти турли семинар-тренинглар ҳамда маънавий-маърифий тадбирларда ҳам намоён бўлади. Яқинда туманимиздаги 49-умумтаълим мактабида туман ҳокимлиги вакиллари, 150 нафар таълим муассасалари раҳбарлари, касаба уюшма қўмитаси раислари, 42 нафар қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган семинарда меҳнат дафтарчаларини юритиш, Меҳнат кодекси талабларини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тартиблари ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Шунингдек, турли мавзуидаги учрашувлар, “Отам, онам ва мен спортчи” спорт мусобақаси, “Ягонасан, Мустақил Ватан!” кўрик-танлови ҳам ташкил этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, асосий мақсадимиз ходимларимизга чинакам таянч бўлиш ва шу орқали баркамол авлодни тарбиялашдир.

**Дилором ҒОФУРОВА,**
**Қўштепа тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

## ҚЎШТЕПА ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ ҲАМДА ТУМАН БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ЖАМОАЛАРИ

озод ва обод Ватан равнақи
йўлида фидойилик билан меҳнат
қилаётган барча
юртдошларимизни, жонкуяр
устоз-мураббийларни
мамлакатимиз Мустақиллигининг
кутлуғ 20 йиллиги билан қизғин
муборакбод этади!

Бу диёрда яшамоқнинг ўзи олий бахт,
Олға қадам ташламоқнинг ўзи олий бахт,
Ўзгаларга бахту иқбол тилаб тожу тахт,
Эзгуликка бошламоқнинг ўзи олий бахт,
Юлдузлари чарақлаган мовий осмон бу,
Пешонаси ярақлаган Ўзбекистон бу.

## ДАНҒАРА ТУМАНИДАГИ “ЯХШИ НИЯТ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ўз Истиқлолининг 20 йиллигини улкан муваффақиятлар ва
ёруғ юз билан кутиб олаётган халқимизни ана шу
кутлуғ айём ҳамда муборак Рамазон ҳайити билан табриклайди!
Бундан 11 йил муқаддам ташкил этилган мазкур жамиятда айни пайтда тери маҳсулотлари
қайта ишланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Ҳозир бу ерда 26 нафар киши иш
билан таъминланган. Шундан 6 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.
2011 йилнинг шу даврига қадар 38 минг дециметр квадрат тери қайта ишланиб,
байрам кўтаринки кайфият билан кутиб олинмоқда.

*Соҳибқирон Темур руҳи қўллаган диёр,*
*Бош ғояси муштараклик, номус ила ор.*
*Даҳоларин номи бугун тилларда такрор,*
*Туркий халқлар бирлигини айлаган шиор,*
*Дўстларига руҳий мадад, шарафу шон бу,*
*Қадриятин тиклаб олган Ўзбекистон бу.*

# БЕРУНИЙ “YOG`GAR” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

саховатли ва бағрикенг халқимизни
Мустақилликнинг 20 йиллик қутлуғ тўйи
билан чин қалбдан қутлайди!
Буюк эзгу ниятлари йўлида давлатимиз қудратига
эш бўлаётган фидокор Ўзбекистон халқига
соғлик-омонлик тилайди.
Саховатлилик ва бағрикенглик қалбларингизга
доимо ҳамроҳ бўлсин. Бахтли кунларингиз
муборак бўлсин!
Юртимизда ҳукм сураётган
тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин!
Истиқлол қуёши мусаффо
осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин!



# ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “JAKO INDUSTRIAL GROUP” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*халқимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги
шодиёнаси билан табриклайди!
Оилангиздан қут-барака, меҳр ва саховат аримасин.
Меҳнатингизга унум ва умрингизга умр қўшилаверсин.
Юртимиз аҳли доимо сое-омон, фаровонликда яшасин, баркамол
фарзандларимизнинг порлоқ истиқболидан бетакрор ва гўзал
диёримиз нурларга тўлсин.
Мустақил диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо, элимизнинг бахт-
иқболи зиёда бўлаверсин.
Она Ватанимиз янада нурафшон, ўтаётган ҳар бир кунимиз нурга тўлсин!
Қалбингизга ғайрат ва шижоат доимо ҳамроҳ бўлсин!*




# ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН

## фарзандларимиз учун кенг имкониятлар эшиги очилди

**МУСТАҚИЛЛИК байрами арафасида ҳар бир жамоа, ҳар бир юртдошимиз ортга назар ташлаб, ўтган йиллар сарҳисобини қилиши шубҳасиз. Шундай экан, мен ҳам мактабимиз ҳаётининг ҳар бир куни ва ҳар бир саҳифасида истиқлол нафаси уфуриб турганини эътироф этмоқчиман.**

МАКТАБИМИЗ 400 ўринли бўлиб, айни пайтда 472 нафар ўқувчи 62 нафар ўқитувчи ва мураббийлар қўлида таълим-тарбия олмоқда. Рости XXI аср ёшлари бўлган ўқувчиларимизга ҳар куни ҳавас-ла боқаман. Негаки, улар бутунлай янгича ва юксак эътибор, ғамхўрлик билан, истиқлол йилларида қабул қилинган **“Таълим тўғрисида”**ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури” асосида ўқитилмоқда. Шунга биноан 9 та фан кабинети, компьютер синфи, кимё ва физика лабораториялари, 5000 донадан ортиқ китоб захирасига эга бўлган ахборот ресурс маркази, спорт зал, 60 ўринли ошхона, стадион, волейбол, баскетбол майдонларини ўз ичига олган мактабимиз 2008 йилда капитал реконструкция қилинди. Бизнинг ёшлигимиз ўтган собиқ иттифоқ даврида эса бу имкониятларни тасаввур қилиб бўлмасди. Синф хоналари бир аҳволда, ўқув қуроллари эса етишмасди. Компьютер, интернет ва бошқа ахборот технологиялари ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳозир эса умуман бошқача. Ўқувчилар дарслардан бўш вақтларини ўзлари истаган фан ёки спорт тўгаракларида ўтказишлари мумкин. Бунинг учун муассасамизда 47 та фан ва спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика, кикбоксинг турлари бўйича тўгараклар фаолият юритяпти.

Маълумки, ҳуқуқий етуклик ёшларни баркамолликка элтади. Шу боис ҳар ойнинг биринчи ва охирги жума кунида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби мактабимизда ҳам “Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт менинг туҳфам” шиори остида 140 туп узум, 20 туп каштан, 25 туп арча кўчатлари ўтказилди, 2000 дона терак қаламчалари қадалди. 1,8 гектарлик боғимизда пишиб етилган ўрик ҳосили 6 миллион сўмлик даромад келтирди. Мазкур даромад эвазига кам таъминланган оилалар фарзандлари ва аълочи ўқувчиларимиз рағбатлантирилди, 18 нафари “Юлдузча” болалар оромгоҳига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 21 сентябрда қабул қилинган **“Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”** ги қарорининг ижроси доирасида 2 нафар жисмоний имконияти чекланган ўқувчимизга уйида таълим берилади. Албатта, ҳар иккаласи ҳам бепул ўқув қуроллари билан таъминланган. Якунланган ўқув йилида эса 9-синфни битирган Юлдузхонга сўнгги русумдаги компьютер совға қилинди. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишлари учун яратилган шарт-шароитларнинг исботидир.

**Абдусалом ХОЛМАТОВ,
Олтиариқ туманидаги
28-умумтаълим
мактаби директори**


# “ИПАК ЙЎЛИ” ОАИТ БАНКИ ЖАМОАСИ

BANK IPAK YO'LI

Сиз азизларни —
Истиқлолимизнинг
йигирма йиллиги билан
самимий муборакбод
этади!
Мустақил Ватанимиз
одимлари бундан-да
шаҳдам, фарзандларимиз
истиқболи янада нурли
ва саодатли бўлсин!
Оилавий даромадингиз
баракали, хонадонингиз
янада файзли бўлсин.
Сизларга банк
хизматларини
кўрсатишдан ғоятда
мамнунмиз.


# Фидойилик ва изланувчанлик

## ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади

**БУГУНГИ КУНДА Жиззах вилоятида 550 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда 207769 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.**

ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармаси ва унинг тасарруфидаги таълим муассасалари томонидан билим сифатини янада ошириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. **“Таълим тўғрисида”**ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёшларга муносиб билим бериш, буюк келажагимизни таъминловчи кадрлар тайёрлаш вазифалари белгиланиб, мустаҳкамланди. Ушбу эзгу саъй-ҳаракатлар натижаси бугунги кунда ўз меваларини бермоқда.

Юртбошимизнинг **“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт”** деган ҳикматли сўзлари ҳар биримизнинг қалбимиздан энг улуғ шиор сифатида жой олди. Фарзандларимиз мана шу бахтга, билимга етишишлари учун давлатимиз алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, барча имкониятларни яратмоқда.

Бошқарма томонидан Вазирлар Маҳкамасининг **“2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Дастур доирасида қурилиш, таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб борилиб, 27 та мактаб янгидан қурилди, 237 та мактаб капитал реконструкция, 235 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди ва 28 та мактаб жорий таъмирланди. Барча ўқув хоналари замонавий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари, спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Мактабларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш энг долзарб вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятимиз мактабларида 304 та синф компьютер техникалари билан таъминланди.

Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирларда ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналарига коллежлар ва улардаги таълим жараёни, йўналишлар хусусида маълумотлар берилди.

Шунингдек, ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтириш, уларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш борасида улкан ютуқларга эришмоқдамиз. Ҳамкасбларимиз фидойилик ва изланувчанликни ўзларида мунтазам юксалтириб боришга, кадрлар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

**Қурокбой ЭРГАШЕВ,
Жиззах вилояти
халқ таълими
бошқармаси бошлиғи**

# ҚИШЛОҚ ЎРТАСИДАГИ МАСКАН

**ДАНҒАРА туманидаги 4-умумтаълим мактаби жамоаси зиммаларига юкланган катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.**



— ҲАР КУНИ эрталаб мактабимизга кириб борар эканман, истиқлол фарзандлари бўлмиш ўқувчиларимизга ҳавас билан қарайман. Эртага улар мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, жонажон Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга таратадиган инсонлар бўлиб етишишини ўйлаб, кўнглим кўтарилади, — дейди мактаб директори Шарифжон Турғунов.

Мазкур муассаса бундан 84 йил муқаддам ташкил этилган. 2008 йилда эса **“Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастури”**га мувофиқ капитал реконструкция қилинган. Айни пайтда, унда Телиминг қишлоғининг 738 нафар ёшлари таълим олишаяпти. Ўқувчиларга 84 нафар устоз мураббий сабоқ бермоқда. Айниқса, Зулфия Зияева, Каримжон Ўришев, Мунавварҳон Қулматова, Улуғбек Аҳмедов, Мухтасархон Тўйчибоева ва Аҳаджон Ҳотамқулов сингари ўқитувчиларнинг жамоада алоҳида ўрни бор.

Мактабда 24 та фан кабинети, кимё ва физика лабораториялари, 1 та компьютер синфи, спорт зал, 2080 дона китоб фондига эга бўлган кутубхона, 60 ўринли ошхона мавжуд. Дарслар 2 навбатда ташкил этилган. Эътиборли жиҳати, “Билимлар куни”да ўтиладиган “Мустақиллик дарси” ишланмалари июль ойидаёқ тайёрлаб қўйилган.

Таассуротимизни орттирган нарса шу бўлдики, бу ерда сармоядан ташқари маблағ топиш ишлари намунали йўлга қўйилган экан. Масалан, 2008 йили мактабга қарашли ерда 2 та иссиқхона ташкил этилган. 35 туп бодом, 60 туп хурмо, 40 туп олхўри бор. Йилнинг шу даврига қадар 4.200.000 сўм миқдорида даромад олинди. Ҳозир 0,7 га. майдонда бодринг ва помидор парваришланаётганини инобатга олсак, йил якунигача даромад салмоғи янада ошади.

Албатта, олинаётган даромад таълим сифатини оширишга сарфланяпти. 2009 йилдан буён 12 нафар аълочи ўқувчи ойлик стипендия билан таъминланиб келмоқда.

Дарвоқе, бу йил мактабни 101 нафар ўқувчи битирди. Бугунгача улар ўзлари танлаган йўналиш бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга киришди.

**Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун”
мухбири**

# “НАВОИЙ НЕФТЬ БАЗАСИ” УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг шонли 20 йиллик шодиёнаси билан барча юртдошларимизни чин дилдан самимий қутлайди. Бунёдкор халқимизнинг қутлуғ орзу-ниятлари амалга ошсин. Бетакрор ва гўзал юртимиз тинч, ҳаётимиз янада фаровон, меҳнаткаш элимиз ҳамиша омон бўлсин!





## МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

*Сизларни Истиқлолимизнинг 20 йиллик байрами билан табриклаймиз!*
*Хонадонингиздан қут-барака, дастурхонингиздан тўкин-сочинлик, ҳаётингиздан тўй-томоша ва қувончли кунлар аримасин!*
*Истиқлол шарофати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги “2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ корхонамизда:*
*бош бино ва тозалаш цехи таъмирланиб, янгидан жиҳозланди;*
*мавжуд омборлар таъмирланиб, жиҳозлар алмаштирилди;*
*тарозихоналар қайта жиҳозланиб, корхона ҳудуди ободонлаштирилди.*

*Байрамингиз муборак бўлсин!*




## “ПОП ПАХТА ТОЛАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

## БУХОРО ШАҲРИДАГИ “ҚАҲҲОР БОБО” ШАХСИЙ САВДО ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШИРКАТИ

азиз юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги шодиёнаси билан самимий қутлайди! Халқимиз тинч-омон бўлиб, хонадонларидан қут-барака аримасин. Юртимиз келажаги порлоқ, истиқлол нуридан мангу нурафшон бўлаверсин.



## “САМАРҚАНДДОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни азизу мукаррам байрамимиз — юртимиз Истиқлолининг 20 йиллик айёми билан муборакбод этади! Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва ишонч туйғулари тарк этмаслигини чин дилдан истаб қоламиз. Бунёдкорона меҳнатимиз юртимизга, ҳар бир хонадонга қут-барака олиб кираверсин. Мамлакатимиз дони ҳамиша мўл, нони бутун бўлсин!

